В последние годы было осуществлено 242 мелиоративных проекта на общую сумму 100 млрд. сум, в результате было очищено 11580 км межрайонной и внутрихозяйственной коллекторной сети, построены новые и капитально отреконструированы магистральные и межхозяйственные коллектора.

Анализ показал, что высокие показатели роста объемов производства потребительских товаров достигнуты за счет:

1. Модернизации и технического перевооружения производства;
2. Осуществление активной инвестиционной политики;
3. Осуществление мер по всесторонней поддержке отечественных производителей;
4. Реализация мер по обеспечению продовольственной безопасности страны;

Анализ показал, что рост услуг обеспечен за счет:

- 1) расширения сети предприятий оказывающих услуги населению;
- 2) роста услуг связи и информатизации;
- 3) развития микро и потребительского кредитования;

- 4) развития институтов финансовой инфраструктуры;
- 5) стимулирования роста услуг по обслуживанию дехканских и фермерских хозяйств.

Таким образом можно сделать вывод, что существенным моментом в обеспечении устойчивого развития экономики является активизация инвестиционной политики, т.к. от этого зависит продолжение модернизации всего производства во всех сферах экономики.

### **Литература**

1. А. Каримов. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. -Т.: «Узбекистан», 2009.
2. Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2010.-162с.

## **QURILISH SOHASIDA INVESTITSİYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH MEKANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH**

*Ilmiy rahbar: i.f.d., prof. Maxmudov Nosir Maxmudovich TDIU*

*Talaba: Avazov Nuriddin Rustam o'g'li TDIU*

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq mamlakatimizda makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolish, uning raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Modernizatsiyalash va sanoatni jadal rivojlantirish, davlatning iqtisodiyotdagi ishtirokini kamaytirish bo'yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, xususiy mulkchilikning huquqlarini himoya qilishni yanada kuchaytirish, viloyat, shahar va tumanlarni kompleks va muvozanatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, investitsiyalarni yaxshilash yo'li bilan mamlakat iqtisodiyoti va mintaqalariga xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad eng avvalo mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirish va iqtisodiy

barqarorlikni ta'minlashdir. Bu bora chuqur iqtisodiy islohatlar amalga oshirilib har bir sohaga investitsiyalar jalb qilish yo'liga qo'yilmoqda va investitsiya jalb qilinadigan tarmoqlardagi muammo va kamchiliklar bartaraf etilmoqda. Bu orqali har bir sohaga investitsiyalar kiritish hajmini keskin oshirish maqsad qilib qo'yilgan. Shu ishlar amali natijasi mamlakatimizda qurilish sohasida bir qator ijobiy o'zgarishlar sodir bo'lmoqda va yildan-yilga mamlakatimizda qurilishga jalb qilingan investitsiyalar hajmi oshib bormoqda. Investitsiya jalb qilish bo'yicha joriy yilning rejasi Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan quyidagicha aytib o'tildi: "2019-yilgi Investitsiya dasturiga 16,6 milliard dollarlik 3 mingdan ziyod loyiha kiritilgan. Bu 2018-yildagiga nisbatan 16% ko'pdir. Jumladan, joriy yilgi Investitsiya dasturi doirasida umumiy qiymati 3,2 milliard dollar bo'lgan 140 ta ishlab chiqarish quvvatini foydalanishga topshirish rejalashtirilgan"[3].

Rejadagi ishlar jadal tarzda amalga oshirilayotganini ko'rishimiz mumkin. Rejadagi ishlarni amalga oshirishdan ko'zlangan asosiy maqsad iqtisodiyotimizga ko'proq investitsiya kiritish va bu orqali iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirishni ta'minlashdan iborat.

Investitsiya satatistikasiga e'tabor qaratadigan bo'lsak, bunda qurulishning ulushi sezilarli darajada ekanligini ko'rishimiz mumkin:

	<i>Jami</i>	<i>Davlat</i>	<i>Nodavlat</i>
<b>Jami, mlrd.so'm</b>	<b>107333,0</b>	<b>20126,7</b>	<b>87206,3</b>
<i>shu jumladan jamiga nisbatan % da</i>			
Qurilish-montaj ishlari	49,7	65,2	46,1
Mashina, uskuna, inventar	39,7	28,7	42,3
Boshqa xarajatlar	10,6	6,1	11,6

**1-jadval.** Asosiy kapitalga investitsiyalarning mulkchilik shakllari bo'yicha texnologik tarkibi(2018-yil yaanvar-dekabr) [4]

Asosiy kapitalga investitsiyalarning texnologik tarkibida: Respublika bo'yicha qurilish-montaj ishlarining ulushi – 49,7 % ni, mashina, uskuna, inventar sotib olishga xarajatlar – 39,7 % ni hamda boshqa xarajatlar ulushi – 10,6 % ni tashkil etadi. Jadvaldan ko'rishimiz mumkin investitsiyalarning katta qismi qurilishga jalb

qilinayapti. Bundan malumki, bunday holatda qurilish sohasida investitsiyalardan samarali foydalanish mexanizmini takomillashtirishni talab qiladi. Qachonki mamlakat iqtisodiyotiga jalb qilingan investitsiyalardan samarali foydalangandagina bu investitsiyalar mamlakat iqtisodiyotiga ijobiy o`shirish sur`atlarini olib keladi.

Qurilishga e`tibor kuchayayotganiga qaramasdan bu sohada ba`zi muammolar borligi ko`rishimiz mumkin. Ko`rinib turibdiki bu muammolar bu sohaga investitsiya kirib kelish oqimiga sal`biy ta`sir ko`rsatadi. Prezidentimiz Shavkat Mirmonovich Mirziyoyev bunga quyidagicha fikr bildirib o`tgandilar: “Qurilish sohasida ruxsat berishga oid 17 ta tartib mavjud bo`lib, ularni olish uchun o`rtacha 246 kun sarflanadi”[2].

Bundan tashqari, Jahon Bankining “Doing business 2019: trening va islohotlar” nomli hisobotida mamlakatimiz 190 ta davlat orasida “Qurilishga ruxsat olish” yo`nalishi bo`yicha 134-o`rinni egallab turibdi. Bundan ko`rinib turibdiki sohada tizimli ishlar olib borish zarurati bor va uni amalga oshirish hozirgi kunda bu sohani rivojlantirish va bu sohaga investitsiya jalb qilish uchun muhim hisoblanadi.

Qurilish sohasiga investitsiyalar jalb qilish kundan-kunga oshmoqda. Bu esa mamlakatimizning bu sohadagi ba`zi muammolarni hal qilish kerakligini ko`rsatadi. Bu kabi muammolar yechimi sifatida quyidagi takliflarni beramiz: birinchidan, qurilishga ruxsat berish tizimini soddalashtirish; ikkinchidan, qurilishga jalb qilingan investitsiyalardan samarali foydalanish mexanizmini soddalashtirish; uchunchidan, bu sohaga yanada ko`proq investitsiya jalb qilishni yo`lga qo`yish; to`rtinchidan, investitsiya loyihalarini to`g`ri joylashtirishni shakllantirish.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi kunda mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirish va mamlakatimizning urbanizatsiya darajasini oshirishda qurilish sohasini rivojini muhim o`rin egallaydi. Shuningdek bu sohaga investitsiyalar jalb qilish va jalb qilingan investitsiyalardan samarali foydalanishni yo`lga qo`yish qurilishning jadal rivojlanishiga olib keladi.

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Sh. Mirziyoyev “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” to‘g‘risidagi farmoni, PF-4947.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr.
3. Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2019-yil 8-yanvardagi 2019-yilgi investitsiya loyihalarini amalga oshirishni jadallashtirish masalalariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishidagi nutqi.
4. [stat.uz](http://stat.uz) sayti ma‘lumotlari.

## **ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Абдуллаев Ахрор Жаҳбарович,  
Тошкент архитектура-қурилиш институти*


Минтақаларда кичик бизнесни ривожлантириш дастурларининг асосий мақсади кичик бизнеснинг динамик ўсиши учун ташкилий-ҳуқуқий ва инвестицион-молиявий муҳитни яратиш, такомиллаштириш кичик корхоналарни ахборот таъминоти, кадрлар тайёрлаш, кичик корхоналарга кредит ажратишда давлат кафолатлари тизимини ишлаб чиқиш, кичик бизнес субъектларини суғурталаш, шунингдек кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи инфратузилмани яратишни ўз ичига олади. Дастурларнинг асосий йўналиши кичик бизнесни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш ва улар учун реал инвестицион ва солиқ сиёсатини яратишдан иборат. Бу каби дастурлар минтақада кўп мартаба қабул қилинган ва тасдиқланган, бироқ белгиланган мақсадларга бирданига эришиш имконини йўқлиги ушбу дастурларни доимий такомиллаштириб бориш лозимлигини талаб қилади.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланганлик ҳамда иқтисодий имкониятлари нуқтаи назаридан олиб қараганда минтақа мамлакатда ўзига хос аҳамият касб



этади. Мазкур мақоламизда минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини қиёсий таҳлилни қараб чиқадиган бўлсак, Тошкент вилоятидаги кичик корхоналар мамлакатдаги кичик корхоналар сонининг 10,4% ни ташкил этади. Бу эса минтақада қурилиш соҳасидаги кичик корхоналарни ривожланишига имконият яратди. Статистик маълумотларни кўрсатишича 2017 йилда Тошкент вилоятида қурилиш бизнесида жами ходимлар сони 7,2 мингга яқин кишини ташкил қилган ва 1670га яқин кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият олиб борган.

Келтирилган 1-расмдаги маълумотлардан кўринадикки, жами кичик корхоналарда иш билан бандларнинг ўртача сони 4 кишини, бироқ қурилиш соҳасида эса бу кўрсаткич ўртача 6 кишини ташкил қилмоқда. Умумий тенденцияга эътибор қаратиладиган бўлса, қурилиш соҳасидаги ўртача ишчилар сони камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бироқ бошқа томондан кичик корхона ва микрофирмаларда рўйхатда турмайдиган, фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар асосида ишлаётган ходимларнинг ўртача сонини ошириши кузатишимиз мумкин. 2014 йилда уларнинг жами кичик корхоналардаги йиллик ўртача сони 6,5 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 8,1 минг кишига етган. Қурилиш соҳасида бу кўрсаткичлар мос равишда 1,6 ва 2,0 минг кишини ташкил қилиб, жамига нисбатан 25% ни ташкил қилмоқда.



**1-расм. Фаолият олиб бораётган жами ва қурилиш соҳасидаги кичик корхоналарда ўртача ишчилар сони\***

\*Тошкент вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг (КБХТ) ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишдаги улуши анча юқори бўлиб, 58.2% ни ташкил қилади ва қарийб 992,6 мингга яқин аҳоли ушбу соҳада иш билан банд, шу жумладан бевосита иш билан бандлик ва ёлланиб ишлайдиганларни ҳам ҳисобга олганда, бу кўрсаткич вилоятдаги ишга яроқли аҳолининг умумий сонининг 77 %га яқин қисмини ташкил қилади.

Бу эса вилоятида кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини асослайди. Хусусан қурилиш соҳасидаги кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 1409,2 млрд сўми ташкил қилиб, бу кўрсаткич мамлакат бўйича умумий ҳажмнинг 6.3 %ини ташкил қилган. Ушбу йўналишда энг юқори улуш Тошкент шаҳрига тўғри келиб жами бажарилган қурилиш ишларининг 19.6 % ини ташкил қилади.

#### 1-жадвал

#### Тошкент вилоятида қурилиш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари\*

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017
КБХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари (млрд. сўм)	935.0	1104.0	1214.9	1409.2
КБХТнинг қурилиш ишларидаги улуши (%)	70.3	70.7	73.8	77.2
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишлари ҳажми (млрд. сўмда)	344.5	357.3	522.4	583.5
Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган қурилиш ишларининг республикадаги улуши (%)	5.2	4.5	5.2	4.7

\*Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Минтақадаги қурилиш корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, кичик корхоналар ҳар йили қурилиш саноатини ривожлантиришга салмоқли хисса қўшиб келаётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Биз қуйидаги 1-жадвал маълумотлари асосида вилоятда қурилиш саноатини КБХТнинг ривожланиш тенденцияларини қараб чиқамиз.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадик КБХТ субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари йилдан-йилга ошиб бормоқда, шунга мос равишда уларнинг жами қурилиш ишларидаги улуши ҳам ошиб бормоқда. Жумладан 2014 йилда қурилиш ишларида КБХТнинг улуши 70.3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 77.2 фоизга етган. Кичик корхона ва микрофирмаларни ўз кучи билан бажарган ишлари ҳажми нуқтаи назардан олиб қараганда уларнинг миқдори номинал қийматда ошиб боришини кузатишимиз мумкин. Бироқ вилоятдаги кичик бизнес ва микрофирмаларнинг ўз кучи билан бажарган ишларини республикадаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, 2014 йилда 5.2 фоизни ташкил қилган ва 2015 йилга келиб 4.5 фоизгача камайганлигини кўриш мумкин. 2016 йилга келиб 2014 йил даражасига эришилган бўлса, 2017 йилга келиб яна 0.5 фоизга камайиб 4.7 фоизни ташкил қилган. Ушбу маълумотлар ҳамда вилоятнинг иқтисодий фаолиятини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, вилоятда қурилиш соҳасида КБХТни ривожлантириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Кичик бизнесни молиялаштириш – мамлакатимизда куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Хусусан, Тошкент вилояти ҳам бундан мустасно эмас. Кичик бизнесни молиялаштиришнинг муҳим захираси бу - имтиёзли банк кредитлари, ўзаро ижтимоий кредитлаш ёки ўзаро суғурталашни ривожлантириш ҳисобланади.

2017 йилда минтақанинг ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар 4301,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати 96,4% ни ташкил қилди.

Вилоят бўйича жами ўзлаштирилган инвестицияларнинг 61.0 %и (2623,8 млрд. сўм) йирик корхона ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Вилоят статистика бошқармаси томонидан кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилган мониторинг кузатув натижаларига кўра КБХТлар томонидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1045,2 млрд. сўм миқдоридан баҳоланган (жами вилоят бўйича ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 24,3 %).

Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари ҳулосасига кўра кичик бизнесни иқтисодий ва ижтимоий функциялари уни муҳим минтақавий муаммолар ечими ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарорлиги ва ислоҳ қилишнинг ажралмас қисми сифатида намоён қилади. Мамлакатимизда кичик бизнес ривожланиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда кичик бизнес, хусусан қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари ривожланишига таъсир ўтказувчи асосий омиллар аниқланди.

Тадқиқотлар қурилиш ишларига бошқа соҳаларга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаблари турлича, чунки мамлакатда бизнес хусусий капитал ҳисобига ривожланади, қурилиш соҳасини инвестициялаш бўлса асосан ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади. Натижада вазиятга оид қуйидаги фаразлар илгари сурилади:

1. Қурилишдаги кичик корхоналар сони кўп жиҳатдан барқарорлашган. Бундай корхоналарнинг энг муҳим хусусиятлари молиявий ва иқтисодий мустақилликнинг юқорилиги, соддалаштирилган ташкилий тузилма ва ўзининг иқтисодий бўлимларини тезда қайта туза олиш қобилияти.

2. Бозор муносабатларини шакллантиришдаги асосий муаммо – тадбиркорлар манфаатларини рад қилиш, юқоридан маъмурий – буйруқбозлик усулини таъминлашга уриниш ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини яратиш мазмуни эса “пастдан юқорига” яъни – тадбиркорнинг манфаатларидан ушбу жараённи амалга оширувчи, хизмат кўрсатувчи марказлашган бозор инфратузилмасини яратишни талаб қилади.

3. Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва уларнинг қонуний йўл билан жорий қилинишининг мураккаблиги кичик корхоналарни, ўз навбатида кичик корхоналарга қўшимча тўловларни жорий қилган ҳолда уни ўзига бўйсундириб оладиган ноқонуний тузилмалар билан алоқага киришишига олиб келади.

4. Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнеснинг ривожланиши тез суръатларда амалга оширилмоқда, давлат кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашда асосий субъект сифатида майдонга чиқади аммо ташкилаштиришда деярли иштирок этмайди.

5. Кичик бизнеснинг фаолияти асосан маҳаллий бозорга, минтақавий муаммоларни ҳал этишга балки мамлакат экспортини ривожлантиришга қаратилган. Кичик бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши фақат ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа қулай шарт – шароитлар мавжуд бўлган тақдирдагина амалга ошиши назарда тутилмоқда.

6. Республика, ҳудудлар, вилоятлар ва шаҳар даражасидаги барча давлат органлари иқтисодий ривожланиш бўлимларига эга, уларнинг асосий мақсадлари тадбиркорликни ривожлантиришга, асосан ушбу ҳудуд аҳолиси томонидан талабга эга бўлган истиқболли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, иш ўринлари яратишга қаратилган.

7. Ҳудудий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш йўналишларини ҳудудларда белгилаши, моддий – техник ва молиявий ресурсларнинг иштирокини ҳисобга олган ҳолда зарур чора – тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишлари керак.

8. Кичик бизнесни ривожлантириш учун муҳим вазифалар қаторида мамлакатда ва ҳар бир минтақада инвестицион жараённи таъминлайдиган шароитларни яратишга қаратилган иқтисодий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, анъанавий макроиқтисодий қийматлар нафақат мамлакатдаги, балки минтақаларда ҳам ривожланиб келаётган вазиятни тушунтиради. Маҳаллий бошқарув тизимининг янги

воқеъликка тайёр эмаслигини амалда мавжуд бўлган ечимга эга бўлмаган муаммолар, шунингдек ривожланиш стратегиясини танлаш ва мавжуд ресурсларни баҳолаш жараёнида намоён бўлади. Бугунги кунда кўпчилик ҳудудий ҳокимият органларининг асосий хатти-ҳаракатлари, қоидага кўра, янги корхоналарни ташкил этиш ва ташқи инвесторларни жалб қилишга қаратилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришга таъсир ўтказувчи омилларнинг таҳлили, шунингдек кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш республика ва минтақавий мақсадли дастурлари шуни кўрсатадики, мавжуд муаммоларни фақат биргаликдаги саъй – ҳаракатлар, тадбиркорларнинг ўзлари ва давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари бошқаруви томонидан биргаликда бартараф қилиниши зарур. Истиқболда кичик бизнесни ривожлантиришда, кичик бизнес тузилмалари яшовчанлик хусусиятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда умумминтақа миқёсида ривожлантиришни тартибга солиш стратегик механизмини жорий қилиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилд 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4749 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ““Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарори.
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

## **РЕСПУБЛИКАДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ, ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Давлетов И.Х., ТАҚИ “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент;  
Холиқов Ж.И., ТАҚИ Қурилишни бошқариш факультети 3-курс  
талабаси.*

Республика аҳолисига сифатли уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш, соҳада барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини уйғунлашган тарзда ташкил этиш, уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, кўп хонадонли уйларнинг сақланиши талабларига риоя этилиши устидан техник назоратнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари(ХУЖМШ)нинг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5017-сон фармони[1]ва “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2900-сон қарори[2], шунингдек 2017 йил 22 апрелдаги “2017 -2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2922-сон қарори[3]қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, республикада кўп хонадонли уй-жой фондини тегишли даражада сақлаш ва уларни самарали бошқариш тизимидаги камчиликлар, хусусан уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш ва унда аҳолининг хавфсиз яшаши бўйича белгиланган талаблар бузилишига йўл қўйилиши, бино ва иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга оид қоида ва муддатларга риоя этилмаётганлиги, эски уйларни бузиш ишларининг тизимли равишда олиб борилмаётганлиги, шунингдек кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларнинг ҳолати санитария нормалари, қоидалари ва гигиена меъёрларига тўлиқ жавоб бермаётганлиги бунга мисол бўла олади.

Республикада уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида, хусусан ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурларида ушбу масалаларни муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланиши ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида давлат–хусусий шерикчиликнинг ривожланиши, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш ва бошқа шу каби соҳадаги бир қатор долзарб масалалар ечими таъминланади.

Тобора шиддат билан тараққий этиб бораётган бугунги куннинг ўзи коммунал хизмат ходимларининг иш жараёнларига ахборот тизимларини қўллаш ва уларнинг масъулиятли ишини автоматлаштириш заруратини келтириб чиқарди. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг қўлланилиши эса коммунал тўлов ҳисоб-китобларига кетадиган харажатларни камайтириш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун ҳам, аҳоли учун ҳам катта қулайликлар туғдиради.

Уй-жой фонди бошқаруви тизимини ўзгартиришдан асосий мақсад - янги уй-жой мулкдорларига мулкларини сақлаш бўйича ҳуқуқларни, вазифаларни ва молиявий масъулиятини уларнинг ўзининг зиммасига юклашдан иборат. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда ушбу фаолият турини амалга оширишга рухсат берувчи махсус малака хужжатиغا эга бўлиш уй-жойни бошқарувчилар учун шунчаки, қонунда назарда тутилган кабилида эмас, балки бозор талаби ҳисобланади.

Соҳадаги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ХУЖМШларнинг кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, уларни эксплуатацияси ва таъмирлаш борасидаги фаолиятида ўз ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Буларга, асосан турар жой биноларининг умумфойдаланиладиган жойларини жорий ва капитал таъмирлаш ишларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, хусусан сарфланган пул маблағлари, қурилиш материаллари, бажарилган ишлар сифати ва бошқа шу кабилар киради.



Бугунги кунда уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш ишларини режали равишда олиб борилишига ва мажбурий бадаллармиқдори қийматини аниқлашга профессионал даражада ёндашилмаганлиги боис республикада сақлаш ва таъмирланиши мумкин бўлмаган 1401 та авария ҳолатидаги ва 118 та эски кўп хонадонли уйлар мавжуд. Бундан ташқари кўп миқдорда молиявий маблағ талаб қилинадиган жуда кўплаб кўп хонадонли турар жойлар ҳам мавжуд[4].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидагивазифалар ва тадбирларнинг амалга оширилиши талаб қилинади:

- шартнома асосида “Вазирлик - Бошқарув компанияси - ХУЖМШ” ўзаро ҳамкорлигининг реал механизмини яратиш;

- ширкат аъзоларини ҳақиқий, тезкор ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек коммунал хизматларга ҳақ тўлаш ва мажбурий бадалларнинг ўз вақтида тушиши учун ҳар бир хонадон эгасига идентификацион рақам бериш орқали “биллинг дастурлари” ни ни жорий этиш;

- ҳудудларда уй-жой коммунал ресурслар ва хизматлар истеъмоли бўйича замонавий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юргизиш;

- ҳар бир истеъмолчининг шахсий кабинетини билан интернет- порталларни ташкил этиш ҳамда шу орқали “Internetof Buildings” - бинолар конструкциялари ҳолати, коммунал хизматлар ва ресурслар истеъмоли ҳисоби ва уларни тартибга солишнинг мониторинг тизимини жорий этиш;

- кўп хонадонли уйларда сифатли жорий ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳамда барча элементлар билан уй олди ҳудудларини ободонлаштириш(болалар ва соғломлаштириш майдончалари қурилиши, йўл, тротуар ва кўча ёриткичларини таъмирлаш ва бошқалар) учун “Таъмирлаш- тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Яқуний хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, соҳадаги туб ўзгаришлар, шунингдек соҳа корхона ва ташкилотларни ривожлантириш,

уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали мутахассисларни жалб этиш ва бошқа шу каби муҳим вазифаларни тизимли равишда амалга оширилиши пировардида республикада коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, аҳоли турмуш даражаси ва яшаш шароитининг янада яхшиланиши таъминланади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5017- сон фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 16-сон, 267-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПҚ-2900-сон қарори.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 291-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги “2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2922-сон қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 26 апрель, 82(6776)-сони.

4. В Узбекистане назвали главные проблемы ТЧСЖ и способы их решения. <https://news.mail.ru/society/33979711/>

## РЕСПУБЛИКАДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Маманазаров Ойбек Шомуродович, ТАҚИ, “Қурилишда менежмент”  
кафедраси доценти,  
Иноятова Дурдона Шохайдаровна, ТАҚИ, “Қурилишда менежмент”  
кафедраси доценти,  
Ортиқбоева Озода Неъматовна, ТАҚИ талабаси, Бердибаева Гулиза  
Бердибай қизи, ТАҚИ талабаси*

**Қурилиш материаллари саноати** – уй-жой қурилиши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалардаги қурилиш соҳалари учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноатдир. У бир қанча тармоқларни ўз ичига олади. Цемент, асбест-цемент шифери, асбест-цемент қувурлари, девор материаллари (ғишт), оҳак, гипс, дераза ойналари, юмшоқ ёпма материаллар, табиий тошлардан қоплама материаллар, безак ҳамда пол учун сопол (керамик) плиталар, иситгич радиаторлар ва конвекторлар, чинни-фаянс санитария-қурилиш буюмлари, линолеум, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, норуда қурилиш материаллари (майдаланган, чақилгантош, қум, шағал, қум-шағал аралашмаси) ва бошқалар қурилиш материаллари саноатининг асосий маҳсулотлари ҳисобланади.[2]

Қадимда ғишт, черепица, сополплита, сополсув ўтказиш қувурлари, гипс ва оҳакли ёпишқоқ материаллар ва бошқа қурилиш материаллари маълум эди. XIX-асрнинг 1-чорагида механик чидамлилиги юқори бўлган, сувда қотадиган портландцемент кашф этилиб, қурилишда бетон ва темир-бетон ишлаб чиқариш ва уларни ишлатишга шароит яратилди. XIX—XX-асрларда қурилиш ҳажмининг кескин ошиши натижасида қурилиш материаллари саноат маҳсулотлари тур таркиби ва ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори суръатларда юксалди.

Ўзбекистонда табиий хом ашёлардан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, бинолар қурилишида хом ғишт, гувала, ёғочсинч, ганч, оддий тупроқ (лой) дан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб

келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамартошлар сарой, мадраса, масжид, работлар курилишида кенг қўлланилган.

Республикада курилиш материаллари саноати халқ хўжалигидаги саноат тармоғи сифатида XX-аср бошларида пайдо бўлди. 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистонда жами 20 дан кўпроқ кичик ғишт заводлари, оҳак ва алебастр ишлаб чиқариш корхоналари ишлаган. XX-асрнинг 20-йилларидан бошлаб дастлабки курилиш материаллари саноати корхоналари (цемент, ғишт заводлари) курилиши бошланди ва қисқа муддатларда цемент саноати, шиша-ойна саноати, тошга ишлов бериш (тоштарошлик), норуда курилиш материаллари корхоналари барпо этилди.

XXI-аср бошида республиканинг кўп тармоқли курилиш материаллари саноатида цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ том ва гидроизолятсия материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллар, полимер хом ашёдан курилиш материаллари ва буюмлар, темир-бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланди. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади.

Курилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг курилиш материалларига бўлган талабини тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар курилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб кенгайтирилмоқда. Тармоқдафаолият кўрсатадиган энг йирик ташкилот "Ўзкурилишматериаллари" акциядорлик компаниясидир. Курилиш материаллари саноати тузилмасини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда унинг экспорт потенциалини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 25 октябрдаги "Республика курилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2641-сонли қарорига

мувофиқ «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси негизида «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти ташкил этилди.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий вазифалари қурилиш материалларининг ички ва ташқи бозорлардаги замонавий қурилиш материалларига бўлган талабини аниқлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, рақобатдош, экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш, замонавий юқори сифатли қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг энергия ва ресурсларни тежовчи илғор технологияларини соҳага кенг жорий этишда ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини олиб бориш, тармоқни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, кенг жалб этиш, ушбу соҳадаги етакчи чет эл компаниялари билан юқори сифатли замонавий қурилиш материалларини кенг турда ишлаб чиқариш бўйича имкониятларни шакллантиришдан иборатдир.[1]

Жамият томонидан 2018 йилнинг биринчи олти ойида 3693,1 минг тонна цемент, 6,2 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, 41,9 минг тонна қуруқ қурилиш қоришмалари, 40,7 минг тонна қурилиш гипси, 16,7 минг тонна оҳақ, 29,7 миллион дона деворбоп материаллар, 3,1 миллион дона шифер, 25,8 минг дона сантехкерамика маҳсулотлари каби сифатли ва арзон маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қиймати 518 миллиард сўмлик 154 янги лойиҳа ишга туширилди. Натижада 1 минг 938 та янги иш ўрни ташкил этилди. Керамик плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, керамогранит, сэндвич панеллар, юмшоқ томёпқич материаллари, базальт арматураси, суяқ гулқоғоз, иссиқликни сақловчи материалларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.[3]

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда тармоқда жиддий ислохотларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Тармоқда жуда катта

захира, салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Улардан профессионал тарзда, оқилона ва самарали фойдаланиш соҳанинг келгусидаги истиқболлини белгилаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 25 октябрдаги “Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2641-сонли қарори.

2. Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви: дарслик / В.Ёдгоров, Д. Бутунов. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Тошкент архитектура-қурилиш институти. - Тошкент: Ношир, 2012-400 б.

3. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ботир Зариповнинг ЎЗА мухбири Насиба Зиёдуллаева билан суҳбатидан.  
[www.uza.uz](http://www.uza.uz)

## **ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

*Қурилишда менежмент кафедраси мудири, доцент Буриев Х.Т.,  
катта ўқитувчи Рахманова Ф.М., ўқитувчи Мирзаев З.А (СамДАҚИ)*

Жаҳон иқтисодиётида инновацион жараёнларнинг жадаллашуви уларнинг рақобатбардошлик мезонларининг асосийсига айланишига олиб келмоқда. Бугунги кунда инновация ишлаб чиқариш омилларининг бирига айланган десак муболаға бўлмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишини инновацион жараёнларнинг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланишисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёев томонидан ушбу долзарб масаланинг ташкилий жиҳатлардан ҳал қилиш ва инновацион ривожланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича катор ҳужжатлар қабул

қилинган. Булар қаторига 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сон Фармони, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 2018 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3674 Қарорларни киритишимиз мумкин. Ушбу фармон ва қарорларнинг асосий мақсади мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал соҳаларида узлуксиз янгиланишиш фан-техниканинг энг охирги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тизимини шакллантиришдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Бундай юксак ва муракқаб мақсадга эришиш комплекс ёндашувнинг амалга оширилишини талаб қилади. Қурилиш соҳасининг инновацион ривожланишига тўхталсак, инновацион ривожланиш қурилиш комплексининг иштирокчиларини ва инвестицион-қурилиш жараённинг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим. Айниқса, инсон капиталини ривожлантириш, ташкилотларда янгиликларни фаол тарқатадиган кадрлар сонини кўпайтиришга эътибор қаратилиши бугунги кундаги долзарб вазифадир. Бунинг учун нафақат ташкилий-ҳуқуқий, балки қўйилган мақсадга мос илмий-услубий, ташкилий-иқтисодий, технологик, интеллектуал ва ижтимоий механизмларнинг яратилиши ва самарали фаолият кўрсатиши зарур бўлади.

Ушбу мақолада бизлар қурилиш соҳасида инновацион жараёнларнинг ажралмас қисми бўлмиш инновациялар диффузияси тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Адабиётларда инновациялар диффузияси атамаси турли талқинларга эгадир. Уларда инновацияларни оммалаштириш ғояси олдинга сурилади, шу билан биргаликда ушбу жараённинг техник, ҳуқуқий ва тижорат томонларини ёритишга ҳаракат қилинади. Шу билан биргаликда мавжуд атама қурилиш ташкилотлардаги хусусиятларни тўла акс эттирмаган. Соҳада тижорат асосида инновацияларни тарқатишга қизиқиш еъарли эмас. Лойиҳа-қурилиш ишлаб чиқариши ўзининг қатъий технологик талаблари ҳамда

анъанавий жараёнларнинг устуворлиги билан инновациялар оммалашига алоҳида эътибор қаратиш билан ажралиб туради. Ҳақиқатдан ҳам бир қарашда бино ва иншоотлар қурилишида технологиялар ўзгариши кузатилмайди. Айнан ушбу хатолик кўпчилик кичик қурилиш ташкилотларида инновацияларнинг аҳамиятини тушунмасликка олиб келмоқда.

Бу борада қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг ўрнини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. 2017 йил якунлари бўйича Самарқанд вилоятида жами 2351,1 млрд.сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Корхоналар бўйича ишларнинг таркибини кузатадиган бўлсак, йирик корхоналар томонидан 179,8 млрд.сўмлик (7,7%), кичик корхона ва микрофирмалар - 1002,4 млрд.сўмлик (42,6%), норасмий секторда эса 1168,9 млрд.сўмлик (49,7%) қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, қурилиш-монтаж ишларининг 93,3%и инновацион салоҳияти паст бўлган кичик ташкилотлар томонидан бажарилган. Бундай ҳолатда соҳага инновацияларни киритиш ва уни тарқатиш масаласини илмий-услубий ва ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш талаб қилинади.

Кичик бизнес фақат бир вазиятда инновация ташувчиси бўлиши мумкин – унинг таъсисчиси йирик илмий-инновацион компания бўлса ва тузишдан мақсад инновацияларни ҳаётга тадбиқ этиш бўлса. Бунга мисол қилиб Жиззах шаҳрида жойлашган ва базальт арматураларини тарғиб қиладиган “Mega Invest Industrial” МЧЖ қўшма корхонасини келтиришимиз мумкин. Аммо, Самарқанд вилоятидаги кичик бизнес вакилларини бундай корхоналар сафига киритиш қийин. Шу муносабат билан соҳада инновациялар киритиш вазифаси асосан йирик қурилиш компаниялар зиммасига юклатилади. Замонавий қурилиш техникасини келтириш, янги технологияларга асосланган қурилиш жараёнларидан фойдаланиш, замонавий материаллар ва конструкцияларни қўллаш айнан йирик корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Уларнинг инновацияларни тарқатишда ташаббускор ролини ўйнашини ташкил қилишгина соҳада инновацияларнинг кенг тарқалишига олиб келиши мумкин.



Давлатимиз томонидан инновацион ташкилотларга молиявий ёрдам ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилиши жойларда хўжалик субъектлари томонидан ривожланиш манбаси бўлмиш инновациялар диффузиясининг ташкилий муносабатларни такомиллаштиришни тақозо қилади. Олиб борилган назарий изланишлар ва вилоят корхоналаридаги амалий кузатувлар бундай муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларнинг ишлаб чиқилишига асос бўлган:

- Инновациялар диффузиясининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини жорий қилиш. Йирик корхоналар томонидан яратилган инновацияларни кичик бизнесга тарқатишда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали рағбатлантирилиши мумкин. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг иқтисодий манфаатларини ўзаро бирлаштириш фаолиятни баҳолашда инновацион мезонларини киритилиши билан ҳал этилиши мумкин. Қурилишда шерикчилик асосидаги янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари жорий қилиш ҳам муаллифлик ҳуқуқларини бузмаган ҳолда инновациялар тарқалишига хизмат қилади;

- Инновацияларнинг узлуксиз кириб боришнинг ташкилий механизмини шакллантириш. Маълумки, кичик бизнес ва шахсий тадбиркорлик субъектларининг ахборот манбаларга кириб бориш имкониятлари етарли эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги тизимида бутунжаҳон қурилиш соҳасида яратилаётган йирик ва кичик инновациялар тўғрисидаги ахборотларни барча қурилиш субъектларига етказиш жараёни йўлга қўйилиши лозим;

- Инновацияларни қўллашда инсон капиталини ривожлантириш жараёнларини кенгайтириш. Ташкилот ва корхоналарда инновацияларнинг тарқалиши мутахассислар томонидан амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда “билимлар менежменти” назариясининг амалда қўлланилишини тарғиб қилиш лозимдир. Бунда инновация ташкилотлар миқёсида эмас, балки турли ташкилотларнинг мутахассислари ўртасида узлуксиз тарқатилиши таъминланади.

Ушбу таклифларнинг қурилиш ташкилотларида ва норасмий секторда жорий этилиши соҳада инновацион тизим яратишга салмоқли хисса қўшади деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Йўлдошев Н.К. ва бошқалар. “Инновацион менежмент” Дарслик.Т.: ТДИУ, 2012.
2. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси расмий сайти. [www.samstat.uz](http://www.samstat.uz)
3. Усманов И., Зайналов Н. Билимлар менежменти - қурилиш ташкилотларида ходимларнинг касбий ўсишини таъминлаш воситаси сифатида.// Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Илмий-техник журнал. Самарқанд, 2018, №2. - 64-66 б.

## **МЕТАЛЛ-ЁҒОЧ ФЕРМАЛАРНИНГ АСОСИЙ СХЕМАЛАРИ ВА ТУРЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ҲАҚИДА.**

*Т.М.Махматқулов- профессор в.б., Шомирзаев Ф.Ш. – Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-хунар коллежи директори, т.ф.н., доцент., Н.Ҳасанова- ўқитувчи*

### **Аннотация**

*Мақолада бино ва иншоотларнинг асосий конструкцияларидан бири бўлган металл – ёғоч фермаларнинг асосий схемаларини ва турларини танлашнинг асосий омиллари тўғрисида маълумотлар баён этилган. Бу келтирилган омиллар фермаларнинг иқтисодий самарадорлиги белгилашда муҳим аҳамиятга эга.*

Маълумки, бино ва иншоотларда кенг қўлланиладиган металл-ёғоч фермаларнинг асосий схемалари ва турларини аниқлаш асосан белгиланган техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш асосида аниқланади. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар эса қуйидаги омилларга боғлиқ.

**Архитектуравий омиллар** – иморатнинг қўлланилиши, қўйиладиган талаблар, ички безак масалалари, асбоб ва ускуналарнинг

жойлаштириш билан боғлиқ талаблар, бинода иситиш тизими билан боғлиқ ечимлар, акустика ва ички ёритишни таъминлаш билан боғлиқ масалалардир.

Бу масалада биноларда чердакнинг мавжудлиги, ферманинг қадами ва фойдаланилган материалларнинг тури ҳамда уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Кўп равоқли иморатларни лойиҳалашда, бино устида ўрнатилган ёритиш тизимларининг конструкциялари ва улар ўртасида қор юкидан райдо бўладиган қўшимча зўриқишлар эътиборга олинади. Айрим ҳолларда, биноларни устки қисмида қўшимча бинолар барпо этиш режалаштирилганда фермаларнинг белбоғларида ва тугунларида пайдо бўладиган қўшимча кучланишлар уларнинг кўринишини ўзгартиришни тақоза этади.

**Томнинг қиялиги** – фермалар устки белбоғининг қиялигини, шу билан бирга том учун фойдаланиладиган материалларнинг турини ҳам аниқлаш имконини беради. Бино томи тунука, намликка чидамли фанера материаллардан фойдаланилганда учбурчакли фермалар самарадор ҳисобланса, рулонли материаллар, яъни том материали сифатида ўрамли материаллардан фойдаланиш сегмент шаклдаги, кўпбурчакли ва бешбурчакли фермаларни қўллаш имконини беради.

**Равоқ ўлчамлари** – ҳам асосий омиллардан бири бўлиб, 9-30 метр ўлчамдаги иморатлар учун муҳим кўрсаткичлардан бири бўлсада, 12 мергача бўлган биноларда яхлит конструкциялардан фойдаланиш амалиётга жорий этилган. Учбурчакли фермалар асосан кичик ва ўрта равоқли иморатлар учун тежамкор ҳисобланса бешбурчакли, трапециясимон, сегмент ва кўпбурчакли фермалар асосан 15-30 метрлик иморатларда қўлланилади. 30 ва ундан катта равоқлар учун уч шарнирли аркалардан фойдаланилади.

**Юкларнинг хусусиятлари** ва уни ферма элементларига таъсири уларнинг конструкцияларини танлашда муҳим ҳисобланади. Чунки, томнинг қиялигига қараб юкларнинг устки белбоғ бўйлаб тақсимланиши турлича

бўлиб шу асосда кесим юзаларини самарадор ўлчамларини аниқлаш имконини беради.

**Бирикмалар ва материаллар-** фермаларнинг ўлчамларини аниқлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Чунки, ёғоч материалларнинг сортаментига асосан уларнинг ўлчамлар чегараланган. Катта ўлчамдаги конструкциялар тайёрлаш учун турли бирикмалар фойдаланиш орқали зарур катталиқдаги конструкцияларни тайёрлаш имконияти пайдо бўлади. Бу мақсадда елимланган конструкциялардан фойдаланиш самарадор бўлиб, материалларни бўйига узайтириш ва энига кенгайтириш имконини беради. Ферма элементларини тугунда бириктириш кўп жихатдан ферма панжараларини геометрик кўринишига, юк таъсирида сиқилиши, чўзилишига ва эгилишига, ёғоч материалларнинг намлик кўрсаткичларига, материалларнинг турига ва бошқаларга боғлиқ. Айрим бирикмаларни бажариш технологияси тугунда элементларни ўта аниқлик билан лойиҳалашни тақоза этади. **Тайёрлаш шароити** – ҳар бир аниқ ҳолат учун жиддий омиллардан биридир. Маълумки, фермаларни қурилиш майдонида тайёрлаш қурилиш ташкилотининг ички имкониятларига, механизациялашган иш шароитини яратиш мумкинлигига ва бошқаларга боғлиқ. Айрим ҳолларда фермаларни қурилиш майдонига ярим йиғилган ҳолда келтирилиши ва мантаж жараёнида тўлиқ йиғилишини таъминлаш кенг тарқалган усулларда бири бўлсада, барча турдаги фермалар учун фойдаланиш имконияти чегараланган. Шу сабабли, кичик равоқли бинолар учун яхлит материаллардан тайёрланган фермаларни завод шароитида, катта равоқли бинолар учун фойдаланиладиган фермаларни ярим фабрикат ҳолида келтириш ва қурилиш майдонида бириктириш лозим.

**Биноларнинг ички муҳит шароити-**фермаларни турли намлик ва бўғли шароитларда фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бундай ҳолларда материалларни намликдан ҳимоялашга қаратилган чоралардан самарали фойдаланиш, бино шипларига намликдан ҳимояловчи қатламларни

ўрнатиш, технологик ва конструктив ҳимоя воситаларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Фермаларни лойиҳалаш ва танлашнинг асосий омилларидан яна бири бино ичидаги ҳарорат ҳисобланади. Маълумки, ёғоч материалларнинг асосий камчиликларидан бири ёнувчанлигидир. Ёғоч фермалардан бино ичидаги ҳарорат 50 градусдан ортиқ бўлган ҳолларда фойдаланиш тавсия этилмайди ёки ёнғинга қарши конструктив тадбирларни қўллаш орқали имконият берилиши мумкин. [ 1 ]

Металл-ёғоч фермалардан кимёвий реагентлар таъсири мавжуд биноларда фойдаланилганда уларнинг металл элементларини каррозияга қарши таркиблар билан қайта ишлаш орқали фойдаланиш тавсия этилади, бундай шароитларда яхлит ёғоч материаллардан, айниқса, елимланган конструкциялардан фойдаланиш яхши иқтисодий самара беради.

#### **Адабиёт:**

1.В.Д.Ли. Конструкции из дерева и пластмасс, Томск, Издательство ТГАСУ, 2013. -475 с.

## **ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ**

*Доцент Усманов И.А.,  
студент группы 302-Мен Меликов А. (СамГАСИ)*

Современную экономику невозможно представить без широкого внедрения информационных технологий. В настоящее время в развитых странах активно внедряется система оцифровки процессов управления в реальных отраслях экономики. Данная система обеспечивает формирование глобальной информационной среды на всех стадиях и уровнях управления, что позволяет коренным образом изменить представление об отраслевом управлении. Принятая в сентябре 2018 года Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019 - 2021 годы направлена в частности и на развитие цифровой экономики. Так, одним из основных направлений

Стратегии является «развитие инфраструктуры и информационно-коммуникационных технологий». [1] Данное направление ставит перед отраслями задачу активного, глобального внедрения информационных технологий, то есть организации производства на базе информационных систем.

В строительстве внедрение информационных технологий актуально ещё и спецификой взаимоотношений между участниками строительства. Дело в том, что инвестиционно-строительный процесс предполагает на каждом этапе ответственность одного из участников, что требует наличия полной и достоверной информации о деятельности остальных участников.

Как показывает мировая практика, во внедрении информационных систем в строительстве можно выделить следующие основные направления [2]:

- Информационные системы комплексного проектирования (Building Information Modelling);
- Системы оцифровки сбора данных о ходе строительства;
- Системы по визуализации текущего состояния строительства;
- Системы автоматизированного управления строительством.

Целью технологии информационного моделирования строительства является создание глобальной базы данных о состоянии строительного объекта на любой стадии проектирования и строительства. Основной тенденцией развития строительного бизнеса в развитых странах является создание компаний полного цикла, то есть принимают на себя ответственность за проектирование и реализацию проекта включая инжиниринг, снабжение и строительство (Engineering, Procurement, Construction). Благодаря BIM все участники строительства обмениваются актуальной и точной информацией, что в конечном итоге приводит к выполнению проекта по качественной проектной документации и с меньшими затратами. В рамках данной технологии в ведущих компаниях мира созданы программы автоматизированного проектирования, разработки

смет строительства и бюджетирования в строительстве, программного обеспечения материально-технического снабжения объектов.

Второе направление, используемое в строительной практике, связано с формированием базы данных о ходе проектирования и строительства. В условиях совмещения проектирования и строительства перед инженеринговой компанией стоит задача мониторинга процесса строительства. Формирование программы сбора данных, фиксации состояния объекта на основе четких однозначных критериев, способствует снижению издержек на согласование проектных решений, а также предупреждению дефектов.

Третье направление информатизации строительства направлено на визуализацию оперативного управления строительством объекта. Это аппаратно-программный комплекс, позволяющий в режиме реального времени производить фото- и видео съёмку состояния объекта. Фиксация состояния объекта возможно как с участием человека, так и с помощью дронов. Основное преимущество данного программного обеспечения – решение проблем строительства по принципу видеоконференции, а также возможность оперативного вмешательства в случае возникновения дефектов. Данная технология позволяет снизить издержки на посещение объекта и оперативно реагировать на изменение графика строительства.

Одной из важных проблем современного строительства является автоматизация управления строительного производства. Причем, современные строительные компании ставят задачу комплексного управления на базе единого информационного пространства и прозрачности управленческих решений. Одним из примеров такого решения является Комплексное решение для управления стройкой Ares Prism (<https://www.aresprism.com/>) позволяет вести учет строительства в пяти измерениях: три измерения — это трехмерная модель, четвертое измерение — это время, пятое — деньги. Существуют также программы обмена информацией в рамках межфирменных баз данных. Изучение зарубежного

инновационных технологий при разработке государственных программ.

3. Недостаточен уровень научной подготовки квалифицированных кадров по разработке и внедрению инноваций в производство.

4. Низкий уровень совершенствования инфраструктуры для внедрения инновационных продуктов.

В этой связи необходимо активно развивать следующие основные направления в инновационной политике:

1. Необходимо с учетом передового зарубежного опыта пересмотреть образовательные стандарты и методики обучения в сфере народного и высшего образования с точки зрения выявления индивидуальных способностей обучающихся;

2. Коренное реформирование сферы подготовки квалифицированных кадров, внедрение новейших реформ в систему образования, дать возможность внедрить в сферу народного хозяйства новых инновационных идей, технологических новшеств и нового технологического способа производства;

3. Внедрить в сфере градостроительства и градостроительной деятельности инновационные новшества, осуществление координации проектного дела и строительной деятельности согласно мировым стандартам;

4. Мощным импульсом развитию инновационной деятельности в республике может послужить вовлечение в данную сферу частного, корпоративного и иностранного капитала. предусмотренные меры по инновационному развитию, позволят еще более укрепить экономическую мощь страны, что будет способствовать решению важнейших социальных вопросов и, в первую очередь, повышению уровня жизни и благосостояния народа.

В целом можно сделать вывод, что Узбекистан обладает базовыми условиями для перехода к инновационному типу развития экономики, сформированы необходимые элементы национальной инновационной системы.

### **Использованная литература.**

1. Указ Президента РУз Шавката Мирзиёева «Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан» 29.11.2017 год, «Народное слово», 30.11.2017 год.

2. Доклад Президента Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 26-летию принятия Конституции РУз. (07.12.2018 г.), «Народное слово» 08.12.2018 год.

3. Розенберг Н., Бирдцелл, мл., Л.Е. Как Запад стал богатым / пер. с англ. под ред. Б. Пинскера. – Новосибирск: изд-во «Экор», 1995.

4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

### **ПРОБЛЕМЫ ИНФРАСТРУКТУРЫ КАПИТАЛЬНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Толибов Жасур - студент группы 202-Менеджмент СамГАСИ  
Научный руководитель: Хамракулова О.Д. - доцент СамГАСИ*

Социально-экономическое развитие экономики Узбекистана предусматривает развитие всех сфер экономики, в частности строительной индустрии. *«Необходимо еще больше усилить работу по реформированию и либерализации экономики, ускорить начатое структурное преобразование ее отраслей и сфер».* Ш.М.Мирзиёев [1].

Строительная индустрия, как понятие, представляет собой совокупность строительных организаций, предприятий по производству строительных конструкций и изделий, проектные, научно-исследовательские изыскательские, технологические и опытно-конструкторские организации. базы механизации, транспорта и производственно-технологической комплектации.

Строительная индустрия подразделяется на три группы предприятий:

Первая группа – промышленные предприятия, находящиеся в ведении стройорганизаций, изготавливают и поставляют на стройки сборные железобетонные и металлические конструкции и детали, полуфабрикаты –

бетон, раствор, асфальтовые смеси, арматуру, лесоматериалы, деревянные изделия, металлозаготовки, узлы и заготовки для сантехэлектроустановочных и других работ.

Вторая группа – самостоятельные предприятия промышленности строительных материалов, обеспечивающие строительство цементом, известью, гипсом, нерудными материалами, пористыми заполнителями, стеновыми, теплоизоляционными, акустическими, кровельными и другими материалами; стеклом, керамикой, сантехизделиями, отделочными материалами и т.п.

Третья группа – специализированные предприятия различных форм собственности, обеспечивающие строительный комплекс лифтовым и подъемно-транспортным оборудованием, не стандартизированным оборудованием, контрольно-измерительной аппаратурой, лесопродукцией, продукцией химической (пластмассовой) промышленности и др.

Соотношение отраслей народного хозяйства, занятых в сфере строительства следующее:

1. Промышленность строительных материалов и конструкций – 52%;
2. Черная и цветная металлургия – 18%;
3. Деревообрабатывающая промышленность – 11%;
4. Машиностроение – 10%;
5. Химическая промышленность – 9%.

В составе строительной индустрии важное место занимает капитальное строительство. Оно является одной из важнейших отраслей материального производства страны, основой развития всех других отраслей народного хозяйства, служит главным источником расширенного воспроизводства. К капитальному строительству как отрасли материального производства относится также деятельность по производству проектных и изыскательских работ, подготовке документации, необходимой для строительных, монтажных, пусконаладочных и других специальных капитальных работ.

Инвестиционно-строительная деятельность является сейчас важнейшим

элементом общественного производства. Она является ключевым звеном в вопросах обеспечения повышения качества жизни людей, создания благоприятного производственного климата и ускорения НТП в ряде отраслей материального производства. Без нее невозможно воспроизводство на новом, более высоком уровне. [2]

Инфраструктура — составная часть народного хозяйства, имеющая вспомогательный характер и обеспечивающая условия для функционирования основной деятельности строительного комплекса. Основу строительной системы составляют строительные организации с их мощностями, соответствующей материально-технической базой различного назначения. Незрелость инфраструктуры, особенно в необжитых и удаленных районах, вызывает существенное увеличение затрат, учет которых необходим при определении сметной стоимости строительства.

Наиболее важными составляющими создания и активизации специализированной рыночной инфраструктуры являются:

- создание условий привлекательности инвестиционной и строительной деятельности в конкретном регионе;

- выявление и характеристика инвестиционного и строительного потенциала конкретного региона;

- создание конкретных форм рыночной инфраструктуры, направленных на поддержание инвестиционно-строительной деятельности: банки, биржи, инвестиционные фонды, консалтинговые, страховые организации, рекламные агентства, сети коммуникаций. [3]

В строительной отрасли Узбекистана на сегодняшний день насчитывается 24 100 работающих предприятий, из которых 3 800 созданы в этом году. С января по июнь 2018 года строителями выполнено работ объемом в 4 139,0 млрд сумов. За первое полугодие (январь - июнь) 2018 года строительная отрасль обеспечила наивысшие темпы прироста ВВП Узбекистана среди всех анализируемых видов экономической деятельности - на 9,7%. Темпы роста инвестиций в основной капитал составили 129,4%. В

структуре этих инвестиций 60,9% составляют строительно-монтажные работы.

Большая часть инвестиций в основной капитал была направлена на новое строительство - 10 656,6 млрд. сумов, что составило 63,3% от общего объема инвестиций. Эти экономические показатели сделали строительную отрасль Узбекистана самой быстроразвивающейся - она занимает первое место по темпам роста, которые составили почти 112% по сравнению к показателям к этому же периода 2017 года.

Наивысших показателей темпов роста добились крупные строительные организации - объем выполненных строительных работ составил 134% к соответствующему периоду прошлого года, доля в общем объеме строительных работ достигла 32,6%. Малые строительные предприятия и микрофирмы выполнили 41,8% строительно-монтажных работ от общего их объема, а темпы роста составили 108,3 %. (4)

**Таблица 1.**

**Темпы роста крупных и малых строительных предприятий 2017-2018 г.**

<b>Показатели</b>	<b>Объем выполненных работ 2017 (%)</b>	<b>Объем выполненных работ 2018 (%)</b>
Крупные строительные организации	32,6	134
Малые строительные организации	41,8	108,3

Как и в любой сфере, в инфраструктуре строительства также существуют серьезные проблемы, которые требуют незамедлительного решения и устранения:

- обеспечение капитального строительства новыми качественными строительными материалами, соответствующие международным стандартам;
- использование новейшего строительного оборудования для создания объектов социальной и производственной инфраструктуры;
- недостаточная подготовленность квалифицированной рабочей силы в капитальном строительстве
- нехватка денежных средств для занятия строительным производством

Рекомендации для решения вышеперечисленных проблем:

- поднять уровень производственной инфраструктуры строительства на более высокий уровень строительного производства;
- в основе технологического строительного производства должны быть заложены инновации, способствующие новому качественному уровню;
- реформировать, с учетом реальных потребностей строительного производства. подготовку квалифицированной рабочей силы

### **Литература:**

1. Выступление Президента Шавката Мирзиёева на торжествах, посвященных 26-летию независимости Узбекистана. Газета «Народное слово», 7 февраля 2017 год. [www.ut.uz](http://www.ut.uz)
2. student-stroitel.ru «Строительная индустрия» 2016г.
3. Антонова, З.Г. «Переход экономики на инновационный путь развития», Москва, 2013год
4. [www.nuz.uz](http://www.nuz.uz)

## **QISHLOQ XO'JALIGINI MODERNIZATSIYALASH**

*Sarimsoqov M. Qurilishda menejment kafedrası o'qituvchisi.  
Boymanov S.A. SamDAQI 101-ICHTE va B talabasi*

Bugungi kunda hayotimiz har jabhalarida islohotlar amalga oshirilayotgani hech birimizga sir emas albatta. Zero, birinchi Prezidentimiz aytganlaridek, “Islohot, islohot uchun emas, avvalo inson uchun, uning manfaati uchun xizmat qilmog’i kerak”. “2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi” bo’yicha iqtisodiyotimizni rivojlantirish va liberallashtirishning vazifalari belgilab qo’yilgan. Qishloq xo’jaligi sohasini boshqarish tizimini isloh qilish, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanish borasidagi ilg’or texnologiyalarni joriy etish, ya’ni modernizatsiyalash dolzarb muammolardan biridir. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev aytganlaridek, “Qishloq xo’jaligini isloh qilish va oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash masalalari, hech shubhasiz, biz uchun eng muhim



vazifalardan biri bo'lib qoladi. Eng avvalo, agrosanoat kompleksi va uning lokomotivi, ya'ni harakatga keltiruvchi kuchi bo'lgan ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarini izchil rivojlantirishga katta e'tibor qaratiladi".

Qishloq xo'jaligini rivojlantirish masalasi respublikamiz iqtisodiyotini rivojlantirishning muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Mustaqillik yillarida qishloq xo'jaligini isloh qilish bo'yicha juda ulkan va arzigulik ishlar amalga oshirildi va oshirilayapti.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, Yalpi ichki mahsulot (2018 yil) deflyatori indeksining eng yuqori ko'rsatkichlari sanoat tarmog'i va qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligiga to'g'ri kelgan: sanoat – 144.3%, qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi – 128.6% ko'rsatkichi qayd etilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son farmoni bilan tasdiqlangan "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"da qishloq xo'jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish bo'yicha quyidagi asosiy vazifalarga asosiy e'tibor qaratilgan:

- tarkibiy o'zgarishlarni chuqurlashtirish orqali qishloq xo'jaligini izchil rivojlantirish, mamlakatimiz oziq-ovqat xavsizligini yanada mustahkamlash va eksport salohiyatini yuksaltirish;

- paxta va boshqali don ekin maydonlarini qisqartirish evaziga kartoshka, sabzavot, poliz, ozuqa va moyli ekinlar, yangi intensiv bog'lar va uzumzorlar maydonini kengaytirish;

- sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash, melioratsiya va irrigatsiya obyektlarini rivojlantirish, tarmoqqa intensiv, suv va resurslarni tejaydigan, zamonaviy agrotexnologiyalarni joriy etish, unumdorligi yuqori texnikalardan foydalanish;

- qishloq xo'jaligi ekinlarining kasallik va zararkunandalarga chidamli, mahalliy yer-iqlim va ekologik sharoitlarga mos yangi seleksiya navlarini va yuqori mahsuldorlikka ega chorva zotlarini yaratish hamda joriy etish bo'yicha ilmiy-tadqiqot ishlarini kengaytirish;

- qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlash asosida oziq-ovqat va qadoqlash mahsulotlarini ishlab chiqaradigan zamonaviy qayta ishlash korxonalarini qurish, mavjudlarini rekonstruksiya va modernizatsiya qilish;

- qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish, qayta ishlash, tayyorlash, sotish, qurilish ishlari va xizmatlar ko'rsatish bilan shug'ullanuvchi ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarini rivojlantirish;

- qishloq xo'jaligi mahsulotlarini saqlash, tashish, sotish, agrokimyo, moliyaviy va boshqa zamonaviy bozor xizmatlari ko'rsatish infratuzilmalarini rivojlantirish;

- global iqlim o'zgarishlari va Orol dengizi qurishning qishloq xo'jaligi rivojlanishi hamda aholining hayot faoliyatiga salbiy ta'sirini yumshatish bo'yicha tizimli chora-tadbirlar ko'rish.

Oldimizda mana shunday hal qilinishi kerak bo'lgan dolzarb masalalar va vazifalar turar ekan, har bir kishi olim bo'ladimi yoki oddiy o'quvchi-talabalar bo'ladimi o'z takliflarini berishi kerak. Quyida qishloq xo'jaligini modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash bo'yicha takliflar berilgan:

Birinchiidan, qishloq xo'jaligining harakatga keltiruvchi kuchi hisoblanmish fermer xo'jaliklariga fermer bo'lishni istaganlar orasidan qandaydir tanlovlar asosida ularni tayinlash (masalan, chet tillar, texnologiyani bilishi bu bugungi kunda hech kimga zarar qilmaydi) kerak, ya'ni hozirgi tayinlash tizimini qayta ko'rib chiqilishi lozim.

Ikkinchiidan, tumanlarni bir necha agrar sektorlarga bo'lish va har bir sektordagi fermerlikka ilmiy-tadqiqotlar olib boruvchi mutaxasislarni birlashtirish zarur. Ular yerni o'rganib qayerda qanaqa mahsulot yetishtirish kerakligi haqida maslahatlar berib boradi.

Uchunchidan, birlashtirilgan ilmiy-tadqiqotchilar o'zlarining ilmiy ishlari va muammolarga yechimlari bo'yicha ishtirok etishi uchun (bitta tuman miqyosida) konferensiyalar tashkil qilinishi kerak (ayrim rivojlangan mamlakatlarda, jumladan Yaponiyada har yili "sifat menejmenti"ga oid konferensiyalar tashkil qilinadi).

To'rtinchidan, ma'lum tuman yoki viloyatda maxsus, jahon standartlariga javob beradigan laboratoriyalar bilan ta'minlangan kollej yoki institut tashkil qilish, mavjudlarini esa xuddi shunday rekonstruksiya qilish kerak.

Beshinchidan, ayrim tuman qishloqlarida yo'llar qurilishini va aloqa, ya'ni internet muommosini hal qilishimiz kerak.

Oltinchidan, uzumchilik va bog'dorchilik rivojlangan hududlarda mevalarni saqlash uchun muzlatgich va qayta ishlash korxonalarini barpo etishimiz kerak.

### **Adabiyotlar**

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.-T.: "O'zbekiston", 2018. 76b.
2. Mirziyoyev Sh.M. Ilm-fan yutuqlari – taraqqiyotning muhim omili. // "Xalq so'zi". 2016 yil 31 dekabr.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Agrar sektorni qishloq xo'jaligi texnikalari bilan o'z vaqtida ta'minlashga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-4268-sonli qarori. 2019 yil 6-aprel.

## **II – ШЎБА. ҚУРИЛИШДА ЛОЙИХАЛАШ, ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

*Қулдашев А.Т. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи*

Сўнгги 10 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 2,1 баробарга ошган, ундаги қурилиш соҳасининг ҳиссаси 6,8 фоизни ташкил этмоқда, дунёнинг ялпи ички маҳсулотида қурилиш саноатининг ҳиссаси 6 фоизни ташкил этади.

Қурилиш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларни сони 2018 йилда 31,1 мингтани ташкил этди, ушбу соҳада меҳнат қилувчилар сони эса аҳолининг 9 фоизига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қушимча чора–тадбирлари туғрисида”га фармонида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, хусусий бизнесга катта эркинлик бериш, хорижий инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриляётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш ушбу соҳада ислохатларни жадал амалга оширишга ва соғлом рақобат муҳитини ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар борлигига урғу бериб утилган.

Объектларни лойиҳалаштириш ва қурилишдаги меъёрлашнинг мавжуд(эски) курсатма берувчи усули инновацион лойиҳавий ечимлар ва янги илмий-техник ечимларни қўллашга тўсқинлик қилмоқда, ички ва хорижий инвестицияларни қурилиш соҳасига жалб қилишни секинлаштирмоқда.

Ҳозиргача ШНҚларнинг ягона реестри мавжуд эмас ва уларнинг ҳисоби юритилмаган, ШНҚларни ўз вақтида янгиланиб бориши таъминланмаган, ШНҚларда архитектура ва қурилишда фойдаланиши лозим бўлган зомонавий инновацион усуллар, энергия самарадорлиги ва уни тежайдиган янги технологиялардан фойдаланиш назарда тутилмаган.

Олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, халқаро қурилиш стандартлари асосида миллий стандартларни ишлаб чиқиш салоҳиятига эга ёш ва малакали кадрлар етишмаслиги кузатилмоқда, масалан, 36 та мутахассисдан 18 нафари (50%) 60 ёшдан юқори ва атиги 2 нафари (5,5%) 30 ёшгача бўлган шахсларни ташкил этади. Соҳада техник назорат ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга талаб қўйилмаган, амалда ушбу назоратларни қурилишга алоқаси бўлмаган шахслар амалга оширмоқда ва бошқа муаммоларни айтиш мумкин.

Ушбу **Фармонга асосан** 2019 йил 1 январдан бошлаб лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилатига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган сертификатлар ва лицензиялар тан олинади;

- 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари қайта қуриб чиқилади;

- 2020 йил 1 январдан бошлаб лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш босқичида уй-жой қурилиш объектларини энергия тежовчи усуллар билан жиҳозлашга мажбурий талаблар қўйилади;

- 2019 йил май ойига қадар лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги кадрларнинг, шу жумладан, профессор ва ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатларда албатта амалиёт ўтказиши, масофавий касбга ўқитиш ва малакасини ошириш учун олий таълим муассасаларини ўқув дастурлари қайта қуриб чиқилади;

- 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексини янги таҳрири қуриб чиқилиб, унга кура лойиҳа ҳужжатларин экспертизадан ўтказиш, қурилиш инспекцияси фаолиятини кучайтириш, архитектор ва

муҳандислар малакасига қўйилган талаблар ва уларнинг жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик даражаси белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5483-ПФ да ҳам архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисостирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан, чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида соҳа ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратилган.

Қурилиш, уни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида қуйидагиларни эсга олиш ва айтиб ўтиш лозим деб ҳисоблайман. Бозор иқтисодиёти шароитида янги иқтисодий механизмлар ишга тушиши муносабати билан, кўп ташкилотларда бир қанча муаммолар юзага келди. Бу механизмларнинг мақсади фақатгина режа бажарилишига қаратилган бўлибгина қолмай, балки бозор эҳтиёжини қондирадиган энг самарали йўллари излаб топиш ва бошқа ташкилотлар билан рақобатчиликда бўлишдир. Ҳозирги шароит ишлаб чиқаришдан шуни талаб қилади-ки, улар ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун, ўз стратегия йўллари ўзи танлаб ва ишлаб чиқиши лозим. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналаридан бозор эҳтиёжларини ўрганишни, ўз имкониятларига таянган ҳолда, замонавий иш услубларини қўллаб иш юритишни талаб қилади. Шу сабабдан, йиллар давомида ўз таркиби ва мавқеига эга бўлган корхоналарга ҳозирги шароитда ўз имконият даражасини қайтадан кўриб чиқиш масаласи вазирлик томонидан қўйилмоқда.

Қурилишда ишлаб чиқариш ва бошқарув шундай ташкил қилиниши керакки, киши меҳнат маҳсулдорлиги, максимал фойда (даромад) олиш, бозорда рақобатлашишга қодир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлишлари лозим.

Бунга фақат ишлаб чиқариш ва бошқарувни мунтазам такомиллаштириб бориш йўли билан эришиш мумкин. Бундан ташқари янги билимларни эгаллаш, улардан амалда фойдаланишни ўрганиш талаб этилади.

Ҳозирги раҳбардан биринчи галда одамларга самарали таъсир кўрсата олиш, ишлаб чиқариш, бошқарув ва одамларни билиш талаб этилади.

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, реал иқтисодий ҳаётда қурилиш, бизнес, менежмент ва тадбиркорлик соҳасидаги чинакам истеъдодлар чиқишига эришиш қурилиш соҳасидаги барча фанларнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайман. Бусиз бизнинг қурилиш комплексимизда самарали бозор иқтисодиётини яратиш бўлмайди.

## **ҚУРИЛИШ САНОАТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРИГА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР**

*проф. Сатторов З.М. талаба Муродов Б.З.  
Тошкент архитектура-қурилиш институти*

Ҳозирги кунда мамлакатимиз саноати ривожланган давлатлар қаторида етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Шу билан бирга ҳар бир давлатнинг саноати ривожланган сари ундаги корхона ва заводларнинг атмосфера ва гидросферага зарарли чиқиндилар кўп миқдорда чиқиб кетмоқда. Дунё ва Ўзбекистон олимлари бу масала устида тинмай изланишмоқда ва ҳар бир завод ускуна ва қурилмалари атроф-муҳитга таъсири борасида текширилиб, экологик талабга жавобга бергандан сўнг корхоналар ишга туширилмоқда. Ўзбекистоннинг асосий ҳавосини заҳарловчи омиллардан бири ёқилғи чиқиндиларини атмосферага ва оқова зарарли сувларни каналлар ва дарёларга чиқариб юборувчи корхоналарни айтиш мумкин. Муаммони ҳал этиш учун аввало экологик хавфсизлик тушунчаси, оқибатлари ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Экологик хавфсизликка таъриф беришда кўпчилик уни табиатни муҳофаза қилиш деб тушунади. Ваҳоланки, экологик

хавфсизликнинг объекти анча кенг бўлиб, у табиий хавф-хатар натижасида инсон, жамият ва давлатнинг экологик манфаатларига жиддий зарар етиши билан изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, экологик хавфсизлик деганда инсон, жамият ва давлатнинг экологик манфаатлари, табиий атроф-муҳитнинг бузилиши натижасида етказилган ва етказилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ҳамда уни бартараф қилиш тушунилади. Демак, инсоннинг, жамиятнинг, давлатнинг экологик манфаатлари ва табиий атроф-муҳит экологик хавфсизлик объектлари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда экологик хавф-хатар иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, биохилмаҳилликнинг камайиши, ернинг деградацияга учраши, табиий атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув ресурсларининг тақчиллиги ҳамда сифатининг ёмонлашуви, чўлларнинг кенгайиши, аҳолининг кўпайиши натижасида табиий захиралардан янада кўпроқ фойдаланиш, техника ва саноат корхоналарининг ривожланишида намоён бўлмоқда. БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури маълумотига кўра, экологик хавф-хатарнинг салбий оқибати натижасида ер шаригаги дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган, сайёрамиз аҳолисининг 40 фоизи ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда, яна 20 йилдан сўнг тоза сув танқис ресурс бўлиб қолиши тахмин қилинмоқда. Ҳозир дунё бўйича деярли 1 млрд. аҳоли тоза ичимлик сувига эга эмас. 2030 йилга келиб уларнинг сони 2,7 млрд. кишига етиши кутилмоқда. Шунингдек, ҳар йили 5 млн. киши ифлос ва сифатсиз сувни ичишга мажбур бўлмоқда. Ўзбекистонда экологик хавф-хатарнинг оқибати сифатида Орол инқирозини кўрсатиш мумкин. Бунинг сабаби саноатнинг ўсиши, суғориладиган ерларнинг кенгайиши натижасида сув истеъмолининг кўпайиши, Амударё ва Сирдарё сувларининг Орол денгизига кам қуйилишида деб айтиш мумкин. Инқироз натижасида денгиз сатҳи 39 метргача пасайди, сувнинг минераллашиш даражаси 21 граммгача ошди, денгиз соҳили 60-80 км. гача чекинди, денгиздан ҳар йили 75 млн. тоннагача кум, чанг ва туз ер юзасига тарқалмоқда. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида денгизда 30 хилга яқин балиқ мавжуд эди. Ҳозир ушбу балиқ турларининг 80 фоизи йўқолиб кетган. Бундан



ташқари, илгари Орол ҳавзасида 500 дан ортиқ қуш тури мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда 38 та тур қолган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, қуйидаги маълумотлар таъкидланди [1].

“Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз.

БМТ Бош қотибининг “сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ”, деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ.

Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изохга ҳожат йўқ.

Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз”.

Бугунги кунда мамлакатмизда фойдаланилаётган сувнинг қарийб 20 фоизи республика ҳудудида шаклланиб, қолган 80 фоизи трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарёдан олинади.

Орол минтақасида экологик тангликни бартараф этиш учун сувни тежаш технологиясига риоя қилиш (чунки бизда сув дунё бўйича белгиланган

меъёрдан 7–10 баравар кўп сарфланмоқда), денгизга ҳар йили 10–11 куб. км. сув қуйилишига эришиш, чанг ва туз майдонлари кенгайишининг олдини олиш мақсадида саксовулзорлар барпо этиш зарур. Бугунги кунда Тожикистон алюминий заводи, Роғун ва Қамбар ота ГЭСларининг қурилиши ҳам Ўзбекистон учун хавfli экологик хавф-хатар ҳисобланади. Экологик хавфсизлик барқарор тараққиётнинг асосий омилидир. Экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида дунё ҳамжамияти томонидан Барқарор ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилиб, унда табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосий масалалар сифатида эътироф этилди [2, 3]. Экологик хавфсизликни, барқарор ривожланишни таъминлашда экология қонунчилиги муҳим аҳамият касб этади. Аммо бугунги кунда экология қонунчилигида қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича экологик талаблар қонунда ўз ифодасини топмаган, табиий ресурсларга етказилган зарарни қоплаш механизми тўла ишлаб чиқилмаган, атроф табиий муҳит сифати нормативлари ва стандартлари такомиллаштирилмаган. Шу сабабли экология қонунчилигини такомиллаштириш чоралари сифатида табиат объектларини муҳофаза қиладиган қонунларни умумлаштириш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни эса табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг алоҳида соҳалари: ер, сув, кон, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилишга оид қонунлар билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, АҚШда заводларга янги экологик талаблар қўйилмоқда. Тоза энергия ташаббуси Америкада 600 дан зиёд кўмир заводларига тааллуқли ҳисобланади. Бу иншоотлар мамлакат ҳавосини энг кўп ифлослаётган манбадир. Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ва маъмурияти Америка заводларидан чиқаётган захарли газларни камайтирувчи кескин қоидалар билан чиқди. Таклиф тарафдорлари назарида бу билан аҳоли саломатлиги яхшиланиб, АҚШ глобал иқлим исишига қарши курашда ўз мавқеини мустаҳкамлайди. Қаршилар фикрича эса янги қоида иқтисодиётга зиён

қилади. АҚШ Табиатни асраш агентлиги расмий вакили Жина Макарти таклифни эълон қилиб, иқлимдаги ўзгаришларни тўхтатиш учун дадил ҳаракат қиладиган фурсат келди деб таъкидлайди. “Оилаларимиз саломатлиги ва фарзандлар келажаги учун табиат ҳимоясига отланишимиз фарз. Иқлимдаги салбий ўзгаришлар олдини олиб, кашфиётларга туртки берамиз. Сармоялар кириши ва иш ўринлари яралиши учун хизмат қиламиз. Илғор давлат деган номимиз бўлади” - дейди Жина Макарти. Режага кўра, 2030 йилга қадар ҳавони ифлослаётган газлар 30 фоизга қисқариши керак бўлади. Макартининг айтишича, ҳар бир штат ижрога ўзича ёндашиши мумкин: “Ҳар хил штатда вазият бошқа, демак ижро ҳам бошқача бўлади”. Обама энергияни тежаш, шамол ва қуёш нури каби муқобил энергия манбаларини қўллаш, ҳавони камроқ зарарловчи табиий газдан кенгроқ фойдаланишни назарда тутди. Кўмир заводлари АҚШ электр таъминотининг учдан бирини қоплайди. Коммунал хизмат кўрсатувчи компаниялар қарши эмасдай, лекин кўмир саноати йўқ, демокда. Заводлар ёпилиб, иш жойлари қисқаради, электр токи қимматлаб, бизнеслар четга чиқиб кетишини таъкидлайдилар. Обаманинг жавоби: “Америкада иқтисодий фойда ва болаларимиз саломатлиги ўртасида нимани танласак экан, деб ўйлашимиз шарт эмас. Олдинлари эди у – ё табиатни асраймиз, ё иқтисодий тараққиётни таъминлаймиз деб ўйлайдилар. Бугун АҚШ янги технология ёрдамида эски қолипларни ёриб чиқаяпти”. Экологлар сўзларига кўра, Обаманинг режаси жаҳон ҳамжамиятига сигнал: Америка иқлимдаги салбий ўзгаришларга қарши курашда ғайрат кўрсатмоқчи. Ушбу режа маъқулланишдан олдин бир йил давомида муҳокама қилиниши керак бўлади. АҚШ Табиатни асраш агентлиги расмийси Жина Макарти: “Оилаларимиз саломатлиги ва фарзандлар келажаги учун табиат ҳимоясига отланишимиз фарз” деб таъкидлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қурилиш саноатининг технологик ускуналарига экологик талабларнинг киритилиши ва унинг оқибатида экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш масаласи долзарб ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузаси. 19.09.2017 й. <http://www.uza.uz>
2. Roland Clift, Angela Druckman Editors (2016) Taking Stock of Industrial Ecology. Springer Cham Heidelberg, New York, Dordrecht, London - p. 362
3. Саггоров З.М., Муродов Б.З. Основные направления усиления экологической безопасности в настоящее время. // Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг А-2-47 рақамли давлат амалий илмий гранти доирасида ўтказилган “Ўзбекистон минтақаларида қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тўплами. // Тошкент, ТАҚИ, 17 ноябрь 2017 й. – 153–155 б.

### УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ, РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

*Профессор Убайдуллоев М.Н. катта илм. изланувчи Убайдуллоева Н.  
талабалар Убайдуллоева Н., Насруллаев Л. СамДАҚИ,*

Статья посвящена актуальной на сегодняшний день проблеме реконструкции и модернизации многоэтажных старых зданий, и анализ состояния жилого фонда республики. Предложены практические рекомендации по реконструкции жилых зданий по критериям энерго и ресурсоэффективности, и сейсмостойкости зданий.

**Калит сўзлар:** реконструкция, модернизация, санация, реновация

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ва БМТнинг ривожланиш Дастури бўйича 2016 йил 25 апрель куни (айнан 50 йил аввал зилзила содир кун) Тошкентда ўтказилган семинарда **КМҚ 2.01.03-96** “Зилзилавий

худудларда қурилиш” меъёрлари ва қоидалари амалга жорий этилганлигига 20 йилдан ошганига қарамай, бугунги кунгача республикада олиб борилаётган хусусий сектор қурилишида, хусусан, индивидуал қурилишда ҳатто элементар антисейсмик чора-тадбирлар қўлланилмасдан келиниши танқид қилинди.

Ундан ташқари, амалдаги ҚМҚ талаблари аҳолига етказилмаслиги ва янги иморат қуришнинг годдй тартиб-қоидалари тушунтирилмаслигига тўхталиб ўтилди. Зилзилабардошликни таъминлаш ёки уни оширишга қаратилган кучайтириш усуллари ҳақида маълумотга умуман эга эмасликлари қайд этилди. Ҳамда фавқулодда бўлиши мумкин вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди [2].

Ҳозирги кунда, амалдаги ҚМҚ 2.01.03-96 [2] меъёрлари ва қоидалар талабларига кўра, республиканинг 361 тадан 344 та аҳоли яшайдиган пунктида, яъни сейсмик фаол ҳудудларида 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси маркази аҳолисининг сони қуйидагича тақсимланган: **7 балли ҳудудларда** - Ургенч, Термиз, Қарши, Навоий, Бухоро, Жиззах, Гулистон; **7,8 балли ҳудудларда** - Наманган, Тошкент, Фарғона; **7, 8 ва 9 балли ҳудудларда** - Самарқанд, Андижон; **6 балли ҳудудда** Нукус шаҳри аҳолиси - умумий сонга нисбатан 50,6% ни (Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказларида – 18,12%), қишлоқда яшовчи аҳоли 49,4% тенг (расм 1)[2].



Шу сабаб, Ўзбекистон аҳолисини юз бериши мумкин зилзилага тайёрлаш, зилзила хавфини олдини олиш, бохабар қилиш, хавфсизлик, мустаҳкамлик, бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги ҳамда юк кўтарувчи конструкциялар ишончлилигини таъминлаш – ижтимоий ва иқтисодийнуктаи назардан халқ хўжалигинингўта долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ярим аср аввалги “**меъёр**” талаблари ва “**намунавий**” лойиҳалар асосидаўшадаврда ва кейинги даврда қурилган **32,4** мингдан ортиқ кўп қаватли тураржой (50-55% дан ортиқроғи “йирик панель”, қолгани 2-5 қаватли ғиштли)бинолар **ҚМҚ 2.01.03-96** нинг **1** ва **2** бўлимига мувофиқ, сейсмик таъсирлар ҳисоби натижаларига боғлиқ ва **3** бўлимида кўзда тутилган конструктив талабга кўра, сейсмик таъсирлар ҳисоби натижаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланадиган чора-тадбирлар [2]ҳамда **ҚМҚ 2.01.04-97\*** “Қурилиш иссиқлик техникаси”меъёрлари ва қоидаларига кўра, энергия самарадорлик талабларига жавоб берадимми,-деган саволлар кўпаймоқда [3].

Капитал ремонтсиз 40 йил ва ундан ортиқ хизмат қилган бинолар кундан кунга кўпаймоқда. Ундан ташқари,“оммавий серия”да тикланган биноларга эксплуатация давридақиритилган ноқонуний ўзгартиришлар ҳамкўшилиб, архитектура-шаҳарсозлик талабларига мос бўлмаган, янги қурилишда пайдо бўлмайдиган бир қатор жиддий экологик-ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолат биноларнинг конструктив хавфсизлигини пасайтиришга ва авария бўлиши эҳтимолини оширади. Чунки, узоқ вақт давомида жорий ва капитал ремонт қилинмаганлигидан кўп қаватли бинолар сифатининг пасайишига, авария ҳолати учун яширин имкониятлар мавжудлиги ва биноларни сақлашга сарфланадиган эксплуатацион харажатларга боғлиқ[5].

Айниқса, шаҳарсозлик реконструкциясида 1960-70-80 йиллари кенг қўлланилган тўлиқ бузиш, эски қурилиш ўрнида янгини барпо этиш масаласига эътибор кучайди. Амалда, Германия Европа ва Франция тажрибасинииктисодий нуктаи назарданўрганди. Тўлиқ бузиб ўрнига

янгисини куришга нисбатан (тежамкорлик билан бинони янгидай қилиш) анча арзонга тушиши аниқланди. Бинонинг тўсиқ конструкцияларини иситиш ва муҳандислик жиҳозларини такомиллаштиришга қаратиш зарурлиги тавсия этилди[5].

Европа, Россия, айниқса шарқий Германия худудларининг мўътадил иклими ва-шароитига мос барпо этилган “йирик панель”ли (юк қўтариш қобилияти бўйича анча катта заҳира мавжуд) 2,18 млн. квартира жойлашган, улардан 70% тўлиқ ва 25% қисман капитал ремонтдан каттароқ, реконструкциядан кичикроқ модернизациялаш иш кўлами - энергия истеъмолини 70-90% камайтиришга эришиш “санациялаш” тажрибаси (санация –энергия самарадорлик бажариладиган ва энергия самарадорлик бажарилмайдиган усулини) таклиф этишди. Тураржой модернизациясига сарфланадиган харажат, бино нархининг ~ **30%** га тенг, яъни санациялаш орқали битта квартирани тўлиқ модернизациялаш учун тақрибан 23 минг, ундан энергия самарадорлиги учун 8,5 минг Евро сарфланган. Прибалтикада яшовчиларни кўчирмаган ҳолда, энергия самарадорликка йўналтирилган модернизациялаш тадбири 5 минг Еврога тўғри келганлигини) ўрганиш муҳим. Россия тураржой фондининг 10% ташкил этган 100 минг бинода реконструкция ва модернизация ишлари бошланган, унда 15 млн. аҳоли яшайди [5].

Худди шунингдек, Реновация дастурига кўра (реновация - кўчмас мулк фондини янгилаш ҳисобидан тураржой шароитини яхшилаш) микротуманлар ва ундаги тураржой биноларни модернизациялаб яшаш учун инсонларга қулайлик яратиш мақсадида турли давлатларда эски уйларни қайси ҳолатларда бузиш ва бу ишларни қандай амалга оширилиши ҳам ўрганилди[6].

Масалан, Пекинда қайта куриш аксарият бинолар эскирган деб топилган бутун бошли кварталларда, умумий майдони 16,12 млн кв.м. бўлган бинолар **реновация** қилиниши аниқланган. Дастурнинг тўртга бўлинган биринчи босқичида 710 минг киши яшайдиган умумий майдони 7,25 млн кв.м. бўлган

кварталлар реконструкция қилинди. Реновация дастури Пекиннинг марказий туманларида инфраструктуранинг янгиланиши ва тижорат асосида кўчмас мулк қурилиши учун янги-янги шароитлар яратди[6].

Шунингдек, Бразилияда юқори даражадаги урбанизация ва қурилиш соҳасини ривожлантириш зарурияти пайдо бўлиши - янги уйлар қурилишига асос бўлганлиги аниқланди. 2009 йилда арзон янги уйлар қуриш дастурини Minha Casa, Minha Vida («Менинг уйим, менинг ҳаётим») деб номланди[6].

Санациялаш ва «**реновация**» тажрибаларини бизнинг шароитимизга мослаб, ўрганиш жуда муҳим масалалар қаторидан ўрин олади[5,6].

Ушбу масалалар, тураржой-коммунал сектори иқтисодиётига кўпроқ тааллуқли. Чунки умумий энергия сарфи биргина қурилиш ва тураржой-коммунал сектори билан биргаликдаги энергия сарфи улуши – 28% ни ташкил этса, ундан 30-40%, ҳатто 50%дан ортиқроқроғи бино ва иншоотларга сарфланади. Энергия манбалари нархининг ўсиши, ўз навбатида барча турдаги хизматлар таннархини, хом-ашё ва қурилиш материалларинархини янада 40-60% гача кўтарилишига, қурилиш баҳосини ўсишига олиб келмоқда [1].

Реконструкцияни лойиҳалашда биноларнинг техник ҳолатини текшириш ва энергия сарфи бўйича сертификациядан ўтказиш, зилзилабардошлигини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур ҳамда зилзила ва фавқулодда бўладиган вазиятларнинг олдини олиш масаласини қандай ечиш керак, - деган саволларга жавоб беришда зилзиладан келадиган зарар қуйидаги жадвалда келтирилган[7].

Балл	Зилзила оқибатида биноларга келтириладиган зарар, антисейсмик чора-тадбирсиз қурилган ҳолларда, бошланғич нархидан, (%) да	Баллар эътиборга олиниб антисейсмик чора-тадбирлар қўлланилиб қурилган ҳолларда келтирадиган зарар, (%) да			Баллар эътиборга олиниб антисейсмик чора-тадбирлар қўлланилиши туфайли олди олинган зарар,% ҳисобида		
		7	8	9	7	8	9
7	14	6	5	4	8	9	10
8	32	-	12	8	-	20	24



9	103	-	-	22	-	-	81
---	-----	---	---	----	---	---	----

Ушбу жадвалда зилзиладан келадиган зарардан кўринадики, антисейсмик чора ва тадбирларни ўз ўрнида ва тўғри қўллаш, хусусан, биноларни барпо этишда ушбу тадбирлар бажарилишига қатъий риоя қилган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, бино зилзилабардошлигини таъминлаш ва олиб борилаётган қурилишни белгилангандан ортиқ қимматлаштирмасликка эришиш - Республикамиз халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар, биноларнинг техник ҳолатини текшириш ва “Қурилиш конструкциялари” кафедрасида тўпланган тажрибаларга таяниб тежамкорлик билан энергия сарфини ва ресурс ҳажмини қисқартириш асосида қуйидаги таклифлар киритилди:

1. Эски бинолар реконструкцияси ва модернизациясини лойиҳалашда амалдаги меъёр ва қоидаларга кўра, ўз пайтида, шикастланган конструкциялар мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам хавфсиз эксплуатацияни давом этириш ва бино зилзилабардошлигини таъминлаш нуқтаи назардан бинонинг техник ҳолати тўғри баҳолаш - уларнинг хизмат муддатини узайтиради, авария ва қулашолди олинади ҳамда мавжуд сарф-ҳаражатни кескин камайтиришимумкин.

2. Кўчмас мулк объектлари реконструкциясини лойиҳалашда бино зилзилабардошлигини ва қуруқ-иссиқ, ёзи жазирама иссиқ континентал иқлим шароитига мос ва ҳудуднинг энергиясамардорлигини таъминлаш орқали:

- мавжуд тураржой биноларини, айниқса шаҳарнинг қулай ва шинам ҳудудларидаги тураржой фондини янгилаш ва сақлаб қолиш;

- заруратда бино устидан қўшимча қават қўшиш ёки қисмларини ошириш ва ҳажмий ўлчамларни кенгайтириш, мансарда қаватларини қўшиш;

- реконструкциядан кейинги янги квартираларнинг нархи олдингига нисбатан камида 20-40% га ошиши мумкин. Лекин янги қурилган бино квартирасига нисбатан олинган нархи анча (янги қўшилган ва мансарда қаватлардаги квартираларини сотиш эвазига) арзон бўлиши мумкин.

Бу эса, шаҳарлар ҳудудида тураржой фондини зичлаш ҳисобидан, нафақат ердан унумли фойдаланиш самарадорлигини оширади, балки ҳар бир даврни эслатадиган ўзига хос ягона ансамблни яратиб шаҳарлар кўрки янада очилади, ҳусни замонавийлашади. Зилзила ва фавқулодда бўлиши мумкин вазиятлар, ҳалокатлар ва улардан келиши мумкин катта моддий зарар олди олиниб, аҳоли турмуш фаровонлиги, республикамиз тараққиёти ва халқ хўжалигининг янада юксалишида муҳим роль ўйнайди.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 24 апрелдаги “[2017 - 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)”ги ПҚ-2922-сонли **Қарори**(*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат. тўплами, 2017 й., 18-сон, 319-модда*)

2. **ҚМҚ 2.01.03-96.** Зилзилавий ҳудудларда қурилиш. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари/ Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. - 1996.–175 б. –Тит. В. матн парал. ўзбек ва рус тилларида.

3. **ҚМҚ 2.01.04-97\*.** Қурилиш иссиқлик техникаси. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари/ Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. - 2011.–55 б. –Тит. В. матн ўзбек тилида.

4. Убайдуллоев М.Н. Убайдуллоев О., Убайдуллоева Н., Убайдуллоев О. Реконструкция талаб биноларнинг энергия самарадорлиги ва зилзилабардошлигини ошириш масалалари (Самарқанд шаҳри мисолида) [Матн]// Ilmiy-texnik jurnal-Me'morchilik va qurilish muammolari, №1 (2016), SamDAQI-Samarqand,2016.В.63-67. Bibli: b.-67.

5. Коваль С.П. Реконструкция и модернизация (санация) жилых домов в Восточной Германии. Полезный опыт для России[Текст] / С.П. Коваль-  
Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..

6. <https://kun.uz/ru/news/2019/04/16/kak-v-mire-reshali-problemu-ustarevshego-jilya-i-snosa>

7. Курмаев А.М. Сейсмостойкие конструкции зданий: Справочник// Кишинев, Картя Молдовеняскэ, 1989 г., 453 с.

## **ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИНИНГ ШЎР ВА НАМГА ЧИДАМЛИЛИГИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

*Рахимов Р.А. т.ф.д., профессор Урганч давлат университети  
Марупова Г.Р. докторант СамДАҚИ  
Атажанов М.Х., Бабажанова Н.Б. талаба, Урганч давлат  
университети*

**Аннотация:** “Таркиб-структура-хосса” термик ишлов берилганда ҳосил қилинган композицияси асосида сульфатли муҳитлар таъсирига чидамли бино ва иншоотларни юқори мустаҳкамликка эга эксплуатацион муддатларини аниқлаш имконини берувчи классик ва замонавий текшириш услублари аниқланди.

**Калит сўзлар:** шўр сув, грунт, музлаш, кўпчиш, бетон, технология.

**Кириш.** Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларинияратиш”га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Азалдан Хоразм воҳасининг тупроғи ҳар хил даражада шўрланиб келинган. Шу сабабли, тупроқ шўрлигига ва шўрланиш даражасини пасайтиришга қарши давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ерларнинг шўрланиши бутун дунёда катта муаммолардан бири эканлигини эътиборга олиб, Хоразм вилоят худудидаги шўрланган ерларда қурилган фуқаро ва саноат биноларининг пойдевори тез емирилади. Бу ҳолат эса ушбу худудларда одамларни яшаши ва иншоотларни эксплуатация қилиш шароитларини яхшилашга халақит беради. Кейинги 20-30 йил ичида Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикасида ер ости агрессив (шўрланган) сувлари сатҳининг юқори даражада бўлиши дарахтларнинг баланд ўсишига йўл қўймайди, вақт ўтиши билан дарахт илдизлари шўр сувга етгач, уларнинг

қуриб қолиш холлари юзага келмоқда. Табiiй иқлимнинг мураккаблиги кишиларнинг ўзларини хис қилишига ва соғлигига салбий таъсир этади.

Ёзги даврда кундузлари нисбий намлик 10-20% гача тушса, кечки вақтда у 50-70 % гача кўтарилади. Қиш даврида кундузги нисбий намлик асосан 50-60% атрофида бўлади. Бу ҳудудларда булутли кунлар жуда кам учрайди, унинг ҳиссаси 5% дан ошмайди. Бундай омиллар кундузлари ҳавонинг исиб кетишига, кечқурунлари эса унинг совушига олиб келади. Ёғингарчилик кўп учрамайди. Айниқса Қарақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навои, Сурхондарё, Кашқадарё, Сирдарё ва бошқа бир қатор вилоятларда қор ва ёмғир жуда ҳам кам ёғади. Тез-тез шамол бўлиб туради. Кундузлари шамол эсиши кучайса, кечқурунлари сусайиб қолади. Бундай иқлим шароити, яъни кундузлари ҳароратнинг кўтарилиб, нисбий намликнинг кескин пасайиши ва кучли шамолларнинг эсиб туриши ер сиртида тўпланиб бораётган тузларнинг кўчишига ва оқибатда атроф- муҳитни ифлосланишига, конструкцияларни коррозияланишига олиб келмоқда.

Ер ости салбий (шўр) сувлари сатхининг юқори даражадалиги қишги даврда грунтларнинг музлашига ва кўпчишига ҳам олиб келади. Иссиқ иқлим шароити бетонлаш ишларини бажариш жараёнида технологияга жиддий таъсир кўрсатади. Қурилиш жараёнлари технологиясини мураккаблаштиради, ортикча сарф харажатларга олиб келади.

Шўрланиш пайтида бино пойдеворига грунт орқали узатилиб, девор бўйлаб тарқалади ва деворлар шикастланишига ёки бузулишига сабабчи бўлади. Бинолар пойдевори билан девори орасида екан қатламининг қўйилиши ер ости сувларининг капиллярлар орқали девордан тепага кўтарилишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, шўрланиш пайтида девор бўйлаб тепага тарқалувчи шўрланишни кескин камайтиришга олиб келади.

Шунинг учун ҳам қуруқ иссиқ иқлимли шароитда бино ва иншоотларни барпо этиш ва эксплуатация қилишда баъзи бир қоидаларга риоя қилиш керак бўлади. Шу сабабли, қуруқ иссиқ иқлим шароитида қурилиш жараёнлари технологиясининг ўзига хос хусусиятларига тўла амал қилмаслик, самарали ва

қулай технологик ечимларни қўлламаслик бино ва иншоотларнинг нархини оширади, уларнинг хизмат муддатини кескин камайтиради ва оқибатда иқтисодиёт бундан катта зарар кўради.

Урганч давлат университети олимлари тамонидан олиб борлаётган тадқиқотлар шўрланган ва нам худудларда бино ва иншоотларни эксплуатацион муддатларини ошириш технологиясини жорий қилишда маҳаллий хом ашёларни чуқур ўрганиш, шўрга чидамли, оловбардош материаллар ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашё базасини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, бажарилган илмий-тадқиқот ишлар натижасида шўрга чидамли юқори оловбардош материаллар ва махсус турдаги техника керамика материалларини ишлаб чиқаришга эришилган.

**Хулоса.** Жаҳон миқёсидаги тадқиқот натижаларига асосланиб шўрланган ва нам худудларда бино ва иншоотларни жорий ва капитал таъмирлаш аниқланиб, бойитиш жараёнларида хом ашёларнинг таркиби ва хоссалари таъсири ўрганилди. “Таркиб-структура-хосса” термик ишлов берилганда ҳосил қилинган композицияси асосида Хоразм вилояти шароитида сульфатли муҳитлар таъсирига чидамли бино ва иншоотларни юқори мустаҳкамликка эга эксплуатацион муддатларини оширишда минералогик, физик-кимёвий тавсифларини ва функционал кўрсаткичларни аниқлаш имконини берувчи классик ва замонавий текшириш услубларидан фойдаланилади.

Из землебитных материалов (блоков, кирпича и т.д.) возводятся, в основном, одно- и двухэтажные жилые здания. Толщина наружных стен первого этажа должна быть не менее 50 см; внутренних перегородок и несущих стен - 30-40 см., а второго этажа - 25-30 см.

Землебитная стена толщиной 50 см и по теплопроводности равна кирпичной стене толщиной в 2,2 кирпича. При землебитных стенах кровля должна свисать не менее чем на 60 см. Землебит готовят из различных грунтов. Однако абсолютно не пригодны растительный слой, торф, иловатые грунты, жирные и тощие почвы (жирные дают большую усадку, а тощие отличаются непригодностью). Поэтому к жирной почве добавляют костру, соломенную сечку, стружку, камышовую мелочь (дисперсное армирование структуры глин). К тощему грунту добавляют глину (до 40 % по объёму). Небольшое количество мелких диаметром до 2 см и органические примеси (до 30 %) не снижают качество землебита.

К недостаткам можно отнести необходимость в прочном фундаменте и тщательной гидроизоляции. Ведь основной враг землебитных стен - это грунтовая влага. Также к недостаткам относится и высокая трудоемкость возведения построек из землебита.

Работу необходимо выполнять в тёплый (летний) период года для хорошего просушивания стен. Но и эти недостатки можно обойти. Но по аналогии с саманным, возможно изготовление землебитных блоков, которые можно заготовить в течение одного сезона и выполнить кладку в следующем. Такие блоки, изготовленные из земляного теста, но с добавлением портландцемента и высушенные на открытом воздухе, имеют прочность около 4,5 МПа (45 кг/см<sup>2</sup>).

Для облегчения грунта и снижения его теплопроводности рекомендуется добавлять утеплитель. Количество утеплителя, в зависимости от содержания глинистых частиц в грунте, приведено в таблице 1.

Таблица 1

**Количество утеплителя в зависимости от содержания глинистых частиц в грунте**

Количество глинистых частиц (%)	Утеплитель ( кг., на 1 м <sup>3</sup> грунта)			
	Соломенная резка	Полова	Костра	Хворост
11...15	До 4	До 4	До 3	До 6
15...20	5...8	5...8	3...5	6...10
20...30	8...10	8...10	5...8	10...15

Тщательно подобранный, уложенный и выдержанный землебит должен иметь хорошую «гвоздимость», т.е. гвоздь должен прочно входить в стену и сгибаться под прямым углом от ударов молотка, не раскаливая при этом материала.

Традиционная технология возведения стен предусматривает строительство со «скользящей» опалубкой, которая по мере возведения стены постепенно поднимается.

Земляная масса естественной влажности закладываются в опалубку слоем до 15 см, трамбуется, а затем заливается слоем известкового раствора. Это способ возведения монолитных стен.

В соответствующих руководствах по землебитному возведению стен подробно описаны составы смесей, конструкция опалубок, приемы и особенность строительства в разных регионах. Поэтому, с учетом возможностей использования современных материалов, можно построить прочное, сравнительно дешевое и экологическое чистое жильё.

Уровень доходов населения в странах СНГ заметно уступает доходам в других странах, а потребность в жилье, - огромная. Поэтому возможность постройки своего дома по низкой цене очень актуальна.

Сравнительная оценка затрат на дом, построенный с применением землелитной технологии, показывает, что цена ниже деревянных домов приблизительно в семь раз, а каменных - на порядок. Стоимость кирпичных и бетонных домов, которые чаще возводятся сегодня, выше землелитных приблизительно в пять раз. Но нужно помнить, что речь идет о малоэтажных (1-2 этажа) постройках. Многоэтажные постройки из землелита невозможны вследствие его малой начальной прочности.

Часто заинтересовавшись вопросом о землелитном строительстве, спрашивают долговечны ли постройки из него. В Европе до сих пор много эксплуатируемых землелитных домов, построенных 150 и более лет назад.

Правильно возведенная глиняная постройка долговечна и прочна.

### **Литература**

1. А.М.Шепелёв «Как построить сельский дом». Издание 3-е переработанное и дополненное. Москва. Россельхозиздат. 1982г., 352с

2. Вилкова А.С. Гаврилина Н.П. «Глинобитные жилые образования. Состояние исторических построек. Современное использование». Международный студенческий научный Вестник. 2015г. №1.

### **МАҲАЛЛИЙ МАРМАР ЧИҚИНДИ КУКУНИ АСОСИДА ҚУРУҚ ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛИ ШПАКЛЁВКА ВА ҚОПЛАМА ЕЛИМИ ТАРКИБЛАРНИ ОЛИШ.**

*т.ф.н. Саидмуратов Б.И. СамДАҚИ  
магистрант Курбонов З. СамДАҚИ*

Бино ва иншоотларни барпо этишда пардозлаш ишларини бажариш харажатлари ўртача 30-40% ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб пардозлаш ишларида технологик жараёнларга сарфланадиган меҳнат сарфини камайтириш, бажариладиган ишларни сифатини ошириш, янги илғор технологиялар ва материаллар ишлаб чиқаришга жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Бу ўз навбатида арзон ва юқори сифатли қурилиш материалларига бўлган талабни оширади. Бундан ташқари қурилиш майдонларида меҳнат сарфини имкон борича кам сарфлаб тезкорликни оширишга ундайди.

Шу мақсадда ҳозирги кунда юзлаб қурилаётган кўп қаватли турар-жой, жамоат ва саноат иншоотларида пардозлашишларини олиб боришни тезлаштириш ва қурилиш муддатларини камайтириш мақсадида ҳўл қоришмалар ўрнини тайёр қуруқ қурилиш қоришмалари эгаллаб бормоқда. Бундай қуруқ қоришмаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Янги замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда тайёрланган сифатли қуруқ қурилиш қоришмаларининг бир қатор афзалликлари мавжуд. Масалан буларни қўйидагиларда:

қуруқ қурилиш қоришмасининг таркибини мўтаъдиллиги ва ишлов бериш осонлиги ҳисобига сувоқ ва пардозлаш ишлари сифатини оширишда;

ишларни ташкил этилиши механизациялашиш даражасига кўра меҳнат унумдорлигини 1,5-3,5 мартага ортишида;

материал сарфининг камайиши ва бошқа омилларда кўриш мумкин.

Айниқса, бундай қуруқ қурилиш қоришмаларини узоқ масофаларга ташиш, сақлаш жуда қулайдир. Бундан ташқари йил фаслининг совуқ даврларида ҳам бундай материаллардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги қуруқ қурилиш қоришмаларининг ижобий сифатларидан биридир.

Халқаро стандарт ҳисобланадиган ГОСТ-31189-12 “Смеси сухие строительные классификация” сига кўра қуруқ қоришмалар қўйидагича синфланади:

фойдаланиш шароитига кўра-ташқи ва ички ишларга мўжжалланган қуруқ қурилиш қоришмалари;

тўлдирувчиларнинг энг катта йириклик фракцияси- ( $D_{\text{мак}}$ ) га кўра: бетонли ва қоришмали;

фойдаланиш шароитига кўра: ғишт-тош терими, сувоқ, пардоз, пол тўшамаси, таъмирлаш, изоляция, махсус ишларга мўжжалланган қоришмалар;

боғловчилар турига кўра: цементли, гипсли, оҳакли, магнезиалли, полимерли, ва композицион курук қурилиш қоришмаларга ажратиш мумкин.

Турли саноат чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда замонавий сифатли қурилиш материаллари, жумладан курук қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш долзарбмасала бўлиб ҳисобланади. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедрасида ана шундай маҳаллий хом ашёлардан ҳисобланган табиий пардоз тошлари, хусусан мармар тошларига ишлов бериб пардоз тошлари олиш жараёнидаюзага келадиган мармар чиқинди қуқунларидан фойдаланилган ҳолда курук қурилиш қоришма шпаклёвканинг бир неча таркиблари ва сопол плиткаларини қоплама елими яратилди.

Бунинг учун Навой вилояти Нурота туманинг Ғозгон мармар конининг пардозлаш тошлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида тўпланиб қолган мармар қуқунлари, “Қизилқум” цемент заводининг М400 маркали портландцементи, қурилиш гипси, қоғоз макулатураси, гул қоғоз елими ва КНАУФ корхонасининг “Perflix” клейларидан фойдаланилиб турли таркиблар устида ДАСТ талабларига асосан лабораторияда тадқиқот ишлари олиб борилди ва қўйида улардан жадвалда келтирилган таркиблар танлаб олинди. Мармар қуқуни асосида тайёрланган курук қурилиш қоришмали шпаклёвка ва қоплама елимларининг таркиблари.

### 1 жадвал

Таркиблар	Хом ашё номлари	Миқдори, % да	Изоҳ
1	Мармар қуқуни	70	Ташки пардоз ишлари учун
	Портландцемент М400	20	
	“Perflix” клей КНАУФ	10	
2	Портландцемент М400	80	Сопол плиткалар елими
	“Perflix” клей КНАУФ	20	
3	Мармар қуқуни	80	Ички пардоз ишлари учун
	Қурилиш гипси	15	
	Қоғоз елими ва қоғоз макулатураси	5	

Жадвалдан кўриниб турибдики курук қурилиш қоришмали шпаклёвкаларининг асосий ташкил қилувчиси 70% дан 80% гача мармар



кукунлариданиборат. Тан-нархи калькуляция қилиб ҳисобланганда худди шу туркум курук қурилиш қоришмали шпаклёвқаларга нисбатан қараганда таклиф қилинаётган таркиблар 50 – 60 % гача арзон эканлиги аниқланди.

### **Адабиётлар**

1. ГОСТ 23789-79. Вяжущие гипсовые. Методы испытания
2. ГОСТ 125-79. Вяжущие гипсовые. Технические условия
3. ГОСТ 31189-2003 «Сухие строительные смеси. Классификация».
4. Введ. с 01.02.2004. – М.: Изд-во стандартов, 2004. – 12с
5. ГОСТ 5802-86. Растворы строительные. Методы испытаний. Введ. с 11.12.1985. – М.: Изд-во стандартов, 1986. – 15 с
6. ГОСТ 125-79 (СТ СЭВ 826-77) Вяжущие гипсовые. Технические условия. Введ. с 19.07.1979.- М.: Изд-во стандартов, 1979.-14 с.
7. Шентяпин А.А. Сухие смеси для отделочных и общестроительных работ / Монография // СамГАСУ. – Самара. - 2004. – 119 с.
8. ГОСТ 28013–98. Растворы строительные. Общие технические условия. Введ. с 29.12.1998. – М.: Изд-во стандартов, 1998. – 12 с
9. Кикава О.Ш. Контроль качества при изготовлении строительных материалов. –М.: «Стройиздат», 1986. -246 с.

## **МЕТАЛЛУРГИЯ ШЛАКЛАРИ АСОСИДАГИ БЕТОНЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ**

*т.ф.н., доцент, Кулдашев Х., Тўхташов Қ-магистр. (СамДАҚИ)*

Ҳозирги пайтда қурилишда металлургия шлакларидан олинадиган тўлдирувчилар асосида турли хил бетонлар қўлланилмоқда. Шлакли бетонлардан тайёрланган буюмларнинг нархи анъанавий бетонларникига нисбатан 20...30 % арзон ҳисобланади [1, 2].

Шлакли тўлдирувчиларнинг ҳилига қараб ўта оғир ( $\rho > 2500 \text{ кг/м}^3$ ); оғир ( $\rho = 1800-2500 \text{ кг/м}^3$ ) ва енгил ( $\rho < 1800 \text{ кг/м}^3$ ) бетонлар тайёрланади.

Тузилиши бўйича эса улар зич, йирик ғовакли ва ячейкали шлакли бетонларга бўлинади .

Қўлланилиши бўйича шлакли бетонлар конструкциябоп, конструкциябоп-иссиқ сақловчи, гидротехник, йўл қопламалари учун, иссиқ сақловчи, кислота ва оловбардош ҳилларга бўлинади.

**Оғир бетонлар (ЎзРСт 728-96).** Аънавий ёки шлакли боғловчилар ва шлакли тўлдирувчилар асосида иссиқлик билан қотириладиган, мустаҳкамлиги 10-30 МПа бўлган одатдаги оғир бетонлар ва автоклавда қотириладиган, мустаҳкамлиги 30-60 МПа бўлган юқори мустаҳкам бетонлар олинади. Шлакли шағаллар асосидаги бундай бетонларнинг чўзилишдаги-эгилиш мустаҳкамлиги одатдаги оғир бетонларникига нисбатан анча юқоридир.

Шлакли бетон қоришманинг қулай жойлашувчанлиги тўлдирувчининг сув талабчанлигига боғлиқ бўлади. Одатда бундай бетон қоришмалар анча бикр (кам ҳаракатланувчан) бўлади (масалан, гранитли қоришмага нисбатан). Шлакли боғловчилар асосидаги йирик зич тўлдирувчили бетонларнинг совуқбардошлиги 50-100 цикл (шлакишқорли боғловчилар асосидаги бетонларники эса анча юқори).

Шлакли бетонларнинг деформатив хоссалари ҳамда арматура билан боғланиши (тишлашиши) одатдаги цементли бетонларники кабидир. Шу сабабли бундай бетонлар турли ҳил юк кутарувчи конструкцияларни тайёрлашда самарали қўлланилади.

**Майда донали бетонлар (ЎзРСт 728-96).** Қурилиш саноатида майда донали оғир ва енгил шлакли бетонлар ишлаб чиқариш технологияси яхши йўлга қўйилган. Боғловчи сифатида клинкерсиз шлакли боғловчилар ва шлакли портландцемент, тўлдирувчилар сифатида эса шлакли кум ва доналанган шлак ишлатилади. Бундай бетонларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги 10-40 МПа ва ундан юқоридир. Уларнинг мустаҳкамлиги боғловчи фаоллигига, ишлатилган шлак хилига, бетон таркибига, бетон қоришмасини зичлаш шароитига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Юқори фаол юзали шлакларни майдалаш орқали олинган кумлар цемент тоши билан мустаҳкам бирикиш хусусиятига эга бўлади. Натижада бетон мустаҳкамлиги оддий кумли бетонга нисбатан 40-60 % гача ортади.

Ҳозирги пайтда махсус технология асосида зичлиги 1800-2300 кг/м<sup>3</sup>, мустаҳкамлиги 30-100 МПа бўлган майда донали шлакли бетонлар тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, боғловчи сифатида шлакли портландцемент тўлдирувчи сифатида эса доналанган ва хумдон шлаклари қўлланилади.

**Иссиқбардош бетонлар (ГОСТ 20910-90).** Шлакли материаллар иссиқбардош бетонлар ишлаб чиқаришда боғловчи, тўлдирувчи, майда туйилган қўшилма ва қотирувчилар сифатида кенг қўлланилади. Металлургия шлаклари асосида олинадиган боғловчиларнинг иссиққа чидамлилиги портландцементдан юқорироқ ҳисобланади. Бунга сабаб шлакли цемент тошида кальций гидроксид миқдорининг нисбатан камлигидир. Шлакли портландцементни қўллаш орқали 1200 °С ҳароратгача чидамли иссиқбардош бетонлар олиш мумкин.

Иссиқбардош бетонлар учун тўлдирувчилар сифатида доналанган ва чиқиндисифат металлургия шлаклари, шунингдек шлакли пемза ҳам ишлатилиши мумкин. Портландцемент ва шлакли портландцемент асосидаги бундай бетонларнинг иссиқбардошлиги (ишлатилиш ҳарорати) 700-800 °С га тенг. Бундан юқори ҳароратда шлакли тўлдирувчилар шишали фазасининг юмшаши ҳисобига бетоннинг мустаҳкамлиги кескин камайиб кетади.

Шлакли тўлдирувчилар асосидаги иссиқбардош бетонларнинг зичлиги 2300-2400 кг/м<sup>3</sup>, сиқилишдаги максимал мустаҳкамлиги 30-35 МПа, 700 °С гача қиздирилгандан кейинги қолдиқ мустаҳкамлиги 40 %, максимал қўлланилиш ҳарорати 700 °С. Майда туйилган қўшилма сифатида ферромолибденли шлакларни юқори даражада кристаллантириш орқали 1000 °С гача ҳароратга чидамли иссиқбардош бетонларни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Иссиқбардош бетонлар учун тўлдирувчи ва майда туйилган қўшилма сифатида рангли металлургия саноати шлаклари ҳам қўлланилиши мумкин. Жумладан, никелли ва мисли чиқинди шлаклари, портландцемент ва шлакли портландцемент ҳамда доналанган хумдон шлақларини туйиш орқали олинган

қўшилмалар асосида ишлатилиш ҳарорати 800-1000 °С бўлган бетонлар олинади. Бундай бетонлар ўзининг хоссалари бўйича хумдон шлаклари асосидаги бетонлардан фарқ қилмайди ва уларни иссиқлик агрегатлари қурилишида самарали қўллаш мумкин.

**Шлакишқорли бетонлар.** Бундай бетонлар тоифасига шлакишқорли боғловчилар асосида тайёрланадиган бетонлар киради. Шлакишқорли оғир бетонларнинг тахминий таркиби қуйидагича бўлади, (% ҳисобида): туйилган донали шлак 15-30; ишқорли компонент 0,5-1,5; тўлдирувчилар 70-75.

Анъанавий тўлдирувчилардан (шағал, чақиқ тош, қум) ташқари шлакишқорли бетонлар учун тўлдирувчи сифатида табиий дисперсли материаллар ва турли ҳил саноат чиқиндилари ҳам ишлатилиши мумкин. Оғир ва енгил шлакишқорли бетонлар учун тўлдирувчи сифатида саноат чиқиндиларидан турли ҳил шлаклар, куллар ва ИЭС кулшлакли аралашмалари, куйган жинслар, табиий тош жинсларни майдалаш ва аралашдаги ҳосил бўладиган чиқиндилар, шунингдек дисперсли органик чиқиндилар (ёғоч ва қишлоқ хўжалик ўсимлик-лари) самарали қўлланилади.

Шлакишқорли оғир ва ўта оғир бетонларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичи 20-140 МПа чегарадаги қийматлар билан тавсифланади. Сиқилишдаги мустаҳкамлиги бўйича бундай бетонлар В15-В60 синфларга бўлинади. Уларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги сиқилишдаги мустаҳкамлигининг 1/10-1/15, эгилишдаги мустаҳкамлиги эса 1/6-1/10 қисмини ташкил қилади.

Шлакишқорли тошнинг тузилиши майда ва ўзаро туташган юмалоқ шаклли берк ғоваклилиги билан тавсифланади. Бундай тузилиш шлакишқорли бетонларнинг сув ўтказмовчанлик ва совуқбардошлик каби хоссаларини таъминлайди. Шлакишқорли бетонлар сув ўтказмовчанлик бўйича W4-W30, совуқбардошлик бўйича эса F20-F1000 маркалари билан тавсифланади.

Шлакишқорли бетонларнинг етарлича зичлиги ва ишқорли муҳитнинг доимийлиги пўлат арматуранинг нисбатан яхши сақланишини таъминлайди. Муҳитининг турғун водород кўрсаткичи ( $\text{pH} > 12$ ) ва бетоннинг арматура

билан мустаҳкам бирикиши бинобарин, шлакишқорли бетонлардан турли хил арма- тураланган, шунингдек олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни тайёрлаш имконини беради.

Шлакишқорли бетонлар асосидаги буюмлар юқори зангбардошлик хусусиятига эга, чунки улар маҳсулотларининг қотиши жараёнида цементнинг сульфатли занглашини келтириб чиқарувчи юқори асосли кальций гидроалюминатлар йўқ.

Шлакишқорли бетонларни қиш пайтида бетон ишларида қўллаш тажрибаларидан маълумки, бундай бетонлар  $-10...-15\text{ }^{\circ}\text{C}$  хароратда музла - майди ва қотиши давом этади.

Пиширилмай олинадиган ишқорли боғловчилар асосида олинадиган бетонларнинг юқори қурилиш-техник хоссалари уларни амалда самарали қўлланилаётганлиги билан тавсифланади. Энергиясамарали ва махсус иншоотлар қурилиши учун ПОИБ асосида алоҳида юқори мустаҳкам енгил бетонлар олиш имкониятлари кенгаймоқда. А. Тўлаганов (ТАҚИ) томонидан 1988 йил қурилиш соҳасида биринчилардан бўлиб ўртача зичлиги  $1800-2000\text{ кг/м}^3$ , мустаҳкамлиги  $70-90\text{ МПа}$  бўлган енгил бетонлар таркиби ишлаб чиқилган [1].

Кейинчалик А. Султонов бошчилигида (Сам ДАҚИ) зичлиги  $400-1200\text{ кг/м}^3$  бўлган шлакишқорли боғловчилар асосида стандарт талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва автоклавда қотирилмайдиган серфовак енгил бетонлар таркиби ишлаб чиқилди ва уларни ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилди.

Шунингдек, кўпикбетон таркибига базальт ва волластонит толаларини қўшилма сифатида киритиш орқали бетон мустаҳкамлигининг жумладан, эгилиш мустаҳкамлигининг  $20...40\%$  ортишига эришилди. Бундай бетонлар ва улар асосидаги буюмлар энергиятежамкор бино ва иншоотларни барпо этишда самарали қўлланилмоқда .

Шлакишқорли бетонлар уларга ишлатиладиган материалларнинг таннархи арзонлиги туфайли иқтисодий жихатдан самарали ҳисобланади (шлакли

чиқиндиларга солиштирма харажатлар кам сарфланади, ёқилғи тежалади ва ш. к). Шлакишқорли бетонлар саноат ва фуқаро қурилишида консрукциябоп материал сифатида, алоҳида хоссалари бўйича эса қурилишнинг бошқа соҳала-рида (масалан, сув иншоотлари ва йўл қурилиши, шунингдек қишлоқ хўжалиги қурилишида) кенг қўлланилади.

### **Адабиётлар**

1. Тулаганов А. А., Камиллов Х. Х., Воҳидов М. М., Султанов А. А. *Замонавий қурилиш материаллари, буюмлар ва технологиялари*. –Самарқанд. “Zarafshon”, 2015.-140 б.

2. Кулдашев Х. *Саноат чиқиндилари асосида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш*. –Самарқанд. “СамДАҚИ”, 2017.-159 б.

## **ЎРАМА МАТОЛИ ҚУРУҚ ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛИ ҚОПЛАМА МАТЕРИАЛ**

*Саидмуратов Б.И., Саидмуратов Б.Б. СамДАҚИ*

**Аннотация:** ирригация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш муаммолари, бетон қоришмаси ўрнини босувчи қоплама материаллар, қурилишда хом-ашё ва меҳнат сарфини камайтириш йўллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** қуруқ аралашма, цемент, мато қоплама.

Бутун дунёда қурилиш ва бунёдкорликлар ҳажми ошиб борган сари турли қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж ва талаблар ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундан ташқари ҳозирги тезкор ривожланиш даврида кўплаб анъанавий қурилиш материалларининг ўринларига янги замонавий инновацион материаллар кириб келмоқда. Биноларни пардозлаш учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган қуруқ қурилиш қоришмаларини ана шундай истиқболли материаллар сафига киритишимиз мумкин.

Ушбу турдаги ярим тайёр ҳолатдаги қуруқ қурилиш материаллари биноларнинг ташқи ва ички пардозлаш ишларида ўзининг мустаҳкам ва муносибўрнини эгаллаб бормоқда. Ҳозирда ушбу синфга тегишли бўлгансифатли, технологик ва эксплуатацион талабларга жавоб берадиган

бошқа кўплаб турлари-гидроизоляция, иссиқлик сақловчи, товушдан ҳимояловчи, коррозиядан ҳимояловчи ва тезкор таъмирлаш ишларини бажаришга мўлжалланган турлари ҳам чиқарилмоқда. Бундай ярим тайёр маҳсулотларнинг қўлланиш соҳаларини кенгайтириш мақсадида тинимсиз илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Маҳаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилариасосида бу каби қурилиш материалларнинг янги авлодларини яратиш устида илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтининг “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси томонидан ҳам олиб борилмоқда. Айниқса, қўлланишга тайёр материаллар устида тадқиқотлар олиб боришга катта аҳамият қаратилган.

Дастлаб бирламчи ғоя қурилиш майдонларидаги амалга ошириладиган “хўл” жараёнларнинг ҳажмларини имкони борича камайтириб, “қуруқ” жараёнларга алмаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, хом-ашёлар сарфини камайтириш имкони берадиган универсал ечимни излаб топишдан иборат бўлган эди. Чунки қурилиш объектларида жуда кенг қўлланиладиган ҳатто ташиб келтирилган тайёр бетон қоришмасини ётқизиш учун ҳам қолипларни ўрнатиш, арматура ишларини олиб бориш, ётқизилган қоришмани зичлаш, парваришlash каби бир қанча операция ва жараёнларга жуда кўп вақт ва меҳнат сарфланади. Бундан ташқари бундай операцияларни бажариш учун малакали ишчилар ҳам талаб қилинади. Шунинг учун яратилаётган қурилиш материали фойдаланишга қўлай, кам харж ва юқори тайёр ҳолатдаги буюм бўлиши керакки, қурилиш объектидаги материал ва меҳнат сарфини минимумга келтирсин.

Бу ерда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосланган ҳолда қайси соҳаларга қурилиш материалларининг қандай турлари кераклигини инобатга олган ҳолда режали илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган ПҚ-3405 " 2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида" ги қароридан келиб чиқиб 4487 километр ирригация тизими каналларини, 5250 километр суғориш тармоғини, 3636 та гидротехника иншоотини, 495 та насос станциялари (агрегатлари)ни ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек, 7500 километр коллектор-дренаж шохобчаларини, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш талаб этилиши инобатга олинса юқорида тилга олинган масалалар нақадар долзарблиги намоён бўлади.

Бундан ташқари 167 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ниҳоятда паст даражада эканлиги, 1957 минг гектар суғориладиган ерларни турли даражада шўр босганлиги, шу жумладан, 542 минг гектари ўртача ва 99 минг гектари кучли шўр босган ерларга ирригация тармоқларини ўтказиш,борларини таъмирлаш муамолари мавжудлиги бундай турдаги материал ва буюмларга эҳтиёж юқорилигини билдиради.

Бундай катта ҳажмдаги ирригация тармоқларини қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришни албатта қурилишда кенг миқёсда қўлланиладиган бетон қоришмасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунинг учун оқар сувнингсуғориладиган ер майдонларига етиб боришида унинг ерга сизиб ёки буғланиб йўқолишини олдини олиш,ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтириш мақсадида қанча-қанча километрлаб суғориш ва сув қочириш сизот каналларининг юзаларини бетон қопламалари билан қоплаш, суғориш лотокларини қуриш,мавжудларини таъмирлаш, сув айирғич тизимларини созлаш ишларини олиб боришга тўғри келади.

Бу ишларни олиб бориш жуда катта ҳажмдаги маблағларни талаб қилади. Ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан тайёрланган ирригация тизимларига мўлжалланган жуда катта миқдорларда темирбетон буюм ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш каби улкан харажатлар талаб қилувчи вазифалар юзага келади.

Юқоридаги қўйилган масала ва муаммолардан келиб чиқиб бундай ҳажмдаги ирригация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш учун темирбетон



конструкциялари ва бетон қоришмалари ўрнини босувчи тайёр материалларни тайёрлашни қуруқ қурилиш қоришмалари ва матоларни ўзаро бирлигидан фойдаланиб композит материал тайёрлашни имкониятлари ўрганилди.

Бунинг учун дунёнинг турли ривожланган мамлакатларида шунга ўхшаш муаммолар ечими қандай топилаётган экан, қандай қилиб арзон, сифатли, кафолатланган, тезкор ва кам меҳнат сарфи билан ирригация тармоқларини барпо қилинаётган ва таъмирланаётган экан деган саволларга жавоб излаб бизни ўзига жалб қилган креатив ечимга дуч келдик. Худди биз излаётган ва хаёлимизга келган шундай ечимлардан бирини Англиялик талабалар таклиф қилишган экан ва бу “бетон мато ёки мато кийдирилган бетон” дир. Биз тадқиқот олиб бораётган материалларга ўхшаш материаллар 2000 йилларда британиялик Қироллик санъат коллежининг талабалари Peter Brewin ва Will Crawfordлар томонидан таклиф қилинган экан.

Бу эса бизни тўғри йўлда эканлигимизга бир ишора бўлиб, ушбу ечимни ўринли ҳисоблаб, шу йўналишда турли турдаги матоларни қуруқ ҳолатидаги цемент, цемент-қум аралашмаси, цемент-қум-тола аралашмалари билан биргаликда ишлаши ва мустаҳкамлиги ўрганилди. Дастлабки натижаларнинг ўзиёқ бундай материаллар каналлар юзаларини ёпиш учун ишончли қопламалар бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Агар бундай “Ўрама матоли қуруқ қурилиш қоришмали қоплама материал”га сарфланадиган хом-ашё ва ётқизиш-қоплама ишларини анъанавий бетон қоришмалари билан каналлар юзаларини бетонлаш билан таққосланса, ҳақиқатдан ҳам ушбу материални инновацион тайёр қурилиш қоплама материали деб аташ мумкин.

Ушбу эгилувчан қатламли композит материал бир нечта ташкил қилувчилардан - остки сув ўтказмас, оралиқ қуруқ боғловчи аралашмани тутиб турувчи ғовак мембрана ва намликни ўзига қабул қилувчи устки қатламлардан иборатдир. Бундай композит материалнинг анъанавий материаллардан қандай афзаллиги бор ва қанчалик уларни ўрнини боса олади деган саволларга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

-биринчидан, бундай комплекс композит материал жуда ихчамдир ва унга минимал хом-ашё талаб қилинади;

-иккинчидан, бундай материалга талаб қилинадиган турли геометрик шаклларни бериш мумкин;

-учинчидан, унга қурилиш майдонида ёки фойдаланиладиган жойда қўшимча ишлов беришга эҳтиёж йўқ, фақат керакли юзаларга ётқизилса етарли, фақат қоплама материалнинг юзалари талаб қилинадиган даражада намланса бўлди, суюқлик юза қатламлардан композит ичига сизиб кириши натижасида боғловчи аралашма реакцияга киришади ва қисқа муддатларда барча ташкил қилувчиларни бирлаштирувчи яхлит монолитга айлантиради.

Бундай материалдан фойдаланиш эса қурилиш ишлаб чиқариш жараёнлари ва барпо қилиш технологиясида улкан олдинга силжиш имкониятини яратади, яъни қурилиш майдонида талаб қилинадиган маълум бир операцияларни бажаришга сарфланадиган вақт ва меҳнат ҳажмини максимал даражада қисқартиради. Натижада меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик кескин ортади, бажарилаётган ишнинг таннархини кескин камайтиришга эришилади.

Кафедра лабораториясида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида ушбу материалнинг турли хосса ва сифатлари, коррозиябардошлиги, умрбоқийлиги каби кўрсаткичлари ўрганилмоқда. Аммо дастлабки натижаларнинг ўзиёқ бу турдаги материалнинг истиқболи порлоқлигини кўрсатмоқда. Юзаларни қоплашга мўлжалланган “Ўрама матоли қуруқ қурилиш қорисмали қоплама материал”ига – ВВS шартли белгиси берилган. Ушбу ўрама қоплама материал қурилиш майдонларида талаб қилинадиган меҳнат сарфини кескин камайтириш имконини берадиган инновацион материал ва ечим сифатида қаралмоқда.

Бундай ечим юқоридаги материал орқали амалга оширилиши мумкинлиги аниқланди. Бундай материал максимал тайёр материал ёки буюм ҳисобланиб, у ўзига юклатилган функцияни бажариши учун унинг юзасини сувлаш ёки етарли даражада намлаш кифоя, маълум вақтдан сўнг у ўз

вазифасини бажара олади. Энг асосийси қурилиш майдонида талаб қилинадиган бир қанча операция ва жараёнлар миқдори камаяди. Албатта, бу материалдан кўп қаватли бино учун девор сифатида фойдаланиб бўлмас, аммо горизонтал, нотекис ва нотўғри шаклли юзаларни тезкор ва катта маблағ сарфламасдан ёпишда унга тенг келадиган материал йўқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. NCDON installs GCCM for slope protection under I-95 Bride 2017.
2. Concrete Cloth –Its Uses and. Application in Civil Engineering 1992.
3. Technical Data Sheet. Tiltex system. 11.04.2018
4. <http://cemgid.ru/chto-takoe-betonnyj-xolst-obzor-concrete-canvas.html>

### **КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ**

*Зохидова Дилноза Боҳодир қизи Магистр,  
Тошкент Архитектура-Қурилиш Институти  
Арх.фан.ном Зоҳидов Мансур*

**Аннотация.** Ақлли шаҳар бу авваламбор ақилли аҳоли деганидир, ақилли шаҳар эса энергия тежамкор ва эстетик гўзал бўлсагина ақилли шаҳар ҳисобланади. Мақоланинг ҳам асосий мақсади энергиятежамкор уй асли нималигини ва у қандай муаммоларни ҳал қилиши кераклиги ҳақида қисқача ёзиб ўтилган. Шу билан бирга энергия тежамкор уй мисоллар билан келтирилган.

**Калит сўзлар:** Микро-иқлим, энергия сарфи, пассив, энергия тежамкорлик, изоляция, вентеляция, иссиқлик.

Кўп қаватли турар-жой биносида энергия хоналарни керакли микро-иқлим билан таъминлаш, қишда иситиш, ёзда совутиш, иссиқ сув билан таъминлаш, уй хўжалиги талаблари мақсадида электр энергияси хоналарни сунъий ёритиш, электрлашган хўжалик асбобларидан фойдаланишдан иборат. Электр энергияси лифтлардан фойдаланишда ҳам ишлатилади.

Сарфланаётган энергия миқдори биноларни архитектуравий ечимига боғлиқ бўлганларини ажратиш. Биноларни керакли микро-иқлим билан таъминлаш биноларнинг архитектуравий ечимига бевосита боғлиқ, уй лойиҳасини ихчамлиги, деразалар ўлчами ва уларнинг юзасини умумий бино фасадига нисбати, кўп қаватли турар-жой биноларининг типлари, бино корпусининг эни ва ҳ.к.

Бинони иситишга ва ёзда совутишга белгиловчи омил ҳисобланиб, бинонинг иссиқ сув билан таъминлаш бинонинг архитектуравий ечимига боғлиқ эмас, сарфланадиган иссиқ сув миқдори алоҳида квартираларнинг оила аъзолари сонига ва ҳар бир оила аъзоси учун мўлжалланган меъёрий иссиқ сув сарфига боғлиқ ( ҳар бир яшовчи учун 50-70 литр 1 кунга).

Маиший хизматлар учун сарфланадиган электр энергияси қиймати ҳам биноларни архитектуравий ечимига боғлиқ эмас. ҚМҚ [1] бўйича кўп қаватли турар-жой биноларини меъёрий иситиш бўйича сарфланадиган энергия Тошкент иқлимий шароити учун  $70 \text{ Вт/м}^2$  ни ташкил этади. Квартиранинг ҳар бир  $\text{м}^2$  иситиладиган юзасига йил давоми сарфланадиган энергия  $110.7 \text{ кВт соат/ м}^2$  йил. Мисол учун 4 подездли 9 қаватли турар-жой биносини умумий квартиралар сони 72 бўлган ҳисобий иситиладиган юза  $5.500 \text{ м}^2$  ташкил

топади. Шу бинони йил давомида иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси  $605.000 \text{ кВт соат}$  ни ташкил этади. Шу бинода яшовчи хонадонларни электр энергиясига бўлган ихтиёжи  $110*72*12$  бу ерда  $110 \text{ кВт соат}$  ҳар бир хонадон учун сарфланадиган электр энергияси  $95000 \text{ кВт соат}$ .

$605000/95000=6.36$ , бинони фақат қиш фаслида иситишга сарфланадиган иссиқлик энергияси бинони йил давомида таъминлайдиган электр энергиясига нисбатан 6 баравардан зиёд. Ўтқазилган реал тажрибаларга асосланиб бинони иситиш учун сарфланадиган ҳақиқий энергия ҳисобий катталиқдан 50% кўп бўлиб, иссиқлик энергияси сарфини электр энергияси сарфига нисбати 10:1 ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, электр энергиясини сарфи бинонинг архитектуравий ечимига боғлиқ эмас. Бинони энергия самарадорлигини оширишда асосий эътиборни уни қиш мавсумида иситишга ва ёз

жазирамасида совутишга сарфланадиган энергияги архитектуравий-конструктив усуллар ёрдамида камайтиришга асосий эътиборни қаратиш керак бўлади.

Иссиқлик ёқоладиган бинонинг фасад қисми юзасини камайтириш мақсадида ихчам (кампакт) лойиҳавий ечимларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалиётда бинонинг ихчамлик “И” белгиси “И”=  $S/V$  бу ерда  $S$ -бинонинг иссиқлик ёқотадиган ташқи юзаси (ташқи деворлари ва том),  $V$ -бинонинг иситиладиган ҳажми. Кўп қаватли турар-жой биноларида умумий квартиралар юзасини хона баландлиги кўпайтмасига иситиш юзаси ҳисобланади.

Бинонинг энергиятежамкорлигини ошириш мақсадида ташқи тўсувчи конструкцияларга қўшимча иссиқлик ҳимоя қатламлари ўрнатилиши мумкин бўлади. Деразалардан ёқоладиган иссиқликни камайтириш мақсадида энергиятежамкор дераза конструкциялари қўлланилади. Бу борада икки ойна орасига инерт (криптон ёки аргон) газларини жойлаштириш билан бир қаторда ойна сиртларига селектив қатлам бериш катта самара беради. Ўзбекистон республикасига хос бўлган қуруқ иссиқ иқлим шароитида биноларни ёзда қизиб кетишини олдини олиш архитектуравий чора тадбирлари кондиционерга сарфланадиган электр энергиясини тежалишига олиб келади.

Хозирги шароитда ўтган асрнинг 70-80 йилларида қурилган йирик панел конструкцияли турар-жой биноларини иситиш учун сарфланадиган солиштрма энергия сарфи маълумотларга кўра, [2] 160-170 кВт соат/ м<sup>2</sup> йил ни ташкил қилмоқда, ортиқча энергия сарфи бинони иситилмайдиган подездлари ташқи муҳитдан ишончли ажратилмаганлиги сабабли келиб чиқади. Бу биноларни қайта реконструкция қилиш жараёнида уларни лойиҳавий герметик мустаҳкамлигини таъминлашга катта эътибор қаратилиши зарур.

Етук Европа мамлакатларида (Германия, Франция, Норвегия) энергияни тежаш мақсадида кескин чора тадбирларни қўллаш назарда тутилган. Қабул қилинган стандарт бўйича бинонинг иситиш учун сарфланадиган энергия

15кВ соат/ м<sup>2</sup> бўлса бу турдаги бинолар энергияпассив бинолар тури ҳисобланади. Жумладан иситиш учун сарфланадиган солиштирма энергия 40-50 кВ соат/ м<sup>2</sup> йил дан ошмаслигини таъминлаш зарурлиги меъёрий ҳужжатларда келтирилади. Йирик панелли бинолар мисолида энергия тежамкорлик чора тадбирлари бинони ташқи кўринишига эстетик жихатдан замонавий шаҳарсозлик талабларига мос равишда ўзгартириб, шаҳар бинолар туркумида алоҳида қиёфа ташкил қилиши билан ҳам ажралиб туради.

Бунда мисол қилиб Европанинг Гамбург шаҳридаги, денгиз порти яқинидаги Хафенсити (HafenCity) турар-жой биноси бўлиб, у 7 қаватли, 45 хонадонли, унда тепа қаватлари яшаш учун хонадорлар бўлиб, пастки 2 қаватида автомобил турар-жойлари мавжуд. Қават баландлиги полдан потолокгача 2,5 метр.



Яшаш хоналарининг яна бир афзаллиги ориентация бўйича ойналари жанубга қараганлигидадир. Гамбургда иситиш даври ноябрь бошидан март ойининг охиригача давом этади. Бинонинг иситиш давридаги , биноларни иситиш ва вентеляция учун энергия сарфи 15 кВ соат/ м<sup>2</sup> йил ни ташкил қилади. Бино СО<sub>2</sub> ишлаб чиқариш фоизи жуда кам бўлиб, у атроф-муҳитга кам таъсир кўрсатади. Ташқи деворлар икки слойли бўлиб, 0.3 м пенополистрол изоляция конструкциясидан ташкил топган. Деразалар икки қаватли бўлиб, ойналар орасида инерт газ бўлдирилган. Ташқи совуқдан тўсувчи ва ички иссиқликни ушлаб турувчи ташқи қатлам шунчалик яхши ишланганки, бу ойналар тагида иситувчи мосламаларни қоймасликни ҳам таъминлайди.

## Хулоса

Бино лойихаси бино битиши билан тугаб қолмайди. Лойиҳа бино эксплуатация даврида ҳам ишлайди, архитекторлар ҳар бир лойиҳалаётган биносини келажакни олдиндан кўра олган ҳолда лойиҳалаши зарур бўлиб, бино янги туғилаётган муаммоларни ечимини ҳам ҳал қилмоғи зарур.

Биноларни энергия самарадорлигини ошириш бўйича қилинган ишларга эътибор қаратиладиган бўлса бу йўналишни нақадар долзарб ва истиқболли йўналиш эканлигини гувоҳи бўламиз.

Кўриниб турибдики, республикамизда мавжуд биноларда сарфланадиган энергия европа стандартлари юзйича пассив ҳисобланадиган биноларга нисбатан энергия сарфи 10 баробар кўп, бу ҳолат кўп қаватли турар-жой биноларида энергияни тежаш потенциали катталигини кўрасатади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. ҚМҚ 2.01.18-2000\* Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари.
2. ШНК 2.08.01-05 “Турар жой бинолари” Тошкент 2006
3. Х.М.Убайдуллаев, М.М.Иногорова “Турар жой ва жамоат бинолари лойиҳалашнинг типологик асослари”, Тошкент. 2009й

## ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

*и.ф.н. Ҳикматов Ҳ. Ҳ. – СамДАҚИ,  
Абилов А. Н. – ГулДУ,*

**Аннотация:** Одним из современных научных методов управления производством является метод сетевого планирования и управления строительством. Календарные планы в виде сетевых графиков являются основным документом в составе проекте организации строительства, для составления сетевых графиков широко применяется сетевой модель для расчета сетевых графиков.

**Калит сўзлар:** АКТ, оптималлаштириш, тўрсимон, Ms Word, Ms Excel.

Основная цель данной статьи оптимизировать планы с применением экономико-математические модели и методы оптимизация чтобы она была достоверными для применены в практике.

Жамият тараққийетидаги барча соҳалар каби қурилиш жараёнида барча режалаштиришлар асосли режалаштирилса кутилаётган натижа самарали бўлади. Объектнинг қурилишдаги дастлабки жараён объектнинг ҳужжатлари расмийлаштиришдан бошланади, бу жараён қурилишнинг тақвимий режасини шакиллантириш орқали бошланади. Бу жараёнда объектнинг қурилишига қанча вақт талаб этилиши, бажариладиган ишларни тури, объектда бажариладиган ишларнинг кетма-кетлиги ва ишнинг ҳажми каби асосий кўрсаткичлар ҳисобга олган ҳолди режалар тузилади.


Бизнинг мақсадимиз тузилган режа асосида қурилаётган объектда фавкулотда ташкилий танаффус, кўзда тутилмаган сарф-ҳаражат, таъминотдаги узулишлар, қурилиш муддатини бузилиши, таннархини ўзгариши каби салбий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш учун режалартиришда, қурилишни бошқаришда илмий асосланган услублардан, яъни иқтисодий-математик усуллар, оптималлаштириш масалаларини, АКТ имкониятларини қўллаш орқали юқоридаги салбий ҳолатларни юзага келишини чеклашдан иборатдир.

Тақвимий режалаштиришда кўп қўлланиладиган тўрсимон тақвимий режа услубида режалаштириш қулайлиги, қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини режалаштиришдаги ҳисоблашларда АКТни имкониятдан фойдаланилиб келинаётганлиги, бизнинг ушбу уринишимизга асос бўла олади.

Услубнинг қатор имкониятлари ўрганилиб чиқилгандан сўнг АҚШда, ҳамда қатор ривожланган мамлакатлардаги йирик қурилишларда тўрсимон тақвимий режалар кенг қўлланилганлиги адабиётлардан маълум. Бу услуб Республикамизга 70 - йилларнинг ўрталарига кириб келган бўлиб, ҳозирда ҳам қўлланилмоқда.



Мақоланинг мақсади оддий бўлсада, режалаштиришдаги статистик ҳисоблаш жараёнларини иқтисодий-математик усуллар, оптималлаштириш масалаларини, АКТ имкониятлари элементларни кўўлаб ҳисоблашни таклиф этишдир. Режалаштиришнинг графиги кўриниши унга ўзгартириш ва тузатишлар киритишлишини осонлаштириш мақсадида Ms Word дастурида чизиб олинади.





1- расм

Ҳисоблаш жараёнларини амалга оширишда ҳисоблашларнинг иқтисодий-математик модели, ҳамда Ms Excel дастури имкониятларидан фойдаланамиз.

Ҳисоблаш жараёнларида иштирок этадиган барча маълумотлар жадвалга киритилиб, киритик йўл, киритик йўлга энг яқин йўл, қийматларнинг MIN, MAX, ўртача қиймати каби барча зарурий маълумотлар қайта ишланиб олинади.

Олинган натижалар бўйича тузилган графикнинг кўриниши 2-расм а) даги кўришишга эга бўлганда, режа истемолчини қониқтирмаса оптималлаштириш усулларида бирини кўўлаб, сўнги в) кўринишдаги графикка эришамиз ва графикнинг ташкил этувчиларидан режа тузишда фойдаланиб в) графикни ҳосил қиламиз.

Графикларнинг таҳлил натижаси бўйича асосий деб олинган тўртта кўрсаткичнинг графиги бир-бирига қанча яқин бўлса, танланган кўрсаткичлар асосида тузилган режани оптимал деб ҳисоблаб, режа тузишдаги маълумотлар яроқли бўла олади.



а) Дастлабки график  
(қийматлар 0-14 орасида)

2-расм в) оптималлашган график  
(қийматлар 4-9 орасида)

Тўрсимон тақвимий режаларни тузишда унинг ўзига хос талабларини барча ҳолатларда ҳисобга олинади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. “Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш”. ЎЗР Давархитектқурилиш. АКАТМ, Тошкент, 2003 й. – 52 бет

2. Афанасьев В.А. Поточная организация строительства. Л. СИ, 1990. -303

с.

### QURILISH UCHUN GRUNTLARNING FIZIK-MEXANIK XOSSALARINI BAHOLASH.

*Savutov Ravshan Erkinovich - UrDU "Qurilish va arxitektura" kafedrasini o'qituvchisi*

Deformatsiyaning har bir bosqichida gruntning holatini, shuningdek bir deformatsiya holatidan boshqasiga o'tish shartlarini bilish katta ahamiyatga ega, chunki bu inshootdan tushadigan bosim ostida gruntning o'zgarishlarini oldindan baholash imkonini beradi. Gruntlarning fizik-mexanik xossalari ularga bino va inshootdan tushadigan tashqi yuk ta'sirida namoyon bo'ladi. Umumiy holda tashqi ta'sir ostida gruntning o'zgarishlari asosan ketma-ket keluvchi, ba'zan o'zaro qo'shib ketuvchi jarayonlardan iborat: a) elastik deformatsiyalanish; b) plastik deformatsiyalanish; c) yemirilish.

Gruntlarning fizik-mexanik xossalari deformatsiyalanish, mustahkamlik va reologik ko'rsatkichlar bo'yicha guruhlariga bo'linadi. Deformatsiyalanish xususiyatlari gruntlarning kritik qiymatga ega bo'lgan, ya'ni buzilishga olib

keldiydigan yuk ta'siri ostida ishlashini xarakterlaydi. Bu xususiyatlarni ikkita juft ko'rsatkichlar bilan ifodalash mumkin: *deformatsiya moduli* va *Puasson koeffisienti* yoki *siljish moduli* va *hajmiy siqilish*[1].

Gruntlarning asosiy mustahkamlik ko'rsatkichi – *siljishga qarshiligidir*. Muhandislik-geologik izlanishlar davomida ko'pincha gruntlarning bir o'q bo'ylab siqilishga qarshiligi aniqlanadi. Grunt massivi mustahkamligining yo'qolishi qovushqoq suyuqliklarning oqishiga o'xshash tarzda ro'y berishi mumkin[3]. Shuning uchun gruntlar uzoq muddat davomidagi kuch ta'sirida plastik deformatsiyalar miqdorini baholash imkonini beruvchi *qovushqoqlik* bilan ham xarakterlanadi. Bunday sekin hosil bo'luvchi deformatsiyalarga asrlar davomidagi cho'kishlar, inshootlarning og'ishi, tirgak devorlarning surilishi, o'pirilishlar, tunnellar qurilishi natijasida yer yuzasi cho'kishining rivojlanishi, yer osti inshootlarida bosimning paydo bo'lishi va boshqalarni misol qilish mumkin.

Gruntlarning deformatsiyalanish xususiyatlarini baholash uchun *deformatsiya moduli*, *yonga kengayish koeffisienti*, *siljish moduli* va *hajmiy siqilish modulidan* foydalaniladi. Ko'pgina tog' jinslari uchun elastiklik moduli va umumiy deformatsiya moduli tashqi bosimning davomiyligi va miqdoriga bog'liq bo'lgan vaqtinchalik ko'rsatkich hisoblanadi[3].

Turli minerallarning elastiklik modullari turlicha bo'lib, korund, pirit, olivine, sirkon kabi minerallarning elastikligi po'latnikiga teng yoki undan yuqoridir. Keyingi o'rinda elastiklik ko'rsatkichi bo'yicha diopsid, epidot, avgit, flyuorit, apatit kabi minerallar turadi. Cho'kinda dispers gruntlar tarkibidagi kvarts, dala shpati, slyuda, kalsit kabi minerallar o'rtacha elastikligi bilan ajralib turadi. Serpentin, gips kabi minerallarning elastikligi esa ancha kichik[2].

Kam g'ovakli gruntlar uchun ularni tashkil etuvchi zarrachalar minerologik tarkibini elastiklikka ta'sirini kuzatish mumkin. *G'ovaklik* yuqori bo'lganda elastiklik jinslarning strukturaviy xususiyatlari bilan aniqlanadi. Minerologik tarkibi jihatidan bir-biriga yaqin, ammo g'ovakligi har xil bo'lgan gruntlarda g'ovaklik oshishi bilan elastiklikning kamayib borishi kuzatiladi. G'ovakligi katta jinslarda elastiklik modulining qiymati to'liq go'vaklik bilan aniqlanadi.

Qoya gruntlarda mustahkamlik va deformatsilanishni belgilovchi asosiy omil-ularning *seryoriqligidir*. Yoriqlarning ko`payishi bilan deformatsiyalanish keskin kamayadi, bunda elastiklik moduli umumiy deformatsiyalanish modulidan ancha katta bo`ladi. Bu holat bosim ta`sirida gruntlarda katta qoldiq deformatsiyalar sodir bo`lishi bilan izohlanadi[5].

*Nurash* qoya gruntlarda mikroyoriqlar payda bo`lishi va ularning kehgayishiga, zarrachalar orasidagi bog`lanishning kamayishiga, shuningdek grunt kimyoviy tarkibining o`zgarishiga olib keladi. Shuning uchun ham mustahkamlik va deformatsiyalanish xususiyatlari nuraganlik darajasiga bog`liqdir.

Qoya gruntlarining mustahkamlik va deformatsiyalanish ko`rsatkichlariga yoriluvchanlikning salbiy ta`sirini sementlash yordamida kamaytirish mumkun. Bunda yoriqlar sementli qorishma bilan to`ldiriladi va u qotgandan keyin gruntning deformatsiyalarga qarshiligini oshiradi. Qoya gruntlarning deformatsiyalanish moduli o`rtacha 1,5 baravarga ortadi. Qatlamli cho`kindi tog` jinslari siqilganda qatlamlarga parallel yo`nalishda ularga perpendikulyar yo`nalishga qaraganda qeformatsiyalanish moduli odatda yuqori. Puasson koeffisienti gruntning bosim ta`sirida deformatsiyalanish jarayonida hajmning o`zgarishi ko`rsatkichi hisoblanadi. Kristallarning Puasson koeffisienti kristall panjara turiga va kristallografik o`qlarga tarkibi, yoriluvchanligi va g`ovakligiga bog`liq. Qoya gruntlarda Puasson koeffisientiga seryoriqlik asosiy ta`sir ko`rsatadi.[4]

Yuk ostida siqilish dispers gruntlar uchun eng asosiy xususiyat bo`lib, zarrachalarning bir- biriga nisbatan siljishi natijasida hajmning kamayishi, zarrachalarning deformatsiyalanishi ro`y beradi. Suvga to`yingan gruntning zichlashishi g`ovaklardagi suvning ajralib chiqishi natijasida sodir bo`ladi, bunda gruntning namligi kamayadi. Gruntlarning yuk ta`sirida siqilishi uzoq davom etuvchi jarayon hisoblanadi. Shuning uchun gruntlarning siqilishini aniqlashda yakuniy deformatsiyaning yukka bog`liqligini xarakterlovchi ko`rsatkichi va vaqt davomida doimiy yuk ta`sirida grunt deformatsiyasining o`zgarish ko`rsatkichlari o`rganiladi.

Dispers gruntlarning siqiluvchanlik ko`rsatkichlari tajribaxonalarda masalani bir tomonlama o`rganish sharoitlarida aniqlanadi. Gruntlarni yonga kengayishini

chegaraliyovchi bunday sinov turiga compression sinov deyiladi. Gruntning compression asbobda sinashda uning diametri o'zgarmaydi[4]. Shuning uchun nisbiy vertikal shakl o'zgarishi nisbiy hajm o'zgarishiga teng bo'ladi. Gruntning zichlashuvi asosan g'ovaklar hajmining kamayishi hisobiga sodir bo'lishi sababli siqilish deformatsiyasi g'ovaklik koeffitsienti qiymatining o'zgarishi orqali, to'liq suvga to'yingan holatda esa namlikning o'zgarishi orqali ham ifodalanadi.

Bog'lanmagan (qumli va yirik zarrali) gruntlarning siqiluvchanligi loyli va lyossimon gruntlanikidan farq qiladi, chunki bir xil yuk ostida ularda hosil bo'luvchi deformatsiyalar har xil xarakterga ega.

Qumlarda bunyod etilgan inshootlarning cho'kishi sezilarli darajada bo'lishi mumkin va qurilish davrida davom etadi. Yirik parchali va qumli gruntlarning siqiluvchanligi qator omillarga bog'liq bo'lib, ulardan asosiylari: minerologik tarkib, gruntning strukturaviy-teksturaviy xususiyatlari, namlik darajasi, bosim qiymati, deformatsiyalanish sharoitlaridir.

Gruntlarning fizik- mexanik xossalari baholash qurilishning har xil turlari uchun muhandislik- geologik ishlarni o'tkazishda muhim ahamiyat kasb etadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

QMQ 2.02.01-98. Bino va inshootlar zaminlari / Davlat Arxitektura qurilish qo'm. Toshkent, 1998-144 b.

Gruntlar. Tasnifnoma 25100-95. O'zRST O'zbekiston Respublikasi arhitektura va qurilish qo'mitasi. Toshkent, 1996y.

Rasulov.H.Z. "Gruntlar mexanikasi, zamin va poydevorlar" Toshkent, "Tafakkur" nashriyoti, 2010. 232 bet.

Цытович.Н.А. Механика грунтов( Краткий курс)."Высшая школа". М.,1970.

Белов А.А. Виды деформационных явлений в горных породах./ А.А. Белов //Актуальные вопросы архитектуры и строительства: материалы четырнадцатой Международной научно-технической конференции. Саранск : Изд-во Мордов. ун-та,2013.-с. 479-482.

## ГАЗ, СУВ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

*Нишанов Ю. (Самдақи), Юсупова М. (Самду, 2-курс  
матфак талабаси), Муродов Р. (Самдақи, 201-мен. талабаси)*

Кўпинча газ, сув ва канализация тармоқларини лойиҳалаштириш масалаларини ечишда (масалан, тармоқни оптимал жойлаштириш жараёнида) уларнинг математик моделини яратиш лозим бўлади. Бунинг учун коммунал хизмат кўрсатилувчи (абонент)лар текисликдаги нуқталар орқали, хизмат кўрсатувчи(объект) эса текисликдаги тўғри чизик орқали ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолда объект абонентларга қулай шаклда жойлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади (яъни объектни абонентларга нисбатан оптимал жойлаштириш керак бўлади).

У ёки бу маънодаги оптимал (бизнинг мисолимизда энг катта масофани минималлаштирувчи) тўғри чизикни яшаш масаласи коммунал хизмат кўрсатишни оптималлаштириш масалалари(масалан, газ, сув ва канализация тармоқларини лойиҳалаштириш, уларнинг жойлашишини оптималлаштириш) дан ташқари, бевосита математиканинг айрим масалаларида ҳам (хусусан, математик статистикада, регрессия тўғри чизикларини яшаш, шунингдек образларни аниқлаш назарияси масалаларини ечишда) қўлланилади [1],[2]. Оптимал тўғри чизик яшаш масалаларининг энг кўп учрайдиганларини санаб ўтамыз:

Изланадиган тўғри чизик узунлигини энг қисқа қилиб танлаш.

Берилган нуқталардан тўғри чизикқача бўлган масофалари йиғиндиси энг кичик бўлган тўғри чизикни танлаш.

Тўғри чизикни берилган нуқталардан унғача бўлган энг катта масофасини минимал қилиб танлаш.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги масалада текисликда берилган  $n$  та нуқталар системаси учун шу нуқталаргача бўлган энг катта масофани минималлаштирувчи тўғри чизикни жойлаштириш (танлаш)

муаммоси қаралади, ҳамда сўралаётган оптимал тўғри чизикни яшашнинг зарурий шартлари келтирилади.

$X=(x_1, x_2, \dots, x_n)$  – текисликдаги нуқталар тўплами,  $l$ -шу текисликдаги тўғри чизик,  $r(x, l)$  эса  $x_i$  нуқтадан  $l$  тўғри чизикқача бўлган масофа бўлсин.

**1-таъриф.** Агар  $l_0$  тўғри чизик  $\max r(x, l)$  ни минималлаштиради, у оптимал тўғри чизик деб аталади.

Ҳар бир  $l$  тўғри чизик  $X$  нуқталар тўпламини қуйидаги 3 хил тўплагга бўлади:  $X_0(l)$ ,  $X_1(l)$  ва  $X_2(l)$ . Бу ерда  $X_0(l)$ -  $l$  тўғри чизик устида ётувчи нуқталар тўплами,  $X_1(l)$  ва  $X_2(l)$  –  $l$  тўғри чизикнинг турли томонларида ётувчи нуқталардан ташкил топган тўплаглар.

**2-таъриф.**  $r(x_0, l) = \max r(x, l)$  тенгликни қаноатлантирувчи  $x_0 \in X$  нуқта  $l$  тўғри чизикдан максимал узоклашган нуқта деб аталади.

$l$  тўғри чизикдан максимал узоклашган нуқталар тўпламини  $X_m(l)$  билан белгилаймиз.

**1-лемма.**  $z_{ij}$  нуқта  $x_i \in X$  ва  $x_j \in X$  нуқталардан ташкил топган  $[x_i, x_j]$  кесманинг ўртаси,  $l$  эса бу кесмани кесиб ўтувчи тўғри чизик бўлса,

$z_{ij} \in l$  бўлганда  $r(x_i, l) = r(x_j, l)$  бўлади;  $x_i$  ва  $z_{ij}$  нуқталар  $l$  тўғри чизикнинг турли томонларида бўлса,  $p(x_i, l) < p(x_j, l)$  бўлади.

**Исбот.**  $z_{ij}$  нуқта  $[x_i, x_j]$  кесманинг ўртасида бўлса,  $z_{ij} \in l$  бўлганда  $r(x_i, l) = r(x_j, l)$  бўлиши табиий, акс ҳолда бу нуқта кесманинг ўртаси бўла олмайди. Агарда  $x_i$  ва  $z_{ij}$  нуқталар  $l$  тўғри чизикнинг турли томонларида бўлса,  $r(x_i, l) < r(x_j, z_{ij}) + r(z_{ij}, l) = r(x_j, l)$  бўлади.

**2-лемма.**  $l_0$  оптимал тўғри чизикнинг ҳар иккала томонида ҳам камида биттадан  $X_m(l_0)$  тўплагга тегишли нуқталар мавжуддир.

**Исбот.** Фараз қилайлик,  $l_0$  оптимал тўғри чизикнинг бир томонида  $X_m(l_0)$  тўплагга тегишли нуқталар мавжуд бўлмасин, ҳамда  $X_m(l_0)$  га тегишли барча нуқталар  $X_1(l_0)$  га тегишли бўлсин. У ҳолда  $l_0$  тўғри чизикни  $X_1(l_0)$  га тегишли бўлган нуқталар тарафга силжитиш ёрдамида шундай  $l_1$  тўғри чизик топиладикки, у  $\max p(x, l)$  ни минималлаштиради, бу эса мумкин эмас.

**3- лемма.** Агар  $l_0$ - оптимал тўғри чизик бўлиб,  $x_i, x_j \in X_m(l_0)$  нуқталар  $l_0$  оптимал тўғри чизикнинг турли томонларида ётса,  $z_{ij}$  нуқта  $l_0$  устида ётади.

**Исбот.** Тескарисини фараз қилайлик, яъни  $z_{ij}$  нуқта  $l_0$  устида ётмай,  $x_j$  нуқта билан  $l_0$  оптимал тўғри чизикнинг бир томонида ётсин. У ҳолда 1-леммага кўра,  $r(x_i, l) < r(x_j, l)$  бўларди. Шу сабабли,  $z_{ij}$  нуқта  $l_0$  устида ётади.

**3-таъриф.**  $Z_i = (z_{ij} / j=1, 2, \dots, n; j \neq i)$  тўпламини  $x_i \in X$  нуқта учун қавариқ қобик деб атаёмиз.

$\gamma_i$  билан шу қавариқ қобикнинг чегарасини белгилаймиз. Маълумки, ҳар қандай икки  $Z_i$  ва  $Z_j$  қавариқ қобиклар умумий нуқтага эга бўлади.

**4-таъриф.** Агар  $Z_i$  ва  $Z_j$  қавариқ қобиклар фақат чегаралари билан кесишса, улар уринувчи қавариқ қобиклар дейилади.

**5-таъриф.** Агар  $l$  тўғри чизик уринувчи  $Z_i$  ва  $Z_j$  қавариқ қобиклар учун умумий чегаравий тўғри чизик бўлиб, бу қавариқ қобиклар унинг турли томонида ётсалар, у ажратувчи тўғри чизик дейилади.

**4-лемма.** Агар  $Z_i$  ва  $Z_j$  қавариқ қобиклар уринувчи бўлсалар, уларни ажратувчи ҳар қандай  $l$  тўғри чизик учун  $x_i, x_j \in X_m(l)$  бўлади.

**Исбот.**  $z_{ij} \in Z_i \cap Z_j$  бўлгани учун, 2-леммага асосан  $z_{ij}$  нуқта  $l$  тўғри чизик устида ётади ва 1-леммага кўра  $r(x_i, s) = r(x_j, s)$ . Фараз қилайлик,  $x_i \in X_1(l)$ ,  $x_j \in X_2(l)$  бўлсин.  $X_0$  га тегишли нуқталарни текшириб ўтириш шарт эмас.  $l$  тўғри чизикнинг танланиши ва 1-леммага кўра, ҳар қандай  $x \in X_1(l)$  учун  $r(x, l) \leq r(x_j, l)$  бўлади. Худди шундай ҳар қандай  $x \in X_2(l)$  учун  $r(x, l) \leq r(x_i, l)$  бўлади. Энди биронта  $x_k \in X_1(l)$  учун  $r(x_k, l) > r(x_j, l)$  бўлса, ёки  $Z_i$  ва  $Z_j$  уринувчи бўлмайди, ёки  $l$  тўғри чизик ажратувчи бўла олмайди. Шу сабабли,  $x_i, x_j \in X_m(l)$  бўлади.

**5-лемма.** Агар  $l$  тўғри чизик учун  $x_i, x_j \in X_m(l)$  ва  $x_i$  билан  $x_j$  нуқталар  $l$  тўғри чизикнинг турли томонларида ётса,  $l$  тўғри чизик  $Z_i$  ва  $Z_j$  учун ажратувчи бўлади.

**Исбот.** Умумийликни йўқотмасдан тескарисини фараз қилайлик, яъни  $l$  тўғри чизик  $Z_j$  ни кесиб ўтсин. У ҳолда камида битта шундай  $z_{jk}$  ( $[x_j, x_k]$  кесманинг ўртаси) нуқта топиладики,  $z_{jk}$  ва  $x_j$  нуқталар  $l$  тўғри чизикнинг



турли томонларида ётади. 1-леммага асосан  $p(x_k, l) > p(x_j, l)$  бўлади, бу ерда  $x_k \in X$  шундай нуқтаки,  $z_{jk}$  нуқта  $[x_j, x_k]$  нинг ўртаси бўлади. Демак,  $z_{jk}$  нуқта  $X_m(s)$  га тегишли эмас ва фаразимиз қарама-қаршилиikka олиб келди.  $l$  тўғри чизикнинг  $Z_i$  ни кесиб ўтмаслиги ҳам худди шундай исботланади. Шу сабабли,  $l$  – ажратувчи тўғри чизикдир.

**6-лемма.** Агар  $l_0$ -оптимал тўғри чизик бўлса, шундай  $x_j \in X_m(l)$  нуқта мавжуд бўладики,  $l_0$  тўғри чизик  $\gamma_j$  га тегишли қиррага эга бўлади.

**Исбот.** 2-леммага кўра,  $l_0$  нинг турли томонларида ётувчи иккита  $x_i, x_j \in X_m(l_0)$  нуқталар мавжуд бўлади. 3-леммага асосан эса,  $z_{ij} \in l_0$ . У ҳолда 5-леммага кўра,  $l_0$  тўғри чизик  $Z_i$  ва  $Z_j$  лар учун ажратувчи бўлади. Агар  $l_0$  тўғри чизик  $\gamma_i \cup \gamma_j$  га тегишли қиррага эга бўлмаса,  $l_0$  ни  $z_{ij}$  нуқта атрофида шундай бурамызки,  $x_i$  ва  $x_j$  нуқталардан  $l_0$  гача бўлган масофалар қатъий камаядилар (бу нарса ҳамма вақт ўринлидир). Бу буришни то  $\gamma_i \cup \gamma_j$  га тегишли биронта кесманинг ўртаси  $z_{ks}$  га урингунгача давом эттирамиз. Натижада шундай янги  $l$  тўғри чизик топамизки,  $r(x_j, l) < r(x_j, l_0)$  бўлади.  $l$  тўғри чизик 4-лемма шартини қаноатлантиргани учун,  $x_i, x_j \in X_m(l)$  ва ҳар қандай  $x_0 \in X \setminus \{x_i, x_j\}$  учун  $r(x_0, l) \leq r(x_j, l) \leq r(x_j, l_0)$  тенгсизлик ўринли бўлади. Натижада қарама-қаршилиikka келдик ва  $l_0$  тўғри чизик  $\gamma_i \cup \gamma_j$  га тегишли қиррага эга бўлади.

**Теорема.** Агар  $l_0$  оптимал тўғри чизик бўлса, у ҳарқандай  $Z_i$  ва  $Z_j$  уринувчи қавариқ қобикларни ажратувчи бўлади ва  $\gamma_i \cup \gamma_j$  га тегишли бўлган, ҳамда  $z_{ij}$  нуқтага тегиб турувчи тўртта қиррадан камида биттасини ўз ичига олади.

### Адабиётлар

1. Draper N.R., Smith H. Jr., Applied Regression Analysis, Wiley, New York, 1966.
2. Джонсон Н., Лион Ф. Статистика и планирование эксперимента в технике и науке. Методы обработки данных. М., «Мир», 1980.

## FOSFOGIPS CHIQINDILARINI QAYTA ISHLASH JARAYONI

*SamDAQI QMB va KICH kafedrası dotsenti, t.f.n: Bo'riboev SH.A.  
QMB va KICH kafedrası dotsenti v.b. t.f.n: Baxriyev H.F.  
201- QMB va KICH magistranti Zoirov Z.O.*

Devorbop materiallar (g'isht, tosh va bloklar) istemoli bino va inshootlar barpo etish yalpi hajmining uchdan bir qismini tashkil qiladi, shu jumladan hammamiz uchun eng ishtiyoqli bo'lgan pishiq sopol g'isht ishlab chiqarish jarayonida yoki qurilishimizda sarflanuvchi ko'plab material va qurilmalar tashkiliy qismi bo'lgan portlandsement ishlab chiqarishga **ulkan miqdorda energiya resurslarini sarflash talab etiladi.**

**Tanlangan mavzuning asosiy maqsadi** devorbop materiallar ishlab chiqarishni energiya resurslar sarfi nuqtai nazaridan o'rgangan holda, zamonaviy, mahalliy xom ashyo resurslar asosida energiya tejankor turlarni tavsiya etish va ilmiy asoslab berishdan iborat.

O'tkazilgan ilmiy izlanishlar va ma'lumotlar tahliliga asosan yuqorida keltirilgan dolzarb vazifalarni hal qilishda devorbop materiallar sifatida gips asosli tosh bloklardan, yoki sanoat chiqindisi bo'lgan fosfogips xom ashyosidan foydalanish **80 % gacha energiya samarador bo'lishi aniqlandi.**

Ilmiy tadqiqotlarimiz oldiga qo'yilgan asosiy masalalar yechimi sifatida gips asosli bog'lovchi moddalar va ular asosida devorbop bloklar ishlab chiqarish muammolarini hal qilish maqsad qilib qo'yildi.

Boyitilgan apatit xom ashyo konsentrati tarkibida fosfor oksidi  $P_2O_5$  miqdori (quruq modda sifatida hisoblanganda) 39 % gacha tashkil qiladi. Bu xom ashyoni fosfor oltingugurt ayrim hollarda azot kislotasi bilan ishlov berilganda fosfor ekstrati olinadi. Shu jarayonda ko'p miqdorda ikkilamchi mahsulot bo'lgan fosfogips qoldig'i ham ajralib chiqadi. Yaqin yillarda fosfogips chiqindisining 500 min. tonnadan ortiq tashlandisi to'planib, qayta ishlash vaqtini kutib yotibdi.

Fosfogips chiqindisining asosini tashkil qiluvchi modda  $CaSO_4$  birikmasi bo'lib, uning miqdori massaga nisbatan 94 % ni tashkil etadi. Agar biz bu ashyoni GOCT 513-82 talablariga asosan tahlil qiladigan bo'lsak, u I navli gips xom ashyosi

guruhiga tenglashuvini ko'ramiz. Biroq tabiiy gips toshiga nisbatan fosfogips chiqindisi tarkibida foydalanishga monelik qiluvchi unsurlar mavjud, qaysikim bu qimmatbaho mahsulotni qurilish materiallari sanoatida qo'llashni to'tatib turibdi.

Odatda fosfogips ishlab chiqarish jarayoning ikkilamchi mahsuloti bo'lib, kukunsimon sifatda ajralib chiqadi, suvda eruvchanligi 0.2 % dan ortmaydi, suvda deyarli erimaydi deyiladi, biroq fosfogips tarkibidagi zararli unsurlar suvda eruvchan bo'ladi, masalan yangi ajralib chiqadigan fosfogips tarkibida 0.5...1.5 % gacha suvda eriydigan fosfor odsidi  $P_2O_5$ , 0.3...0.4 % gidrofosfat ioni  $((HP)O_4)$ , va 1 % gacha ftor birikmalari qoldig'i bo'ladi, qaysikim amalda qo'llanishdan oldin neytrallanishi lozim bo'ladi. Buning uchun fosfogips chiqindisi amalda qo'llanilishidan oldin ohakli suv eritmasida yuvilib ishlov berilsa, tarkibidagi zararli kimyoviy unsurlar neytral holatga o'tadi yoki ohakli suvda erib yuvilib ketadi deb takidlanadi.

Yuqorida keltirilgan maqsad va ilmiy gipotezani amalga oshirish maqsadida Samarqand kimyo zavodi Superfosfat mineral o'g'itlar ishlab chiqarish sexi chiqindilar otvalida sobiq ittifoq davrida ishlab chiqarilgan va ko'plab maydonlarni egallab yotgan fosfogips chiqindisi tanlandi. Ushbu xom ashyo ko'p yillardan buyon zavod chiqindilar otvalida saqlanishiga qaramasdan tarkibida suvda eruvchi, termik ishlov berilganda va tegirmonda tortilganda zararli gazli-fosfor vodorodi va fosfor unsurlari ajralib chiqishi aniqlandi.

Tadqiqotlarimiz oldiga qo'ygan rejalarni amalga oshirish maqsadida bu xom ashyo tarkibidagi zararli unsurlarni tegirmonda tortish davrida neytrallash, suvda erimaydigan, gazlanmaydigan neytral birikmalarga aylantirish vazifasi qo'yildi. Ilmiy izlanishlar va xuddi shu turdagi sanoat ishlab chiqarishi chiqindilarini tahlil qilish jarayonida Qoraqalpog'iston Qo'ng'iro't soda zavodining ishqorli quruq chiqindilarga duch keldik. Bu sanoat chiqindisi kalsiylangan soda, natriy bikarbonat (oziq ovqat sodasi) va kaustik soda ishlab chiqarishning ikkilamchi mahsuloti bo'lib, tarkibi 93 % gacha aktiv so'ndirilmagan ohak birikmalaridan iborat bo'ladi. Ko'plab ilmiy adabiyotlarda bu ikkilamchi mahsulot sement sanoatida xom ashyo, yoki qo'shimcha unsur sifatida qo'llanishi keltiriladi. Biroq biz o'z ilmiy

tadqiqotlarimizda bu unsurning fosfogips bilan birgalikda qanday fizik kimyoviy fazilatlar namoyon etishini o'rganishga qaror qildik.

Tajriba izlanishlar oldiga quyidagi maqsadlar qo'yildi:

1. Samarqand kimyo zavodi fosfogips chiqindisi tarkibidagi ftorli vodorod va fosfin zararli gazlarini Qo'ng'irotda soda zavodi quruq ishqorli qoldiqlari bilan tegirmonda tortish jarayonida neytrallash masalasi.

2. Keltirilgan tajribani amalga oshirish maqsadida Samarqand kimyo zavodi chiqindisi otvali tahlil qilinib, ko'p yillik saqlanib yotgan zaxiraning turli qatlamlaridan fosfogips namunalari keltirildi. Shu jumladan Qo'ng'irotda soda zavodi quruq ishqorli chiqindilari turkumidan ma'lum miqdordagi namunalar olib keltirildi. Bu komponentlar kimyoviy tarkiblari o'rganilib, oksidlar formasida jadvallarda keltirildi.

3. Ilmiy tadqiqotlar uslubiyati. Fosfogips tarkibidagi zararli gazsimon zararli gazlarni neytrallash amallari oldindan rejalashtirilgan, xalqaro tan olingan, uslubiyat qabul qilindi. Ftorli vodorot gazining xavfli miqdorini tutish va aniqlash polietilen qopchiq ichiga solingan 3 % li karbonat kalsiy va gletsirinning 15 % li eritmasidan foydalaniladi. Ftorli vodorot miqdorini aniqlashning bu uslubi quyidagi me'yoriy hujjatlarga asoslanadi.

Tajribalar jarayoni SamDAQI №5 mintaqaviy sinov tadqiqotlar laboratoriyasining ma'danlarni yanchish va tegirmonlar bo'linmasida, yopiq binoda o'tkazildi. Maqsad, fosfogips tegirmonda tortilganda zararli ftor vodorod yoki fosforli vodorod gazlari ajralib chiqishi va fosfogips ashyosini quruq ishqorli komponent bilan ma'lum miqdorda aralashtirilib tegirmonda tortilganda, laboratoriya mikroiklimi va namunalarda qanday o'zgarishlar sodir bo'lishini kuzatishdan iborat bo'ldi.

Havoda yoki jismlar tarkibidagi fosforli vodorod miqdorini aniqlash uslubi, bu gazning kaliyli pemanganat eritmasida oksidlanish natijasida fosfor kislotasiga aylanishi va uning konsentratsiya miqdorini fosformolibden kompleksi vositasida aniqlashga asoslanadi.

**Tadqiqotlar laboratoriya ish joyida, ashyolarni quritish jarayonida, ularni tegirmonga solib tortish jarayonida va namunalardan har yarim soat intervalida olinadi**

<b>Tarkib tashkil qiluvchi unsurlar, %</b>	<b>Tahlil o'рни va namuna olingan davr</b>	<b>Fosforli vodorodga (PH<sub>3</sub>)-tahlil natijasi, ikki parallel qatlamdan namuna, mg/m<sup>3</sup></b>	<b>Ftorli vodorodga (HF)-tahlil natijasi, ikki parallel qatlamdan namuna, mg/m<sup>3</sup></b>
Otval fosfogipsi, 1 qatlam kvartovkasi, 100	Tegirmonga joylash	0,01	0.07
	30 min. maydalangan so'ng	0.09	0.09
	60 min. maydalangan so'ng	0.093	0.097
	Tegirmondan bo'shatish davri	0.28	0.135
Otval fosfogipsi, 2 qatlam kvartovkasi, 100	Tegirmonga joylash	0.01	0.09
	30 min. maydalangan so'ng	0.103	0.094
	60 min. maydalangan so'ng	0.098	0.088
	Tegirmondan bo'shatish davri	0.13	0.099
Otval fosfogipsi, 3 qatlam kvartovkasi, 100	Tegirmonga joylash	0.01	0.056
	30 min. maydalangan so'ng	0.103	0.096
	60 min. maydalangan so'ng	0.098	0.096
	Tegirmondan bo'shatish davri	0.13	0.097
Otval fosfogipsi, 3 qatlam kvartovkasi, 95 Quruq ishqorli qo'shimcha, 5	Tegirmonga joylas	0.01	0.00
	30 min. maydalangan so'ng	0.01	0.00
	60 min. maydalangan so'ng	0.017	0.00
	Tegirmondan bo'shatish davri	0.02	0.00
Otval fosfogipsi, 3 qatlam kvartovkasi, 90 Quruq ishqorli qo'shimcha, 10	Tegirmonga joylash	0.01	0.00
	30 min. maydalangan so'ng	0.01	0.00
	60 min. maydalangan	0.01	0.00

	so'ng		
	Tegirmondan bo'shatish davri	0.015	0.00
Otval fosfogipsi, 3 qatlam kvartovkasi, 85 Quruq ishqorli qo'shimcha, 15	Tegirmonga joylash	0.00	0.00
	30 min. maydalangan so'ng	0.00	0.00
	60 min. maydalangan so'ng	0.00	0.00
	Tegirmondan bo'shatish davri	0.00	0.00

**Izoh:**

- Ftorli vodorod (HF) - gazining atmosfera havosidagi ruxrat etilgan konsentratsiya chegarasi (ПДК) - 0,05 mg/m<sup>3</sup>;

- Fosforli vodorod (PH<sub>3</sub>) - gazining atmosfera havosidagi ruxrat etilgan konsentratsiya chegarasi (ПДК) - 0,1 mg/m<sup>3</sup>.

**XULOSA**

1. O'tkazilgan tajriba tadqiqotlarimiz natijalariga asosan Samarqand kimyo zavodi chiqindilar otvalida ko'p yillardan buyon saqlanib kelgan fosfogips ashyosining turli qatlamlaridan olingan namunalar tarkibida, qatlamlarga chuqurlashib borilgan sari ularga ishlov berish jarayonida oz miqdorda bo'lsada ftorli vodorod va fosforli vodorod gazlarining ajralib chiqishi aniqlandi.

2. Saqlanmaning chuqur qatlamlarida tarkib o'zgarishlari deyarli sodir bo'lmaganligi kuzatiladi, zararli gazlarning ruxsat etilgan konsentratsiyasi chegarasi 2 martagacha ortiq;

3. Asosiy tadqiqotlar 3 qatlam (2 metrgacha chuqurlikdan olingan) namunalarda olib borildi. Bu fosfogips tarkibiga 5 % gacha quruq ishqorli qo'shimcha qo'shib quritish jarayonidayoq zararli gazlar miqdori ruxsat etilgan konsentratsiya chegarasiga ega bo'lganligi kuzatilib, aralashma tegirmonda tortilganda gazlar neytrallashtirilganligi kuzatildi.

4. Quruq ishqorli qo'shimcha miqdori 15 % ga oshirilganda tajribalar laboratoriyasi havosida va tegirmon changi havosida zararli gazlar konsentratsiyasi kuzatilmaganligi aniqlandi.

5. O'tkazilgan takroriy tajriba tadqiqotlarga asoslanib Qo'ng'iro't soda zavodi quruq ishqorli qo'shimchasini fosfogips chiqindilari bilan termik ishlov berish, tegirmonda tortish jarayonlarida 10...15 % gacha qo'shib foydalanishni tavsiya etiladi.

#### **ADABIYOTLAR:**

1. Ивочкина М.А. Изучение техногенных отложений в отвалах фосфогипса при переработке исходного формирования свойств сырья различных месторождений, <http://www.ivdon.ru/magazine/archive/ny2013/1535>.

2. Касимов А.М., Леонова О.Е., Кононов Ю.А. Утилизация фосфогипса: получение гипсовых вяжущих [Электронный ресурс]-[http://www.newchemistry.ru/printletter.phpn\\_id=2861](http://www.newchemistry.ru/printletter.phpn_id=2861).

3. Апатитовый и нефелиновый концентрат: минеральная база, перспективы [Электронный ресурс]. URL: [http://www.newchemistry.ru/printletter.phpn\\_id=2410](http://www.newchemistry.ru/printletter.phpn_id=2410) (доступ свободный)- Загл.с экрана. - Яз. рус.

4. Методические указания по определению содержания фторида водорода в атмосферном воздухе с отбором проб на пленочной адсорбенте РД52.04.55-85. Госкомгидрометрология природной среды. Ленинград 1986 г.

5. ГОСТ 14022-88 Водород фтористый безводный. Технические условия [files.stroyinf.ru /Data 2/1/4294837/4294837374. htm](http://files.stroyinf.ru/Data/2/1/4294837/4294837374.htm).

6. Методические указания на фотометрическое определение фосфористого водорода в воздухе, Минздрав России, М.:ЦРИА, «Морфлот», 1981 г.

## СУВ МУЛОЖАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИМОРАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТУРЛАРИ

*Уралов Акбарали, катта ўқитувчи( СамДАҚИ)  
Уралов Акмал Акбаралиевич  
II-босқич магистранти , СамДАҚИ*

Инсон учун сувнинг қадри энг қадимий вақтлардан бошлаб ҳаёт манбаи сифатида, организмни тоза ва соғлом тутувчи, ҳар хил иллатлардан сақловчи шифобахш-гигиеник омил сифатида маълум эди. Шунингдек, сувдан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва саноат мақсадларида, шаҳар, жамоат ва тураржой биноларини санитариа-гигиена жиҳатдан тоза сақлашда қулай восита сифатида фойдаланилган. Шунинг учун ҳам кишилар ҳамيشа ва ҳамма ерда кўп миқдорда сув запасига эга бўлишга ҳаракат қилганлар.

Айниқса қадимги римликлар ўз шаҳрининг сув билан таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатганлар. Бу борада дунёга машҳур бўлган Рим “терм”ларини, шунингдек йирик сув тармоқларини, мураккаб осма қувурлар-акведукларни эслаш кифоя. Жумладан, кухна Рим шаҳри милоддан юз йил аввал етти чашма ва умумий узунлиги 443 километр келадиган 9 акведук орқали сув билан таъминланган, бир кунда ҳар бир аҳоли жон бошига 1000 литр сув тўғри келган[1].

Маълумки, ўрта асрларда шаҳар аҳолисининг сувга бўлган талабини қондиришда қадимий римликлар давридаги сингари етарли шароитлар бўлмаган. Бироқ XI аср бошларига келиб, турар-жойларни сув билан таъминлашга катта эътибор берилган бошлаган[1].

Қадим замонлардан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳамма жойда кенг тарқалган шаклларида бири инсон шахсий гигиенаси ва саломатлигини сақлаш учун мўлжалланган махсус иншоотларни қуришдан иборат бўлган. Чумилиш ва шунғиш ҳовузлари, шифобахш ҳаммомлар, душ ва ванналар, буғхоналар, гигиена ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш заллари ва бошқа, гигиена ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш заллари ва



бошқа турли хил бальнеодаво муассасалари ўтмишда шундай иншоотлар туркумига кирган.

Халқнинг шундай шифобахш-соғломлаштирувчи сув омилларидан фойдаланишида маҳаллий жойнинг табиий-иқлим шароитлари ҳам катта роль ўйнаган. Чунки инсон организмнинг ана шундай шифобахш-гигиеник омилларга муҳтожлиги иқлим шароитларига кўра турлича бўлган. Жумладан, иссиқ ўлкаларда, йилнинг кўп қисми мобайнида ташқи ҳаво ҳарорати инсон организмга ноқулай таъсир кўрсатади; киши терлайди, бадани исиб кетади, терисига чанглар ўтириб тез кирланади. Бундай шароитларда киши кўпроқ совуқ сувга чумилишига эҳтиёж сезади, совуқ иқлимли ўлкаларда эса аксинча. Бу умумий қонуният бир-биридан тубдан фарқ қилувчи ҳар хил иқлимли ўлкалар учун махсус типдаги соғломлаштириш биноларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнаган[2]. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан бошлаб иссиқ иқлимли ўлкаларда чўмилишда очиқ ҳовузлар, ҳаммомлар чашма булоқлар, совуқ сувли душлар ва ванналардан фойдаланилган. Кейинчалик антик ва ўрта асирларга келиб ҳарорати ва намлиги ҳар хил бўлган рим ва турк типларидаги ҳаммомлар пайдо бўла бошлаган. Албатта бу ерда ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ҳам эътиборга олинган.

Иқлими совуқ ва ўрта ўлкаларда илгаридан маҳалла халқ учун мўлжалланган унча катта бўлмаган нам буғли рус ва қуруқ буғли фин ҳаммомлари-“сауна” лар қуришга асосланган [1].

Бу бинолар ҳамма минтақаларда бир мақсад учун халқнинг гигиеник ва шифобахш-соғломлаштириш функцияларини бажариш учун мўлжалланган. Лекин мана шу функцияларнинг бажарилишидаги технологик жараёнлар ҳар хил типдаги биноларда бир-биридан фарқ қилиб, биринчи навбатда жойнинг табиий- иқлим шароитларига боғлиқ бўлган. Шуниси қизиқарлики, тарих жараёнида мўтаъдил географик кенгликда ётган иқлимли ўлкаларда халқ ҳаммомларнинг алоҳида тури пайдо бўлмаган [2]. Бундай табиий иқлим “бетараф” лиги сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб, биз иқлим шароитларда тубдан фарқ қилувчи шимолий ва жанубий минтақаларда соғломлаштириш, хусусан ҳаммом биноларнинг алоҳида типлари пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин. Энди биз иқлимнинг шундай бинолар архитектурасининг типологик хусусиятларига таъсирини изоҳлаб беришига қисқа тўхтаб ўтамиз.

XIX аср ўрталарида ҳозирги Россия худудининг шимолий шарқий қисмида ва шимолий шарқий Кавказда энг кўп тарқалаган соғломлаштириш бинолари, жумладан рус ҳамда фин ҳаммомлари ёҳоч ёки ғиштлардан ишланган унча катта бўлмаган уйлардан иборат бўлиб, умумий ўлчовлари ўрта ҳисобда 4х6 ёки 3х6 метр чамасида бўлган.

Шарқ мамлакатларида, хусусан Ўрта Осиё ва Закавказьеда кенг тарқалган Шарқ ҳаммомлари асосан пишиқ ғишт ёки харсанг тошдан қурилган, умумий ўлчови 15х25 метр дан то 25х55 метргача бўлган[2].

Шунингдек, антик даврларда Ўрта денгизнинг шимолий худудларида жойлашган Рим термларининг умумий ўлчовлари 70х76 метрдан то 377х377.7 метргача етган [3].

Асосий белгилар	Туркча тип	Русча тип	Финча тип	Японча тип
Хоналар сони	4-5	2-3	1-2	1
Хоналар номи	Ечиниш Хонаси, Лунги хона, илиқ ювиниш хонаси, Иссиқ хона, Массаж хонаси	Ечиниш хонаси, Ювиниш хонаси, Буғланиш хонаси	Ечиниш хонаси, Буғланиш хонаси- саун	Ваннахона
Пландаги умумий ўлчамлар	15х25м дан 25х55 м гача	3х5м дан 4х6мгача	2.5х2.5мдан 4х6мгача	R=0.35

Тарих жараёнида ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг кўп мартабалаб ўзгаришга қарамай, рус, фин, Шарқ ва япон халқ ҳаммомларидаги фарқлар бизнинг давримизга қадар асосан сақланиб қолган. (жадвал)[1].

Ҳар хил табиий-иқлим шароитларда халқнинг шифобахш-гигиеник тадбирлари ҳам ўзгача бўлган. Масалан, япон миллий уй ҳаммоми “фуро” га тушишни истаган киши аввал дастшўйда яхшилаб ювиниб, кейин фуродаги сувга буйнигача кириб утирган. Фуро ташқи кўринишидан оддий ёғоч

бочкани эслатиб, унга 45 даражагача иситилган сув тўлдирилган. Иссиқ сувда киши тиззаларини йиғиштирган ҳолда ўтириб, аввал танани юмшатган, 10-15 минут давомида терга ботиб, кейин бочкадан чиқгач чойшабга ўралиб дам олган ва терлаб ётган [4].

Ўлчовлари бўйича катта бўлмаган рус ва фин ҳаммомларида умуртқани қайин шипирги билан буғда массаж қилиш, баданни қайин суримида мойлаш ва бошқа шифобахш-гигиеник тадбирлар одатда битта хонада бажарилган.

Иссиқ иқлимли Шарқ мамлакатларидаги ҳаммомларда чўмилиш муолажалари алоҳида хоналарида бажарилган. Бу албатта иқлим шароитлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Шунингдек, бу ҳолни иссиқ иқлимли малаклар халқлари тараққиётидаги миллий-маданий урф-одатлар ва турмуш шароитларига боғлаб ҳам тушунтирса бўлади.

Дарҳақиқат, юқорида баён қилинган фикрлар турли мамлакатларда тарихан ташкил топган соғломлаштириш ва сув муолажаларига мўлжалланган биноларининг типологик хусусиятларига, жумладан ҳаммом биноларига табиий-иқлим шароитлари ва шифобахш-гигиеник воситаларнинг таъсири борлигидан далолат беради.

### **Адабиётлар**

1. Уралов А.С. Бани-хамам в зодчестве Центральной Азии. Изд. СамГУ. Самарқанд, 2002. 105 с.
2. Уралов А. Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар. -Т.: "Фан", 1990
3. Куякина А.Н. Современные тенденции формирования архитектуры банных комплексов. / Известия ВУЗов. Архитектура. 2006.
4. Галицкий А.В. Шедрый жар. М.,

## ЗАМОНАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИ ИНДУСТРИЯСИ ВА АРХИТЕКТУРАСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

*Уралов Акмал Акбаралиевич , II-босқич магистранти ,  
Уралов Акбарали, катта ўқитувчи( СамДАҚИ)*

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда, мамлакатимиз учун янги бўлган замонавий соғломлаштириш индустрияси йўналишлари тадбиқ этилмоқда - “спа “ (spa) ва “велнес” (wellness). Мазкур концепциялар аҳолининг бўш вақтини самарали ўтказиш ва соғломлаштириш соҳасидаги талабларга жавоб бериб, юзага келган муаммолар ва архитектуравий тадқиқот учун қизиқиш уйғотиб, бундай объектларни лойиҳалаштиришда алоҳида ёндашувчи талаб этади. Аммо, ҳозирги кунда, Ўзбекистонда, “спа”-комплекслар ва “велнес” -марказлари яратилиши ҳақидаги масалалар долзарблигига қарамай, спа-маданият ва велнес-фалсафасининг нималиги ҳақидаги аниқ тушунчалар мавжуд эмас[19].

Замонавий тушунчада , СПА - бу ҳам минерал бальнеодаво манбаи, ҳам соғломлаштириш маркази, хаттоки, гидромассажли бассейн ҳамдир.

“Велнес” эса ўз навбатида, яхши соғлиқ, юқори ҳаётий тонус, ҳаракатчанликдир. Умуман олганда, кўплаб талқинларга қарамай, спа ва велнес концепциялари нафақат жисмоний, балки эмоционал, маънавий, ижтимоий, соғлиқ ҳам демакдир. Спа ёки велнес ҳаёт услуби, асосий мақсади, ўзи учун дунёни қайта очиш ва маънавий баркамоллик ҳамда ҳаётни янада гўзал тарзда ташкиллаштириш демакдир.

Сув-соғломлаштириш иншоотларининг лойиҳалаштирилиши ва қурилишида, мазкур концепциялар, ландшафт дизайнига, бинонинг ташқи кўринишига, шаклланиши, ички фазовий майдонининг ташкиллаштирилишига бевосита таъсир ўтказади. Спакомплекслари ва велнес марказларининг шаклланишидаги ўзига хосликларни аниқлаш учун, биз қуйидаги 3 тоифада лойиҳалаштириш ва қурилишни Россия ва чет эл тажрибасидан олинган мисолларда кўриб чиқамиз: функционал-режа-

лаштириш схемалари, интерьер ечимлари ҳамда ўзаро боғлиқ жиҳатлар, яъни технологик жараён.

ESPA-дунёда етакчи инглиз консалтинг компанияси иштирокидаги Спа-комплекслар таҳлили давомида, уларнинг максимал хизмат турлари миқдори ва минимал миқдордаги хоналар сони аниқланган[6]. Хоналар-нинг асосий функционал вазифалари соғломлаштириш бўлиб, улар ўз ичига муолажа хоналарини олади, уларнинг миқдори комплекснинг умумий сифимидан келиб чиқади, шу билан биргаликда гўзаллик хоналарига хос бўлган хоналар ҳам мавжуд бўлиб, ёпиқ ва очик рекреация майдончалари, релакция хоналари, дам олиш хоналари, турли бассейеларга эга бўлган иссиқ ва совуқ сув ҳаммомлари ҳам мавжуд бўлиши шарт.

Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлимли шароитларида “велнес” - марказларининг лойиҳалаштирилиши асосида Фарбий Европа тизимида фаолият юритувчи Венгрия ассоциацияси томонидан ишлаб чиқарилган талаблар ётиши мумкин[4]. Мазкур ишланмаларга мувофиқ, велнес – марказининг минимал таркиби қуйидагича бўлади: ёпиқ бассейн, икки турдаги ҳаммом, тўртта турли косметолог хизмат, олти турдаги массаж ва релакцион муолажалар, кардиологик ускуналар ва фитнес зал, бўш вақти борлар учун турли спорт дастурлари, аэробика тренинг тоифалари, учта жамоатчилик дастурлари (маданий, мусиқа, бадий).

Мазкур ҳолатда асосий эътибор велнес соҳаси ёки унга ўхшаш соҳа бўйича маълумотларга эга бўлган мутахассисларга қаратилган.

Фундаментал-техник ечимларга нисбатан илгари сурилган талаблар қиёсланиши, спа-комплекслари учун аниқ соғломлаштириш йўналиши муҳим бўлиб, соғломлаштириш хоналарининг функционал гуруҳи катта аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги фикрнинг тўғрилиги борасида хулоса қилишимизга имкон беради. Шу билан биргаликда, велнес-марказ кенг имкониятларга эга бўлиб, унинг асосий фарқи соғломлаштириш хоналари

гурухидан ташқари , кўнгилочар дастурлари хоналари мавжудлигини ҳам талаб этишдир[2].

Шунга ҳам эътибор бериш керакки, ушбу комплексларнинг ажралмас бўлаги бу-сув муолажаларига мўлжалланган хоналардир, Ўзбекистон шароитларида эса, одатда, улар асосий функционал блокка айланиб, унинг ўрганилишига , айнан бизнинг тадқиқотимиз бағишланган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, аёллар ва эркеклар комплекс тузилишида ривожланган зоналарга чиқиш имконияти бўлган қўшимча ва ёрдамчи гуруҳ функционал хоналари мавжуд бўлиши керак. Ҳар бир бўлинмани ташкиллаштириш талабларига келадиган бўлсак, уларнинг таркибида турли халқлар ҳаммомлари турлари: ўзбек, рус ва фин ҳаммомлари , сэнто ва фуру номли япон ҳаммомлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг максимал яқин интерпретациялари функционал режалаштириш ишлари ҳисобига, ҳар-бир қўлланилган анъаналар, интерьер ечимлари-нинг ўзига хослиги ҳамда ускуна ва аксессуарларни аниқ танланишидан келиб чиқади. Замонавий анъаналарга мувофиқ, ҳаммомнинг ҳар бир турини ўз сифимига эга автоном тарзда ячейка билан тақдим қилиш мумкин[2].

Ҳаммомлар турли жиҳозланишининг тадқиқоти, улар ҳаммом комбинацияларини аниқлаш имкониятини бериб, уларнинг сув соғломлаштириш маркази таркибини белгилайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таклиф этилаётган тавсия ва интерьер ечимлари анчагина. Турли ҳаммомларнинг бирлаштирилиши иссиқлик манбаи бирлиги ва буғ олиниши усули , ҳаммом муолажаларини қабул қилиш жараёнларининг яқинлиги ҳам инобатга олиниши керак. Масалан: рим-турк-ўзбек - ирланд, рус-фин, япон-олтой ва бошқалар. Контраст комбинациялар ҳам қизиқарли бўлиши мумкин, яъни қадимий ва замонавий вариантлар уйғунлиги[2].

Ҳаммомлар асосий ва гуруҳ ҳаммомларига қўшимча сифатида шифобахш ўт, балчиқ, пайраха буғлаш экзотик усуллари ҳам йўлга қўйилиши мумкин. Спа-комплекслари ва велнес марказлари хоналарнинг функционал гуруҳлари схемалари, юқорида кўрсатилган сув

соғломлаштириш блоки хоналари ўзаро зич боғлиқлигини ёрқин равишда намоиш этади. Бунинг сабаби шундаки, уларнинг ҳаммом, ванна, душ каби турлари спа-муолажалари ўзказилиши учун тайёрлов ва тугатиш босқичлари бўлиб, бунинг оқибатида кўпфункционали муолажа кабинетлари ва хоналари ҳаммом чўмилиш функционал гуруҳига яқин жойлашиши керак. Аммо унинг автоном жойлашиши ҳам мумкин, чунки замонавий технологиялар контакт мини-ҳаммомларнинг яратилиш имконини бериб, хоналар гуруҳи соғломлаштириш функциясининг тузилишига қўшимча бўлиши ҳам мумкин.

Хоналарнинг ёрдамчи, қўшимча ва функционал гуруҳининг жойлашиши, масалан, спорт маданий кўнгилочар хоналарга нисбатан аниқ талаблар мавжуд эмаслиги сабабли кўпфункционалли комплекслар архитектураси шаклланишининг ўзига хосликлари асосида вужудга келади.

Функционал-меъморий режавий ечимлар ва хоналар таркибига нисбатан талабларга қарамасдан, спа ва велнес концепциялари асосидаги объектларни лойиҳалаштиришда фарқли ва муҳим функционал режавий ечим ва хоналар талаблари сирасига тана ва рух соғломлаштирилиши, унинг мутаносиблиги ва уйғунлиги ғоясини акс эттирув-чи, умумий психологик атмосферанинг яратилиши каби вазифалар ҳам киради. Демакки, муҳим жиҳатлар сирасига сув соғломлаштириш марказларининг ички муҳитини ҳам киритиш мумкин[3].

Юқорида баён этилган инновацион Концепцияларга мувофиқ тарзда лойиҳалаштириш ва қурилишнинг катта тажрибаси билан спа комплекслари ва велнес марказларининг интерьер ечимларини чет эл мисолларида келтириш мумкин.

Бундай объектнинг Интерьерларидаги муҳитнинг софлиги, шакл ва элементларнинг минимал миқдори, ёруғлик ва ранг ечимларининг бирлиги билан фарқланади. Катта эътибор ёғоч, тош, натурал матолар каби экологик жиҳатдан соф материалларнинг қўлланилишига қаратилади. Бунда ESPA компаниясининг асосий тамойилларидан бирини ҳам айтиб

Ўтиш лозим, яъни дунёнинг турли мамлакатларида спа комплексларининг яратилишида фақатгина маҳаллий материаллардан фойдаланишдир. Айни пайтда чўмилиш ва рекреацион зоналар интерьерларида ойнавандлаштиришни фаол қўллашни ҳам айтиб ўтиш мумкин. Хоналарни сунъий ёритишда ёруғлик дизайни ҳамда мавжуд ташқи тиббий муҳитнинг ички муҳит дунёси билан боғлиқлиги таъминлайди[3].

Ўзбекистон шароитидаги соғломлаштириш марказларининг ташқи кўриниш ечимлари ҳозирги кунда бир хилда ягона бўлиб, хаттоки энг муваффақиятли ҳолатларда ҳам ташқи ўхшашлик, архитектоника ва образ даражаси ниҳоятда паст, хоналарнинг ички ташкиллаштирилиши эса спа ва велнес концепцияларига зид равишда, тайёр эски биноларни замонавий функцияларга мослаштирган ҳолда ташкиллаштирилмоқда.

Архитектуравий хусусиятларга келадиган бўлсак, хусусан, у ёки бу стилистик йўналишдаги объектни лойиҳалаштиришда маҳаллий меъморчилик анъаналарига эътибор қаратилмоқда. Масалан, The Peninsula Spa спа комплекси архитектурасида Хитой меъморчилиги анъаналарини, The Spa at four Seasons спа комплексида эса замонавий меъморчилик, кўнғироқхона, қиррали том, айлана дарвоза каби тарихий шакллар ҳамда инглиз поместьесининг бошланғич композициясини кўриш мумкин. Аммо, бундай ёндашув билан бир қаторда, замонавий архитектурага мос, оригинал тарздаги ёруғлик дизайни, ёрқин ранглар танлови, соғломлаштириш релакцион йўналишга мос келадиган материаллар, синиқ шакллар қўлланилмоқда.

Чет эл велнес марказлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ердаги ҳолат нисбатан аниқ. Кўпчилик мисолларда эгри чизиқлик, ташқи ва ички муҳит шакллариининг юмшоқлиги, очиқ ва ёпиқ ҳудудлар ноаниқлиги билан ажралиб туради. Образли ечимларда шаршара ва тўлқин мавзулари кенг тарқалиб, томнинг енгиллиги ва комплекс ички муҳитнинг максимал равишда табиатга яқинлаштирилиши талаб этилган[4].



Замонавий чет эл спа комплекслари ва велнес марказлари концепцияларининг ишлаб чиқарилишида катта эътибор хонадан очиладиган ташқи кўринишлар, интерьер ландшафт дизайнига қаратилади. Чет эл спа-комплекслари ва велнес марказлари мисолларини кўриб чиқаётганимизда, танланган фаввора ва скульптура ҳамда унинг инсонга таъсири, хусусий боғ, парк, ички ҳовли тасвирини учратиш мумкин. Бу ерда ташқи ва ички муҳитларнинг ўзаро алоқаси, комплекс хоналар таркибидаги очиқ ҳовли муҳитлари, ҳамда чет эл спа ва велнес концепцияларини тасвирлашда ландшафт дизайнининг юқори ролига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистондаги ҳолат шуниси билан ҳам мураккаблашадики, сув-соғломлаштириш марказлари камдан-кам ҳолатда махсус ажратилган ҳудудда жойлашган. Комплексининг табиат қўйнида жойлашиши экологик ҳолатни яхшилабгина қолмай, атроф муҳим ва ландшафт эркин ечими учун имконият бериб, концепция асосини мустаҳкамлайди[4].

Замонавий чет эл ва Россия спа-комплекслари ва велнес-марказлари архитектурасининг шаклланиш хусусиятларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики Ўзбекистон амалиётига соғломлаштириш индустриясининг замонавий йўналишлари фаол равишда тадбиқ этилиши билан бир қаторда, махсуслаштирилган иншоотларни лойиҳалаштириш ҳолати бизда бошланғич даражада турибди ва юқори меъморий савияда қурилган объектлар санокли бўлиб, сув соғломлаштириш марказларининг архитектуравий хусусиятлари ва тамойилларини ўрганишни талаб этади, чунки “яхши ва жуда яхши” орасидаги фарқ элементларга нисбатан эътибордадир[4].

Тадқиқотнинг мазкур босқичида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: биринчидан спа-комплекслар ва велнес-концепциялар сув-соғломлаштириш марказлари архитектурасига бевосита таъсир этади (қурилиш жойининг танланиши ва тайёрланишидан то ички декор элементлари танланишигача) ва спа-комплекс ва велнес марказлари асосидаги концепциялар уларни бошқа соғломлаштириш марказларидан

фарқлайди. Иккинчидан, соғломлаштириш марказининг яратилишида муҳим ҳисобланган комплекс тузилишида хоналарнинг функционал бир-неча гуруҳи бирлаштирилган бўлиб, бу ҳолат нафақат сув соғломлаштирилиши муолажаларини қабул қилиш, балки спорт билан шуғулланишни, кўнгилахушлик қилиш ва ишбилармонлик учрашувларини амалга ошириш имкониятини беради. Ниҳоят, яна муҳим ҳолатлардан бири-бу лойиҳалаштиришнинг эстетик жиҳати бўлиб, қўлланилган материалларнинг экологик соф бўлиши шарт. Лойиҳалаштиришда, юқори тилга олинганларнинг барчаси, жаҳон стандартларига мос тарзда бўш вақтни ўтказиш, соғломлаштириш соҳасидаги аҳли замонавий эҳтиёжларини қониқтириб сув-соғломлаштириш марказини яратиш имкониятини беради.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Лобанов Ю.Н. Отдых и архитектура. Будущее и настоящее.- Л.:Стройиздат,1982.
2. Куякина А.Н. Современные тенденции формирования архитектуры банных комплексов./ Известия ВУЗов. Архитектура.2006.
3. Кусков А.С.. Лисикова О.В. “Курортология и оздоровительный туризм”.-Ростов; Феникс, 2004.
4. Кусков А.С., Макарецва Л.В. “Основы курортологии”.- Саратов,2002.

### **SHAHAR KO'CHALARINI OBODONLASHTIRISH ISHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI.**

*Axmedov N.T.-201 ShTX va AY guruhi magistri.  
ilmiy rahbar t.f.n., dosent Raximov A.*

Shahar ko'chalarida avtomobil yo'llarini obodonlashtirish va ko'kalamzorlashtirish yo'l harakati xavfsizligini takomillashtirish va yo'l foydalanuvchilar uchun qulay sharoitlarni yaratish omillaridan biri hisoblanadi.

Avtomobil yo'llari avtomobillarning dinamik xususiyatlarini ishlatishga imkon berish, tejamli yuk tashish sharoitini yaratishdan tashqari haydovchilar bilan yo'lovchilarning ruhiy, jismoniy hamda estetik talablarini ham qondirishi kerak.

Ma'lumki, avtomobil yo'llari quyidagi qismlardan iborat bo'ladi:

- yo'ning asosiy inshootlari, shu jumladan, yo'l poyi, yo'l to'shamasi bilan qatnov qismi, sun'iy inshootlar, bevosita yo'l xizmati binolari va qurilmalari;

- yo'dagi sharoit, shu jumladan, harakatni tashkil qilish vositalari, harakat xizmati tizimi va yo'lni bezash vositalari [3].

Avtomobil yo'llarini obodonlashtirishning muhim usullaridan biri uni ko'kalamlashtirishdir. Avtomobil yo'llari ikki xil maqsad bilan ko'kalamlashtiriladi: himoya maqsadida ko'kalamlashtirish va dekorativ maqsadda ko'kalamlashtirish:

Himoya maqsadidagi ko'kalamlashtirishga quyidagilar kiradi:

- er emirilishiga qarshi ko'kalamlashtirish;
- qordan himoya qiladigan ko'kalamlashtirish;
- qumdan himoya qiladigan ko'kalamlashtirish;
- shovqin, gaz va changdan himoya qiladigan ko'kalamlashtirish.

Dekorativ ko'kalamlashtirish avtomobil yo'lini me'moriy badiiy bezash uchun ishlatiladi.

Bundan tashqari shahar ko'chalarini obodonlashtirishning yana bir qancha muhim usullari mavjud bo'lib, ular: yoritish tizimlari bilan jihozlash, yo'l chiziqlarini yangilab turish, arxitekturaviy kompozitsiyalarni optimallashtirish, bekatlar va xizmat shaxobchalarini yo'lovchilar didiga moslashtirish, yo'llarni joriy va capital tamirlash ishlarini amalga oshirish.

Keyingi yillarda yurtimizda ko'kalamlashtirish, obodonlashtirish ishlariga katta e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, Prezidentimiz tomonidan 2017 yil 11 sentyabrda *“Avtomobil yo'llarining arxitektura-landshaft qurilish va ko'kalamlashtirish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”*gi PQ-3262-sonli qarorlari shular jumlasidandir. Mazkur qaror bilan 2018-2020 yillar davrida Avtomobil yo'llarini, shu jumladan, umumfoydalaniladigan avtomobil yo'llari va shaharlarning ko'chalarini ko'kalamlashtirish dasturining prognoz ko'rsatgichlari tasdiqlangan.

Dastur doirasida avtomobil yo'llarini ko'kalamlashtirish bo'yicha jami, **1 681,4 ming dona** ko'chat ekish belgilangan, shundan, umumiy foydalanishdagi

avtomobil yo‘llariga **899,4 ming dona**, shaxar ko‘chalarini ko‘kalamzorlashtirish uchun **782,0 ming dona** ko‘chatlar ekish rejalashtirilgan.

Shuningdek, mazkur qaror bilan “O‘zyo‘lko‘kalamzorlashtirish” unitar korxonasi va uning tarkibidagi xududiy “Yo‘lko‘kalam” korxonalarining faoliyatini tashkil qilish maqsadida **2300** birlikdan iborat maxsus texnika, avtotransport va uskunalar xarid qilinishi belgilangan.

**2018 yilda** yuqoridagi qarorda belgilangan vazifalar ijrosini ta‘minlash bo‘yicha “O‘zyo‘lko‘kalamzorlashtirish” unitar korxonasi va uning tarkibidagi hududiy “Yo‘lko‘kalam” korxonalari tomonidan katta hajmda obodonlashtirish va ko‘kalamzorlashtirish ishlari amalga oshirildi. Jumladan:

- umumiy foydalanishdagi avtomobil yo‘llarida **288,0 ming dona** daraxt ko‘chatlari ekilishi belgilangan bo‘lib, bugungi kunda hududlar iqlim sharoitlarini inobatga olib **290,0 ming donadan** ortiq turli xildagi manzarali daraxt va buta ko‘chatlari ekildi. Shu bilan birga, Respublika hududlarida ko‘kalamzorlashtirish ishlari ko‘lamini yanada ko‘paytirish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 21 sentyabrdagi 772-F-sonli Farmoyishi bilan umumiy foydalanishdagi avtomobil yo‘llari yoqalarida 2018 yil kuz mavsumida jami **271,0** ming dona, 2019 yil bahor mavsumida **281,0** ming dona turli xildagi manzarali daraxt va buta ko‘chatlari ekilishi belgilangan.

Ushbu farmoyish ijrosi yuzasidan “O‘zyo‘lko‘kalamzorlashtirish” unitar korxonasi va uning tarkibidagi hududiy “Yo‘lko‘kalam” korxonalari tomonidan **2018 yil** kuz mavsumida **280,0 mingdan ortiq** manzarali daraxt va buta ko‘chatlari ekildi, ushbu yo‘nalishdagi ishlarga **540** dona maxsus texnika, avtotransport va asbob uskunalar, **1690** dan ortiqroq ishchi-xizmatchilar jalb etildi.

Respublika iqlim sharoitidan kelib chiqib, bahor va kuz mavsumlarida hududlardagi umumiy foydalanishdagi avtomobil yo‘llari yoqalarida 2018 yil 1 dekabr holatiga jami **570 000** dona turli xildagi manzarali daraxt va buta ko‘chatlari ekildi. Avtomobil yo‘llari yoqalaridagi mavjud va yangi ekilgan daraxtlarning par-varishi va saqlanishi hududiy “Yo‘lko‘kalam” korxonalari tomonidan nazoratga olingan [2].

Bundan tashqari shahar ko'chalarini obodonlashtirishning yana bir muhim usullaridan biri shahar ko'chalarida transportlar tirbandligi va piyodalar harakatini tartibga solish muammosini ijobiy echimlarini topishdir. Shahar ko'chalarida kundun-kunga transport oqimining ortib borishi natijasida ko'chalarning talabga javob bermasligi oqibatlarida shahar ko'chalarini qayta ta'mirlash ishlarini amalga maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz va quyidagi klever usuli(1-rasm) bilan yoki loyihachilar tomonidan tavsiya etilgan ko'pirik yo'llar o'tkazish orqali bartaraf etish mumkin (2-3-rasmlar) [3].



1-rasm.



2-rasm.



3-rasm.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Avtomobil yo'llari davlat qo'mitasi matbuot xizmati.
2. A.T. Xotamov, Q.T.Usmonov «Shahar hududini kompleks obodonlashtirish». O'quv qullanma. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Toshkent, TAQI, 2014y. 160 bet.
3. <https://www.google.ru/search?q=Samarqand+shahar+kochalari>

### **БОҒ-ПАРКЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

*Мустаев Баҳром, эркин тадқиқотчи(СамДАҚИ)  
Шамсиева Рафоат, II босқич магистранти (СамДАҚИ)*

Республикамиздаги мавжуд боғ ва паркларнинг ҳудудлари инсоннинг табиат билан алоқаларини ривожлантириш учун яхши имкониятларга эга. Бироқ ҳозирги мавжуд паркларнинг асосий муаммоларидан бири—бу уларнинг паст даражадаги рекреацион имкониятлари бўлиб, бу ўз навбатида уларга бўлган эҳтиёжларни сусайтириб юбормоқда. Натижада ҳар кунги одатий

хаётимизда аҳолининг парк муҳити билан учрашиши бевосита унинг эҳтиёжи асосида эмас, балки билвосита, яъни “йўл–йўлакай”, “транзит”, ёки шунчаки ёнидан ўтиб кетиш кўринишида бўлмоқда. Шундай экан мавжуд парклардан фойдаланишни замонавий асосда ечиш ва ташкиллаштириш мақсадида уларни лойиҳалашнинг янги усуллари излаш ва масалага буткул янгича ёндошиш талаб қилинмоқда.

Республикамизнинг ҳозирги замонавий ривожланиш босқичида боғ ва паркларни яратиш, республикамиз шаҳарлари ва туман марказларидаги мавжуд паркларни қайта қуриш ва модернизациялашнинг асосий истиқболли вазифалари тарзида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:[1]

-уларнинг рекреацион мафтункорлигини ошириш;

-боғ ва паркларнинг эстетик жозибадорлигини кучайтириш;

-уларда экологик тоза ва ободонлаштирилган муқим ландшафтларни яратиш;

-уларга сарфланаётган ҳаражатларни қоплаш имкониятларини излаш ва ошириш.

Мазкур масалаларни ечиш учун боғ ва паркларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш ва модернизациялаш мақсадида масалага янгича ёндошувлар талаб қилинади. Боғ-парк санъатининг ривожланишдаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, буларга функционал, эстетик, композициявий, экологик ва иқтисодий ёндошувлар киради.[1]

*Функционал ёндошув* ўз таркиби ва мазмунига қуйидаги масалаларни олади:

-турли ёшдаги ва ижтимоий гуруҳларга тегишли аҳолининг ҳаётий эҳтиёжлари ўзгаришини ҳисобга олиб боғ ва парклар ҳудудини функционал зоналаштиришдаги анъанавий усулни такомиллаштириш;

-рекреациянинг янги мавсумий ва кундузги шакллари киритиш, очиқ осмон остида ўтказиладиган фаолият турлари (ўқув, спорт ва бадий секцияларнинг машғулотларини ўтказиш ва бошқалар) учун шароитлар яратиш орқали парк ҳудуди функцияларини кенгайтириш;

-паркнинг периметри бўйлаб йил бўйи фойдаланиладиган рекреацион объектларни (қаҳвахона, спорт иншоотлари, кўргазма залларни) куриш;

паркнинг очиқ муҳитидан маданий–оммавий тадбирлар (кўргазмалар, байрамлар, сайллар, концертлар) ўтказиш мақсидида фойдаланиш.

Паркларни истиқболли лойиҳалаш ва такомиллаштириш масаласига *эстетик ёндошув* қуйидагиларни назарда тутди:[2]

-парк ҳудудини меъморий–бадий ташкиллаштиришни ландшафт архитектураси, дизайни, халқ амалий санъати, тасвирий санъат ва санъатнинг бошқа турларини (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, кино тунги бадий ёруғлантириш ва бошқалар)ни синтезлаштириш асосида лойиҳалаш, паркни санъат объекти тарзида кўриш ва ҳис қилиш;

-паркларни лойиҳалаш ва реконструкциялашда, уларнинг режавий ва композициявий хусусиятларини аниқлашда жаҳоннинг замонавий тажрибалари ва анъналаридан фойдаланиш:[3]

-оммавий ташрифлар зоналарида ўсимликлар ассортименти ва дизайнини кенгайтириш;

парк композицияларини ансамбллаштириш тамойиллари ва семантик ёндошувлар (ассоциациалар мавзуси), “жой руҳи”ни тиклашни яратиш.

Композициявий ландшафт ёндошув эса қуйидаги муҳим масалаларни ўз ичига олади:

-ўсимликларнинг маҳаллий навлари этакчилигидаги экологик турғун экинларни яратиш;

-оммавий ташрифлар зоналарида парк ҳудудларининг эстетик жозибадорлигини ошириш, -Ўрта Осиё анънавий боғ–парк санъати композициялари–“Чорбоғ”, “чорчаман”, “чортоқ”, “чорҳовуз”, “хиёбон” усулларидан фойдаланиш;

-парк кўкаламларини яратишнинг замонавий усуллари (ўрмончалар яратиш, мунтазам ўсимликлар композициялари, топиар санъати)дан фойдаланиш.

Боғ ва паркларни яратишга бўлган экологик ёндошувнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

паркларда экологик жиҳатдан қулай муҳит яратиш (ифлословчи манбаларни йўқотиш, парк ҳудудини ноқулай ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш ва бошқа)лар;

парк кўкаламларининг экологик турғунлигини ошириш (парк ўсимликлари таркибида буталар фоизини ошириш орқали парк ландшафтини қайта яратиш, асосий яшил массивларда маҳаллий навлардан фойдаланиш, парк ҳудудидаги рекреацион юкломани мувофиқлаштириш);

турлича рекреацион режим ва рекреацион юкломаларда фойдаланилувчи участкаларни алоҳида ажратиш, шунингдек юксак экологик ресурсларга эга бўлган зоналарга киришни чеклаш;

кўкаламларнинг зараркунандалар ва касалликлардан зарарланишини аниқлаш мақсадида ўсимликларнинг экологик мониторингини ўтказиш.

Иқтисодий ёндошув эса ўз таркибига қуйидаги вазифаларни олади:

парк харажатларини қоплаш шартларини мувофиқлаштириш мақсадида парк ҳудудларини ривожлантириш бизнес–режасини ва паркни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

паркни эксплуатация қилишга ва унинг қурилмаларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

ҳар бир парк қошида эксплуатацион хизматлар учун алоҳида меъморий бирликни яратиш. Штатлар таркибига боғ–парк қурилиши, боғдорчилик, эколог мутахассисларни жалб қилиш;

ахборот тизими кўмагида ҳар йилги оммавий тадбирларни ўтказиш (мавсумий очишлар–ёзги, кузги, қишги фасллар очилиши ва баҳорги мавсум);

парк ҳудудини шаҳарнинг туристик–рекреацион маршрутларига киритиш;

паркка хизмат кўрсатиш учун энергосамарадор технологиялардан фойдаланиш (ёритиш жиҳозлари учун қуёш батаеялари, ўсимликларни суғориш учун ёмғир сувини йиғиш).[2]



Юқорида келтирилган замонавий ёдошувлар ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги мавжуд ва янгидан лойиҳаланаётган парк ҳудудларининг рекреацион имкониятлари, моддий ва эстетик, меъморий–ландшафт тарзидаги мафтункорлигини оширишга йўналтирилган. Мазкур функционал, эстетик, композициявий, экологик ва иқтисодий янгича ёдошувлар боғ–парк ҳудудларини замонавий жамият ижтимоий ҳаётига, парк маданиятини янгилаш рекреацион эҳтиёжларига мослаштиради деган умиддамиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республикадаги мавжуд боғ-паркларни қайта қуриш ва модернизациялаш кўзга ташланиш асосий камчилик-бу ерга ва парк ҳудудидаги тарихий пейзажларни сақлаб келишга бўлган салбий муносабатдир. Тўғри, йиллар давомида қаровсиз ва парваришсиз қолган парк марказидан четроқда жойлашган ландшафтлар кўримсиз, ёмон аҳволга тушиб қолади ва кишиларда ҳеч қанақа ижодий энтузиазм туғдирмайди. Бироқ, ҳеч қандай илмий ва ижодий изланишларсиз қабул қилинган шошилиш ечимлар, тарихий-маданий архив материалларсиз парк ландшафтнинг қўриқлаш зоналари, паркнинг тарихий ва меъморий қиммати белгиланмасдан тезкор амалга оширилса қуриш ва ободонлаштириш ишлари ва бошқа сабаблар паркнинг кескин қайта режалаштиришга сабаб бўлмоқда. Бунинг устига сўнги йўлларда шаҳарларнинг яшил кўкаламзорларини янгилаш баҳонасида паркларнинг дарахтсимон ўсимликларини кузаш бошланди. Кўпчилик кекса дарахтларнинг таналари кузалиб ёлонғоч ҳолга келтирилди. Натижада, бундай ҳаракатлар туфайли юзага келган парклар ландшафтига кулгили ном “шаффоф парклар” номи берилди.[1] Бундан ташқари, Тошкентдаги А.Қодирий, Боғи Эрам ва бошқа паркларнинг қайта режалаштириш ва қуриши натижасида уларнинг жозибадор рельефи ва романтик хусусиятлари йўқолди. Боғ- паркларни қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича мутахассис кадрларнинг йўқлиги ҳам боғ- парклар ҳолатига салбий таъсир қилмоқда. Оқибатда улар ўзларининг азалий ландшафтини , поэтик мафтункор пейзажларини йўқотмоқда. Бу эса ҳозирги вақтда Республикада ўзбек миллий боғини шакллантириш ва яратиш зарурлигини долзарб масалага айлантирмоқда.

## Адабиётлар

1. Адилова Л.А., Уралов А.С. Боғ ва паркларни таъмирлаш.–Т., 2017.
2. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма. – Т., 2000.
3. Уралов А.С. “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар. // Архитектура, Қурилиш, Дизайн журнали. – Т.: ТАҚИ, 2010, № 1-2. - 23-26 б.

## САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ КЎЧАЛАРИ ТИРБАНДЛИГИНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ МУОММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.

*Бердиқулов Азамат, Мадиев Фаррух, ўқитувчилар  
Шабоева Рухиона. магистрант,  
Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш институти,*

*Аннотация:* Бу таклиф қилинаётган лойиҳа - “Уч қаватли йўл ўтказгич” орқали Самарқанд шаҳрининг асосий ва тирбанд кўчаларидан бирига кирувчи Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасидаги тирбандликнинг олди олинади.

*Калит сўзлар:* тиғиз (часпик) вақти, чорраҳа, йўл тармоқлари, кўчалар йўл ўтказгич.

Мазкур лойиҳаланган “Уч қаватли йўл ўтказгич” иншоотида эътибор берган бўлсангиз транспорт ҳаракати узлуксиз қилиб режаштирилган. Ҳозирги ҳолатида айниқса тиғиз (часпик) вақтида транспортлар ҳаракати светофорнинг баъзи ҳолларда 3 марталик яшил чироғини ёнишини кутиб қолишларини олиб борилган тадқиқот ишларида маълум бўлди. Ҳозирги Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳаси йўл полосасининг кенглиги ва машиналар қатновининг кўплиги инобатга олинган ҳолда, чорраҳанинг тўртала йўналиши транспорт ҳаракати учун алоҳида светофорнинг яшил чироғини ёритилиши билан гавдалантирилган. Бу эса ўз-ўзидан келиб чиқадики чорраҳадаги қарама-қарши ҳаракатлардаги тенг ҳуқуқли бир вақтда транспортлар ҳаракатланадиган чорраҳаларга нисбатан

Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасида транспорт ҳаракатини кутиш 3 мартага ошишини кузатишимиз мумкин.

Мазкур Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасига таклиф қилинаётган кўприк лойиҳасининг аксарият бошқа кўприк лойиҳалардан фарқи қуйидагилардан иборат:

1) Ҳамма томонга ҳаракатланиш учун, жумладан қайрилиб олиш учун ҳам бир қават кўприк қилиб лойиҳаланган;

2) Обект бир қаватли кўприк бўлишига қарамадан унда светофор йўқ, транспортлар ҳаракати узлуксиз. Яъни таклиф лойиҳа шундай лойиҳалаштирилганки транспортларнинг ҳамма томонга ҳаракати светофорсиз ҳам таъминланган;

3) Мавжуд қурилган биноларни бузиб орқароққа суришни ҳожати йўқ, йўлнинг мавжуд габаритидан максимал даражада фойдаланилган;

4) Тўрт томонга ҳаракатланиш учун бир қаватли кўприк қурилиши учун майдон сарфи минимум қилиб лойиҳаланган. Бу дегани транспорт ҳаракати учун кўприк ноқулай, тор, ингичка бўлади дегани эмас. Аксинча жуда қулай ва шинам қилиб лойиҳаланганига эътибор беришингиз мумкин;

5) Таклиф қилинаётган лойиҳани нафақат Самарқанд вилоятида, балки Республикамизнинг бошқа аҳолиси зич, тирбанд кўчаларида лойиҳалаш мумкин.



*Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган "Гагарин" чорраҳаси.*

*21.04.2018й. 09:05*

Қуйидаги геодезик ишлар, бош режа, чорраҳа режаси, замонавий лойихавий кўринишлар орқали Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасига ўзимизнинг таклиф лойиҳамизни таклиф этамиз.

Олиб борилган геодезик ишлар орқали Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасининг паст баландликлари, кўча ва йўлларнинг кенгликлари (гарабитлари), биноларнинг йўлгача бўлган масофалари аниқланди.



*Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасининг спутник орқали кўриниши*

Юқоридаги маълумотлар асосида Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари туташган Боғишамол чорраҳасига таклиф қилинаётган лойиҳа уч ўлчамли лойихавий кўриниши ишлаб чиқилди.



*Таклиф қилинаётган объектнинг кўриниши*

Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, қулай шароитлар яратиш мақсадида Республикамизнинг йирик шаҳар марказлари, аҳоли зич жойлашган ҳудудлари ҳамда шаҳарларда тирбандликларни олдини олишга кенг эътибор қаратиляпти.

Йўл тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш саноат, қурилиш ва айниқса шаҳар хўжалиги тараққиёти суръатларини анча тезлаштиради

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. AASHTO "A Guide for Transportation Landscape and Environmental AASHTO "Roadside Design Guide", 2002
2. Бродский Г.С., Рыкунов В.В. АСУД – Мировой опыт и экономический смысл, Мир дорог, 2008 г.
3. <http://www.againc.net/rulpres-center/publication/its>

### **ШАҲАРНИНГ РЕЖАЛАШДА ҚУРИЛИШ ҲУДУДИНИ ТАНЛАШ.**

*Мадиев Фаррух, Саидова Навруза, ўқитувчилар  
Хайдаволов Мансур магистрант, Давронов К.Ф. талаба  
Самарқанд Давлат архитектура – қурилиш институти*

*Аннотация:* Аҳолини сонинг ўсиши ва кўпайишида биосфера, табиат ва инсон орасидаги боғлиқлик ҳамжихатлик бўлиши, асосий ғоямиз асосан қишлоқ ва шаҳар орасидаги яқинлашиш (мегаполиса) да табиат ва инсон орасида табиатни асраш, аҳоли яшаш потенциалини ошириш учун иновацион технологияларни қуллашимиз зарур.

*Калит сўзлар:* чиқиндилар, муҳандислик ишлари, ободонлаштириш

Шаҳар ва қишлоқ қурилиш ишларида, яъни шаҳар ҳудудида яхши шарт-шароит яратишда, соғлом ва иқтисодий жиҳатидан арзон бўлган шаҳар ва қишлоқларни қуриш ва эксплуатация қилишда, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Кейинги йилларда шаҳримизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, Амалга оширилган кенг кўламли реконструкция ишлари натижасида замонавий шаҳарсозлик қоидалари асосида миллий ва

замонавийликни ўзида мужассам этган бино ва иншоотлар қад ростлади. Ҳозирги вақтда шаҳар (замонавий “Toshkent city”, “Samarkand city”лар) қурилишининг ривожланган даврида, ободонлаштирилган ҳудудларни эксплуатация қилиш тадбирлари жуда катта роль ўйнайди.

Ҳар хил экологик тоза, ифлослаш миқдори кам, қаттиқ чиқинди, каби ёқилги манбаларини камайтириш технологияларини ишлаб чиқариш зарур.

Канализация чиқиндилар ер майдонларидан бошқа технологиялар асосида тозалаш йулларини ишлаб чиқиш.

Кичик аҳоли яшаш жойларида мазут ўрнига кўмир ва арзон мазут материалларидан фойдаланиш.

Комунал хўжаликларда иссиқликни 40-45% эмас балки 8% га маҳаллий усуллар асосида камайтириш йўллари кўллаш зарур.

Қилинаётган барча чора-тадбирлардан мақсадимиз фақат жамиятимизда Ватанимизда сув ва энергитика танқислиги муаммоларини бартараф этишдан иборат.

Биз шаҳар ва қишлоқ ҳудудларларида майдонлар, бино ва иншоотлар, яратиш ва ободонлаштиришимиз керакки, улар ҳозирги давр илмий ва амалий талабларга тўлиқ жавоб бериши ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш дам олиш ва ишлаши учун яхши шарт-шароит яратиши керак. Бу вазифаларни ечишда, шаҳар атроф-муҳитини, янги илмий техник ютуқларини ва шаҳар ва қишлоқ ҳудудларни муҳандисона ободонлаштириш соҳасидаги муҳандислик тадбирларини тўлиқ ҳар томонлама ўрганиб, ҳисобга олган ҳолда ечиш мумкин.

Атроф-муҳитни сифатли баҳолаш, режалаштиришнинг яхши томонларини ҳисобга олиш, шаҳардаги ҳаракатларни ва қуришни, ҳудудини муҳандисона ободонлаштиришнинг энг яхши турини танлашдаги техник-иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш ободонлаштиришнинг асосий вазифасидир.

Ҳудудларини муҳандисона ободонлаштириш соҳасидаги янги амалий ютуқларни ва ҳисоблаш усулларини ўрганиш, аҳолига маданий-маиший

хизмат кўрсатиш, дам олиш ва ишлаши учун яхши шарт-шароит яратиш мақсадида муҳандислик ишларини жамлаб, яхши турларини танлаб олиб, амалда қўллаш усулларини ўргатишдир

Худудларни муҳандисона ободонлаштиришда жуда куп-киррали саволларни, яъни тураржой туманларини, микрорайонларни, кўчаларни, майдонларни, жамоа майдонларини ва бошқа тураржойларни ободонлашатиришни ўз ичига олади. Атроф мухити тоза ва иқтисодий жихатидан арзон бўлган шаҳарларни қуришда, худудларни муҳандисона ободонлаштиришда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Бунга тикка режалаштириш ва ернинг юза қисмидаги сувни ташқарига чиқариш, худудларни кўкаламзорлаштириш, тозаликни сақлаш тадбир-чоралари, йўлакларнинг энг яхши ва қулай тармоқларини тузиш, пиёдалар йўлакчаси ва ҳар-хил мақсаддаги майдончалар ташкил этиш, атроф мухитни инсон соғлигига таъсир этувчи ҳар-хил зарарли моддалардан сақлаш ва бошқалар киради.

Мавжуд шаҳарларнинг кенгайиши ва янги шаҳарларнинг қурилиш учун худуд танланади. Шаҳарнинг режалаш лойиҳасини ишлаш унинг қурилиш учун худуд танлашдан бошланади. Шаҳар кенгайганда турар–жой қурилиши ва бошқа қурилишлар учун янги худудлар танланади. Янги шаҳар қурилаётганда эса бутун шаҳарни жойлаштириш учун худуд изланади.

Худуд танланганда қуйидагилар инобатга олинади:

- жойнинг табиий шароитлари;
- атроф – муҳит муҳофазаси;
- худуд сифатига саноат, турар–жой, транспорт ва қурилишни бошқа турларининг қўядиган талаблари;
- шаҳар асосий зоналарининг ўзаро жойлашиш шартлари;
- худудларни муҳандисона тайёрлаш ва муҳандисона жиҳозлаш талаблари;
- қурилиш иқтисодиёти талаблари.



Шаҳар режавий лойиҳаси қурилиши олиб бориладиган ҳудудларни шаҳарсозлик таҳлил қилиш маълумотларига асосланади.

Хулоса қилиб айтганда шаҳарсозлар олдига қўйиладиган асосий вазифалардан бири, шундай шаҳарларни яратиш керак-ки, улар ҳозирги давр илмий ва амалий талабларга тўлиқ жавоб бериши ва аҳолига маданий-майший хизмат кўрсатиш дам олиш ва ишлаши учун яхши шарт-шароит яратиши керак. Бу вазифаларни ечишда, шаҳар атроф-муҳитини, янги илмий техник ютуқларни ва шаҳар ҳудудларни муҳандисона ободонлаштириш соҳасидаги муҳандислик тадбирларини тўлиқ ҳар томонлама ўрганиб, ҳисобга олган ҳолда ечиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. <http://www.urbantree.org/> "Urban Tree Foundation: Street Tree List".
2. <http://www.fhwa.dot.gov/environment/flex/index.htm>

## **ТАБИЙ ТОШ МАТЕРИАЛЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

*Бўриева С.З. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси*  
*Маннатов Б. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси*

Президентимиз Ш.Мирзиёв таъкидлаганларидек, саноатда бозор талабларини ўрганиш, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ғоят муҳим. Зеро, бу товарнинг сифатини, корхонанинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Кейинги йилларда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда пардозбоп тошларга талаб ошмоқда. Нурота туманида эса бундай тошларнинг катта захираси мавжуд.

Президентимизнинг ташаббуси билан Нурота туманининг Ғозғон шаҳарчасида замонавий "Мармаробод" давлат унитар корхонаси ташкил этилди Ушбу корхонада йилига 24 минг квадрат метр гранит тошни қайта ишлаш имконияти яратилди.



Худди шунингдек, "National stone" Ўзбекистон – Канада қўшма корхонаси заводида тош кукунини зичлаш орқали турли ранг ва ўлчамдаги плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Улардан биноларнинг ташқи қисми ва йўлакларини пардозлаш, офислар, ошхона, ювиниш хонаси ва бошқа жойларни жиҳозлашда кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, корхонада тайёрланаётган тош кукунини қурилишда, кварц тошлари сув тозалашда қўлланилмоқда [1]

Тоғ жинси муайян таркибга ва структурага эга. Геологик жараёнлар натижасида ер қатламида ҳосил бўлган. Минераллар физик ва кимёвий бир жинсли табиий жинс бўлиб, ер қатламида юз берган физик-кимёвий жараёнлар натижасида вужудга келган.

Табиатда минераллар тури 2 мингдан ортиқ, тоғ жинслари 50 тага яқин минераллар бор. Тоғ жинслари мономинерал ва полиминераллига бўлинади. Табиий тоғ материаллари (ТТМ)нинг иссиқлик-физик хусусиятлари уларнинг макро ва микроструктурасига, ғовакликнинг тузилишига боғлиқ.

**Магматик тоғ жинслардан** пемза, вулқон туфи иссиқлик изоляцияси материаллари сифатида ишлатилади. Пемза ташқи кўринишидан қотиб қолган кўпикка ўхшаган ғовакли оч кулранг жинс. Ғоваклиги 60%, зичлиги 2-2,5 г/см<sup>3</sup>, ўртача зичлиги 0,3-0,9 г/см<sup>3</sup>, сиқилишдаги мустаҳкамлиги 2-4 МПа. Пемзадан енгил бетонлар учун тўлдиргичлар, плиталар ва деворбоп блоклар тайёрланади.

Вулқон туфи зичлашиб ва ёпишиб қолган вулқон кулидан иборат ғовакли тош жинси булиб, туфлар пушти, тўқ сариқ, қизил, жигарранг бўлади. Етарли ғоваклиги, мустаҳкамлиги ва ғоваклилиги улардан иссиқлик изоляцияловчи материаллар олишга имкон беради.

**Чўкинди тоғ жинсларидан** чиғаноқли оҳактош зичлиги 0,8-1,8 г/см<sup>3</sup>, енгил арраланувчан, текстураси чиройли жинс бўлгани учун қурилишда ички ва ташқи, девор ва полларни қоплашда ишлатилади. Диатомит, трепел ва опокалар иссиқлик изоляцияловчи материаллар ва цемент ишлаб чиқаришда минерал фаол қўшимчалар сифатида кулланилади. Цемент таркибига 20%

атрофида минерал фаол қўшимчаларни киритиш **1450°C** ҳароратда куйдириб олинадиган цемент клинкерини тежайди, натижада цемент ишлаб чиқаришда 20% атрофида энергия иқтисод қилинади.

Ишлов бериш усуллариға кўра табиий тош материаллари куйидаги турларға бўлинади:

- 1) кўпол ишлов берилган (харсангтош, чақиқ тош, шағал ва кум)
- 2) буюм ва профилли қисмлар( тўғри шаклдаги тош ва блоклар)
- 3) юзасига ишлов берилган плиталар (девор ва полларни безашда)
- 4) йўл қурилиши буюмлари (бордюр тошлари, брусчатка) ва ҳ.к.

Табиий тошларға заводда механизациялашган ва автоматлашган тизимларда ишлов берилади. Тош юзаси пневматик асбоб ёрдамида тирналиб (уриб) ёки абразив усулда силлиқланиб ишланиши мумкин, тош юзаси тўлқинсимон (қабариқ-чукур), рифланган, эгатсимон, ғадир-будир (нуқтасимон) кўринишда қайта ишланади. Тошға абразив ишлов бериш қирқиш, фрезерлаш, шлифлаш ва жилолаш (полировкалаш) жараёнларини ўз ичига олади.

Мармар, оҳактош каби юмшоқ тошлар рамкали арралаш усқуналарида қирқилади. Олмос кескичлар ёрдамида тошни юпқа (5-10 мм) қирқиш мумкин бўлиб, 1 м<sup>3</sup> тошдан 40-45 м<sup>2</sup> плита тайёрлаш имкони бўлади. Ғовак тошлардан донали деворбоп тошларни ва блокларни тош қирқиш машинасида қирқиб олинади. Профилли буюмлар (арақи, зинапоя, дераза ости плиталари ва бошқалар) тошға ишлов бериш заводларида фрезерли ва универсал профил берувчи машиналар ёрдамида тайёрланади.

Тош юзасини жилолаш шлифлаш станокларида абразивлар (корунд, корборунд, олмос кукуни) ёрдамида, мойли диск воситасида мастика ва хром, қалай, темир оксидлари кукуни сепилиб амалға оширилади.

**Технологик хоссалар** тошни қайта ишлаш энергия ва ресурс самарадорлигини белгиловчи омилдир. Улар моҳият жихатидан тоғ жинсининг физик-механик хусусиятларидан келиб чиқади. Тошға ишлов

беришда операциялараро чиқиш, қайта ишланувчанлик, акс эттириш хусусияти муҳимдир.

**Операциялараро чиқиш** муайян технологик операциялар ёки бутунлай қайта ишлаш технологик жараёнлари натижасида тош буюмнинг ҳажм бирлигидаги хом ашёдан олинишидаги сақланишидир.

Бу хусусият тошнинг ёрилишга мойиллиги, ғоваклиги, юмшаши, эгилишга мустаҳкамлиги, мўртлиги ва шу кабиларга боғлиқдир. Бунда тош буюмнинг ўлчамлари, биринчи навбатда қалинлиги муҳим омил ҳисобланади.

Одатда тоғ жинсига ишлов берилганда ҳажм бирлигидаги маҳсулотнинг муайян қисми йўқотилади. Масалан, мрамарнинг назарий жихатдан чиқиши 100% бўлса, кесилгач – 50%, бурчаклари ростлангач – 41%, силлиқланиб-жилоланган буюм чиқиши – 37%. Тайёр тош маҳсулотларининг чиқиши 0,2-0,6 атрофида бўлади. Тош буюмларининг чиқиши,  $\text{м}^2/\text{м}^3$ , оқ мрамарлар-21-28, рангли мрамарлар-10-20, гранитлар-10-18.

**Қайта ишланувчанлик** мажмуавий технологик хусусият бўлиб, тошнинг шакл ва фактура бериш жараёнидаги ишчи асбоблар воситаси таъсирига берилувчанлигидир. Бу катталиқ тошнинг физик-механик хоссаларидан ташқари унинг петрографиясига, минерал таркибига, аралашмаларнинг борлигига боғлиқ бўлади ва қайта ишланувчанлик коэффициенти  $K_0$  билан ифодаланади:

$$K_0 = T/T_{\text{эт}},$$

Бу ерда,  $T$  ва  $T_{\text{эт}}$  – мутаносиб равишда кўрилатган ва эталон тошларнинг маҳсулот бирлигидаги солиштирма меҳнат талабдаги, одам – соат/ $\text{м}^2$ . Ушбу катталиқни тақрибан аниқлаш учун қуйидаги ифода ишлатилади:


$$K_0 = R_{\text{сиқ}}/S$$

Бу ерда,  $R_{\text{сиқ}}$  – тошнинг сиқилишдаги мустаҳкамлиги, МПа;  $S$  – тоғ жинси тўрига боғлиқ бўлган (гранитлар учун  $S = 40$ , мрамарлар учун  $S = 70$ , туфлар учун  $S = 125$  ва ҳ.к.) эмперик коэффициент.

Таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда тошлар ишлов беришда қайта ишланувчанлик бўйича ягона классификация тузилмаган.

Табиий тош материаллари ва буюмлари тоғ жинсларини турли механик усулларда қайта ишлаб олинади. Буларга майдалаш, ёриш, арралаш каби бирламчи қайта ишлаш усуллари киради.

Тош юзасини жиллаш шлифлаш станокларида абразивлар (корунд, корборунд, олмос кукунлар ва бошқ.) ёрдамида, мўйли диск воситасида мастика ва хром, қалай, темир оксидлари кукуни сепилиб амалга оширилади.



**1-расм. Тошларнинг фактурали кўриниши.**

а-тўлқинсимон (қабарик-чукур);

б- рифланган;

в- эгатсимон;

г-ғадир-будир

(нуқтасимон).

Мармар, оҳактош каби юмшоқ тошлар рамкали арралаш ускуналарида қирқилади. Одатда арра олмос, корборунд ёки қаттиқ қотишмалар билан қопланган бўлади. Олмос кескичлар ёрдамида тошни жуда юпқа (5-10 мм) қирқилиб, 1 м<sup>3</sup> тошдан 40-45 м<sup>2</sup> плита тайёрланади. Ғовак тошлардан донали деворбоп тош ва блоклар тош қирқиш машинасида қирқиб олинади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2019 йил 12 март куни Навоий вилоятидаги ташрифи маърузаси.

2. Беликов Б.П., Петров В.П. Облицовочный камень и его оценка. М., Наука, 1977. 140 с.

3. Қосимов Э. Қурилиш ашёлари. Т. Ўзбекистон, 2013.

## ДЕВОРЛАРНИ ИССИҚЛИҚДАН ҲИМОЯЛАШДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Бўриева С.З. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси*

Анъанавий электр станцияларининг фойдали иш коэффициентини ошириш йўллари излаш бутун дунё технологлари эътиборидаги масала. Буғ-газ қурилмалари ушбу муаммонинг замонавий ечимидир. Иссиқлик электр станцияларининг фойдали иш коэффициенти одатда 40 фоизни ташкил этади.

Энергетика тизимида амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари мавжуд энергетика қувватларини ошириш, энг муҳими, истеъмолчиларни узлуксиз энергия манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилашга замин яратади. Замонавий технологиялар жорий этилиши эса ёқилғи сарф-харажати ва атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарни камайтириш имконини беради [1]

Муҳтарам юртбошимиз Ш.Мирзиёев замонавий энергия тежамкор технологиялар билан жиҳозланадиган мажмуаларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархини тушириш, рақобатбардошликни таъминлаш муҳим омил бўлишини қайд этди.

Иссиқлик изоляция материаллари деб юқори ғовакка эга ва оқибатда кам иссиқлик ўтказувчан қурилиш материалларига айтилади.

Юқори ғовак деярли барча иссиқлик изоляция материалларининг бош ва умумий хусусияти, уларнинг асосий техник хоссаларини белгилайди.

Турли технологик усулларда, иссиқлик изоляция материаллар ғоваклигини назорат қилиб, материалларга керакли сифатларни бериш мумкин.

Қурилиш бозорида янги қурилиш материаллари ва технологияларининг пайдо бўлиши ушбу материалларни ишлаб чиқаришда, улардан қурилиш майдонида фойдаланишда ва умуман бино ва иншоотларга энергия

самарадорлик, комфортлилик, экологияга оидлик ҳамда хавфсизлилик нуқтаи назаридан кўрсатилувчи замонавий талаблар билан бевосита боғлиқдир.

Ушбу талаблар ва материалшунослик қонуниятларидан келиб чиқиб бозорда пайдо бўлган янги замонавий қурилиш материалларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, XX асрнинг 80-йилларида Ғарбий Оврўпада бошланган энергетик кризис қурилиш соҳасидаги муаммоларга ўз таъсирини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида дунёнинг кўпчиликларида йирик масшабли энергия тежамкорлик бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақазо қилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ҳам охириги 25 йил ичида ёқилғи-энергетика ресурсларини харажатларини сезиларли қисқартиришга қаратилган йирик тадбирлар амалга оширилди. Шулар жумласидан қурилиш соҳасида ТЭЗ-1 (қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, ташиш ва монтаж қилишга тааллуқли) ва ТЭЗ-2 (тўсувчи конструкцияларга кўрсатилувчи талабларни 2-3 баробар кучайтириш, хонадоларга ўрнатилувчи автоном иситиш тизимини ва ўлчаш-ростлаш ускуналариини такомиллаштиришга қаратилган) тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг қурилиш индустрияси ва уй-жой –коммунал хўжалигида ҳар йили жуда катта миқдорда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфланади. Улардан тахминан 73% и ТЭЗ-1 ни қоплаш учун, қолганлари эса ТЭЗ-2 ни қоплаш учун сарфланар экан.

Агар барча харажатларни мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида фойдаланилувчи биноларнинг умумий майдонига бўлсак, у ҳолда бир йилда 1 м<sup>2</sup> майдондан фойдаланиш учун 90 кг шартли ёқилғи сарфлашга тўғри келар экан. Ушбу кўрсаткични дунёнинг энг илғор мамлакатларидан бири ҳисобланувчи Швеция кўрсаткичи билан таққосласак уларда ушбу кўрсаткич деярли 3 баробар кам. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра кўп қаватли уй-жой биноларини иситиш учун Россиянинг ўрта минтақаларида бир йилда 350 дан 600 кВт·соат/м<sup>2</sup>гача

иссиқлик энергияси сарфланса, скандиавия мамлакатларида шундай уйларни иситиш учун атиги 135 – 150 кВт·соат/м<sup>2</sup>иссиқлик энергияси сарфланади.

Энергия ресурсларининг бундай ортиқча сарфланиши мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида узоқ вақтлардан бери энергия тежамкорлик концепциясининг мавжуд эмаслиги, бинолар лойиҳалари, меъморий-қурилиш тизимларининг номукамаллиги, биноларнинг ва энергия тармоқларининг авария ҳолатда эканлиги билан изоҳланади.

Шунинг учун охириги йилларда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида энергия тежамкорлик масаласини ечишга қаратилган бир қатор жиддий директив ва меъёрийҳужжатлар мажмуи қабул қилинди. Бундай меъёрий ҳужжатлар қаторига мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида 1995 йилда амалга киритилган “Қурилиш теплотехникаси” ҚМҚ сига ўзгартиришлар” ни киритиш мумкин. Уй-жой ва жамоат биноларида ТЭЗ-2 эксплуатацион ва конструкторлик-технологик ҳаражатларга тахминан баб-баравар тақсимланади. Эксплуатацион ҳаражатлар (100%) газнинг йўқотилиши (30%), сувдан ноқилона фойдаланиш (18%), иссиқлик ташувчининг йўқотишларидан (42%) ташкил топади. Бунда йўқотишлар энергиянинг барча турлари бўйича содир бўлади.

Аҳоли бошига иссиқ сувнинг суткалик сарфланиши ўртача-оврўпа меъёрларига нисбатан 2 марта ортиқча. Ёритиш лампалари электр энергиясини хорижий мамлакатлардагиларга қараганда 4 марта ортиқча истеъмол қиладилар, шу билан бирга уларнинг хизмат қилиш муддатлари ҳам 3 марта кам. Иситиш тизимларидаги иссиқликнинг самарасиз сарфланиши ростлаш воситалари мавжуд эмаслиги ҳисобига 15-20% ни ташкил қилади.

Иссиқлик энергия манбалари ва йирик қозонхоналардан иссиқлик таъминоти тизимларининг тарқалганлиги қимматбаҳо муҳандислик коммуникациялари узунлигининг ва шу орқали самарасиз иссиқлик йўқотилишининг сезиларли ортишига олиб келади.

Иссиқликнинг ҳисобий конструктив-технологик йўқотишлари (100 %) дераза ва эшиклар орқали (33 %), чордоқ ва техник қаватнинг ораёпмаси

орқали (22 %) ва деворлар орқали (45 %) йўқотишлардан ташкил топади. Аммо ойналари яхши қўйилмаган дераза ва балкон эшиклари орқали хонадондан 80% дан ортиқ иссиқлик йўқотлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари дераза форточкаларидан иситиш ва шамоллатиш тизимида ростловчи асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳамда бинонинг тархдаги нораціонал конфигурацияси сабабли кўплаб иссиқлик йўқотилади. Шунинг учун бинодан иссиқлик энергияси йўқотишларини кескин қисқартириш учун ушбу муаммони ечишга комплекс ёндошиш лозим, яъни бирламчи ва иккиламчи йўқотишларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда.

Иссиқлик узатилишига қаршилик -  $K$  ( $\text{Вт/м}^2 \text{ } ^\circ\text{C}$ ) коэффициенти билан тавсифланади. Бу коэффициент тўсиқнинг бир квадрат метри орқали унинг ички ва ташқи сиртлари ўртасидаги ҳароратнинг фарқи бир градусга тенг бўлгандаги иссиқлик оқимининг энергиясини аниқлаб беради

Деворларга иссиқликдан ҳимоялаш бўйича талабларнинг кескин ортиши қурилиш материаллари саноатининг катта қисми учун таркибий ўзгаришлар қилишга, янги лойиҳалар, янги қурилиш технологияларини ишлаб чиқишга, заводларни модернизация қилишга, улардаги ходимларни қайта тайёрлашга ундайди. Бу тадбирларни қурилиш ҳажмларини бажариш суръатларини пасайтирмасдан амалга ошириш анча вақт ва моддий ресурслар сарфлашни талаб қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2019 йил 12 март куни Навоий вилоятидаги ташрифи маърузаси.

2. Махмудова Н.А. Пардозлаш ва иссиқлик изоляция материалларининг технологик асослари. Дарслик. Т., “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти”, 2013.



3. Большаков В.И., Куличенко И.И., Мартыненко В.А., Бурейко С.В. Эффективность производства и использования ячеистого бетона в современном строительстве. Выпуск 2. 2001.

## **ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Бўриева С.З. - ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси*

Республикаимиз қурилиш материалларининг улкан табиий захиралари мавжудлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда мамлакатимизда қурилишбоп тошлар конлари - 49 та, қум-шағал материаллари конлари –76 та, ғишт ва черепица ҳамда оҳактош, қурилиш қуми, гипс, керамзит, мел ва бошқа материаллар хом ашёси конлари – 198 тани ташкил этади. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниясига бирлашган қурилиш материаллари корхоналари Республикаимиз қурилиш объектларини 100 дан ортиқ қурилиш материалларининг турлари билан таъминлайди, булар: цемент, оҳак, гипс, деворбоп, томбоп ва пардозлаш (ойна, мрамар ва гранит тошлари) материаллари, сантехкерамика, гидроизоляцияловчи материаллар. Мамлакатимизда ушбу соҳага чет эл инвестицияларини олиб кириш учун қулай инвестицион муҳит яратилган.

Ўзбекистон ва унга чегарадош мамлакатларда капитал қурилишнинг жадал суръатлар билан ўсиши қурилиш материаллари, айниқса ғишт, цемент, пардозлаш материаллари истеъмолнинг кескин ортишига қўшимча омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу тенденциянинг яқин келажакда ҳам сақланиб қолиши мутахассислар томонидан башорат қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасида дунёда машҳур бўлган «Кнауфф» (Германия) компанияси, Испания, АҚШ, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли корхоналари фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасини кескин ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш талаб этилади. Уларни цемент, сантехкерамика, керамик плитка,

иссиқлик изоляцияловчи материаллар, елим, лок-бўёқ материаллар ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи деворлар меъёрий иссиқлик узатилишига қаршилиги миқдорининг кескин ортиши билан бир қатламли деворлар учун самарали бўлган иссиқлик изоляцияловчи материал яратиш муаммоси жуда ҳам долзарб бўлиб қолди. Меъёрлар талабларига жавоб берувчи янги материалларни яратиш вақт талаб қилиши туфайли олимлар яхши маълум бўлган материалларга – ғовакли бетонларга яна мурожаат қилишди.[3]

Маълумки, ғовакли бетонлар 2 гуруҳга бўлинади: ғовакли газобетонлар ва ғовакли кўпик-бетонлар. Вазифаси ва ўртача зичлигига кўра ғовакли бетонлар 3 та кичик гуруҳга бўлинади:

- иссиқлик изоляцияловчи -  $\rho \leq 500 \text{ кг/м}^3$ ;
- конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи -  $\rho = 500 \div 900 \text{ кг/м}^3$ ;
- конструкцион -  $\rho = 900 \div 1200 \text{ кг/м}^3$ .

Қотиш шароитларига кўра автоклав ва ноавтоклав ғовакли бетонлар фарқ қилинади. Автоклав ғовакли бетонлар тўйинтирилган буғ муҳитида 0,8–1,6 МПа босим остида ва 170–200 °С ҳароратда қотирилади. Ноавтоклав ғовакли бетонлар табиий шаоитларда электр билан қиздириб ёки атмосфера босимида 100°С гача ҳароратда буғ билан ишлов бериб қотирилади.

Ғовакли бетонлар мустаҳкамлиги юқори эмаслиги сабабли улардан кам қаватли қурилишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бунинг устига бир ва икки қаватли уйларда кўп қаватли уйларга нисбатан иссиқликнинг йўқотилиши 4-5 баробар кўп бўлади.

Шу сабабли ҳам МДХ мамлакатларида чиқариладиган деворбоп материаллардан 8-10% гина ғовакли бетонлардан тайёрланувчи деворбоп материалларга тўғри келади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ғовакли бетонлардан ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларнинг кўпчилиги 600–700 кг/м<sup>3</sup> зичликка эга. Янги талабларга кўра уларнинг бир қатламли тўсувчи конструкциялардаги самараси кўп қатламли деворлардагига нисбатан солиштирганда камроқ бўлади. Бундай ҳолларда

ташқи деворлар қалинлигини оширишга тўғри келарди. Деворлар қалинлигини оширмасдан туриб уларнинг талаб этилувчи иссиқликдан ҳимояловчи хусусиятларини таъминлаш учун ғовакли бетонларнинг мустаҳкамлигини сақлаб қолган ҳолда ўртача зичлигини  $400\text{--}500\text{ кг/м}^3$  гача пасайтириш лозим. Бундай блоклар ҳозирги кунда шиддат билан ривожланаётган каркасли-яхлит қуйма қурилиш учун ҳам ўзини кўтарувчи деворларни барпо қилишда ўта керак бўлар эди.


Кўпчилик ривожланган хорижий мамлакатларда юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар учун ўртача зичлиги  $500\text{ кг/м}^3$  мустаҳкамлиги  $2,5\text{--}4\text{ МПа}$  бўлган автоклав ғовакли бетон ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Улар бунга сифатли технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган юқори-механизациялашган ва автоматлаштирилган конвейер линияларидан фойдаланиш ҳисобига эришганлар.

МДХ мамлакатларида ишлаб чиқариш ускуналарининг замонавийлиги ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларининг сифати бўйича хорижий мамлакатларникидан анча орқада ҳисобланади ва шу сабабли кўпчилик корхоналарда ғовакли бетоннинг ноавтоклав технологияси ўзлаштирилган. Ушбу технология соддароқ бўлиб энергияни кам истеъмол қилади ва шунинг учун маҳсулот анча арзонга тушади. Бундай технология бўйича олинадиган конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи ғовакли бетоннинг ўртача зичлигини  $400\text{--}500\text{ кг/м}^3$  гача, мустаҳкамлигини эса лойиҳавий муддатларда  $2,5\text{--}3,5\text{ МПа}$  гача етказиш мумкин. Бундан ташқари бундай бетонларнинг капилляр ғоваклигини йўқотиш, иссиқлик ўтказувчанлигини камайтириш, иссиқлик билан ишлов беришдан воз кечиш, қирқошнинг янги услубларни қўллаш имкониятлари мавжуд. 1.1-жадвалда келтирилган маълумотлар автоклав ғовакли бетонга хусусиятлари бўйича эквивалент бўлган ноавтоклав ғовакли бетон яратиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

**Ўртача зичлиги 400–500 кг/м<sup>3</sup> бўлган ғовакли бетоннинг физик-техник кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлари	Ноавтоклав	Автоклав	
		СНиП (ҚМК) 2.03.01, П -3-79*	ГОСТ(ДСТ ) 25485
Бетоннинг синфи	B2; B2,5	B1; B1,5	B1–B1,5
Ўртача мустаҳкамлиги, МПа	2,5–3,5	1,4–2,1	1,4–3,5
Махсулотни жўнатиш мустаҳкамлиги, МПа	1,7–2,1	1,4–2,1	1,4–3,5
Эластиклик модули E, ×10 <sup>6</sup> МПа	1,44–2,3	1,1–1,4	1,1–1,75
Киришиш, мм/м	0,52–1,3	0,7–0,68	0,5–0,7
Ғоваклиги, %	6,5–5	15–17	15–17
Сорбцион намлиги, %	5,2–15,2	5–13	8–12
Музлашга чидамлилиги F, цикл	35,50	25,35	15–35
Қуруқхололдаиссиқликўтказувчанлиги, Вт/(м·°С)	0,09–0,11	0,11–0,13	0,10–0,12
Худди шу, нам ҳолатда (W=11%)	0,12–0,14	0,14–0,16	0,13–0,15
Буг ўтказувчанлиги коэффиценти, мг/(м·ч·Па)	0,22–0,2	0,23–0,2	0,23–0,2

Юқори сифатли ноавтоклав ғовакли бетон технологиясини йўлга қўйиш учун хомашё материалларининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш лозим. Шу билан бирга МДХ мамлакатлари хом ашё базасини таҳлил қилсак, бунда 500 кг/м<sup>3</sup> зичликка эга бўлган ғовакли бетонлар олиш имкониятини берувчи микротўлдиргичлар (туф, цеолитлар, ИЭС электрофильтрлари кули, микрокремнезем) мавжуд (1.1-расм).



1.1-расм. Газобетонларнинг зичлиги: кварцликүм (тўққўк); ИЭС кули (қора); туф (қизил); микрокремнезем (хаворанг) асосдаги. Пунктирли чизиқлар - фиброгазобетон учун. [1]

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, энг энгил газобетонларни микрокремнезем асосида олиш мумкин экан ( $250\text{--}300\text{ кг/м}^3$ ). Афсуски бундай газобетонларнинг мустахкамлиги жуда ҳам паст (тахминан  $2\text{ кг/см}^2$ ) эканлиги билан ажралиб туради. Бундан келиб чиқиб сифатли газобетон олиш учун хом ашёнинг янги турларини топиш ва унинг технологиясини янада такомиллаштириш бўйича изланишларни давом эттириш лозим.[1]

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – T.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011.
2. Одилхўжаев А.Э., Тохиров М.К. Қурилиш материаллари. Ўқув қўлланма. - Т.: 2002.
3. Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 112


### **ОЦЕНКА ЛЕТНОГО ТЕМПЕРАТУРНО – ВЛАЖНОСТНОГО РЕЖИМА ТЕРРИТОРИИ**

*Бекназаров М.Б. ст. пр., Хаитметова Ф.И. стажер. пр. (СамГАСИ)*

Влажность воздуха (абсолютная) характеризуется количеством водяного пара, содержащегося в атмосфере. Для оценки влажностного режима в архитектурных целях важна относительная влажность воздуха, отражающая в процентах степень насыщения воздуха водяными парами. В жилище относительная влажность не должна выходить за пределы 30-60%, оптимум – 45%.

Оценка летнего температурно – влажностного режима важна потому, что при высоких температурах от  $18\text{--}20^{\circ}\text{C}$  и выше в сухой воздухе влага с тела человека легко испаряется, с потом организм отдает излишнее тепло и это создает ощущение комфорта. Если при таких температурах влажность высока, то испарение затрудняется, ощущается духота, наступает дискомфорт (микроклимат оранжереи, бани).

Общая схема оценки летнего режима такова: зная летние температуры в данном пункте, определяем зону комфортной влажности при данных температурах, а затем наносим на эту зону ход фактической влажности воздуха. Если кривая фактической влажности укладывается в зону комфортной – нет необходимости в каких-либо защитных мерах, если кривая выходит за пределы зоны комфорта, то это необходимо принять меры защиты или от “влажной жары” (проветривание пространства, направление потоков воздуха к человеку, затенение и др.), или от “сухой жары” (максимальное затенение пространства, аккумуляция ночной прохлады, использование фонтанов для увлажнения воздуха и др.).



**Рис.1.** Построение графика температурно-влажностного режима для конкретного пункта.

Для определения температурно – влажностного режима строится график (рис. 1). Горизонтальная ось разбивается на равные отрезки, соответствующие месяцам года с положительными температурами. По вертикали откладывается масштаб относительной влажности воздуха для каждого месяца. В этих целях из таблиц климатических данных выписывается средняя температура в 15 ч

для каждого месяца и по графику, приведенному на рис. 1, для каждой температуры находятся критические откладываются на рабочем графике для каждого соответствующего месяца.

Критические значения влажности на графике ограничивают зону оптимальной влажности в данной местности при положительных температурах. Здесь же строится кривая, показывающая ход изменения фактической относительной влажности в 13 ч ( $f_{13}$ ). Если фактическая кривая ( $f_{13}$ ) выйдет за пределы оптимальной зоны, то это означает либо повышенную влажность, либо сухость воздуха.

Такое же построение можно проделать и для оценки температурно-влажностного режима в утренние (ночные) часы (для  $t_7$  и  $f_7$ ), что рекомендуется сделать для условий континентального климата.

На основе анализа определяется характер лета: сухое, жаркое, холодное, влажное и др.

Отсюда делаются выводы, касающиеся типологии зданий: необходимость естественного проветривания помещений – круглосуточного, дневного или ночного; план комнаты с показом схемы сквозного или углового проветривания помещений; с показом величины и размещения окон (или фонарей) с целью оптимального проветривания; необходимость искусственного охлаждения помещений и вид оборудования – со снижением влажности или без снижения.

Дается эскизный рисунок планировки квартала, здания, квартиры, указывается на целесообразность озеленения, обводнения квартала и т.п.

### **Литература**

1. Методика комплексной оценки среды при проектировании жилых районов и микрорайонов. М., 1990.

2. Шукуров И.С. Луняков М.А. Халилов И.Р. Организация инженерно-технического обустройства городских территорий: Учебное пособие. - М.: Издательство АСВ, 2015.

## IQTISODIY AXBOROT TIZIMLARIDA AXBOROTLARNI HIMOYA QILISH USULLARI VA VOSITALARI

*Islamov K.S., Shaimov K.M.*

Har qanday davlatning axborot resurslari uning iqtisodiy va harbiy salohiyatini belgilovchi omillardan biri hisoblanadi. Ushbu resursdan samarali foydalanish mamlakat xavfsizligini va demokratik axborotlashgan jamiyatni muvaffaqiyatli shakllantirilishini ta'minlaydi. Bunday jamiyatda axborot almashinuv tezligi yuksaladi, axborotlarni yig'ish, saqlash, qayta ishlash va ulardan foydalanish bo'yicha ilg'or axborot-kommunikatsiyalar texnologiyalarini qo'llash keng ko'lamda amalga oshiriladi. Bu borada O'zbekiston ham axborot va kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi xalqaro xavfsizlik tizimiga Markaziy Osiyoda birinchi-lardan bo'lib qo'shildi.

Zamonaviy iqtisodiy axborot tizimlari quyidagi asosiy xususiyatlarga ega:

- Ma'lumotlarni uzatishda turli darajadagi konfidentsiallik ma'lumotlarini kriptografik muhofaza qilish;
- Sub'ektlar hokimiyatining ierarxiyasini, dasturlarga, ish stantsiyalariga, fayl serverlariga, aloqa kanallariga va tizim ma'lumotlariga ochiq kirishni aks ettiradi;
- Muloqot rejimida axborotni qayta ishlashni foydalanuvchilar o'rtasida real vaqt rejimida almashish rejimida tashkil etish;
- Mahalliy tarmoqlarda ham, shaharlararo aloqa kanallari orqali uzatishda ham axborot oqimlarini boshqarish;
- Ruxsatsiz kirish imtihonlarini, tizimdagi voqealarni va bosib chiqariladigan hujjatlarni hisobga olish va hisobga olish;
- IATda dasturiy mahsulot va axborotning yaxlitligini ta'minlash;
- Axborotni muhofaza qilish tizimlarini tiklash uchun vositalar mavjudligini, shuningdek magnet ommaviy axborot vositalarini majburiy hisoblashni ta'minlash;
- Kompyuter texnikasi va magnet axborot vositalarini jismoniy himoya qilish uchun shart-sharoit yaratish.



Shu bilan birga, kompyuter texnikasi, axborot vositalarining o'g'irlanishiga to'sqinlik qilish yoki oldini olish, shuningdek, iqtisodiy axborot tizimlari va aloqa liniyalaridan ruxsatsiz foydalanishni oldini olish uchun tegishli xavfsizlik bo'limlari, texnik vositalar o'rnatiladi. Dasturiy-texnik va tashkiliy (protsedurali) qarorlarni qabul qilishda axborotni ruxsatsiz kirishdan himoya qilish tizimining ishlashi quyidagilarni nazarda tutadi:

- Axborot tashuvchilarini, parollarni, foydalanuvchilar kalitlarini hisobga olish, saqlash va tarqatish;
- Xizmat ko'rsatish ma'lumotlarini saqlash(parollar, kalitlarni yaratish, foydalanishni boshqarish qoidalarini ta'minlash);
- Axborotni muhofaza qilishning aniq tizimlarining ishlashiga operatsion boshqarish;
- Tizim bo'yicha dasturiy ta'minot muhiti standartlariga muvofiqligini nazorat qilish;
- Iqtisodiy axborot tizimlariga kiritilgan yangi dasturiy ta'minotni qabul qilish;
- Foydalanuvchilarning harakatlarini tahlil qilish orqali moliyaviy va kredit axborotlarini qayta ishlash jarayonini nazorat qilish;
- Xavfli hodisalar signalizatsiyasi va boshqalar.

Ma'lumotlarning ruxsatsiz foydalanishdan va loyiha hujjatlarida ko'zda tutilgan protseduralarni to'g'ri bajarishdan muhofaza qilish uchun dasturiy ta'minot va apparatni tashkiliy jihatdan qo'llab-quvvatlamasdan, ushbu dasturiy ta'minot va apparat qanday qilib mukammal bo'lishidan qat'i nazar, axborot xavfsizligini ta'minlash muammosini etarli darajada hal etmaydi.

Iqtisodiy axborot tizimlarida asosiy axborot xavfsizligi tizimini yaratish quyidagi prinsiplarga asoslanadi:

1. Tashkiliy choralarining asosiy rolini himoya qiluvchi tizimni yaratish bo'yicha kompleks yondashuv. Bu mahalliy va xorijiy himoya tizimlarini yaratish amaliyoti bilan tasdiqlangan dasturiy ta'minot va tashkiliy muhofaza choralarining optimal kombinatsiyasini bildiradi.

2. Qayta ishlangan axborotga va qayta ishlash tartiblariga kirish uchun hokimiyatni ajratish va minimallashtirish. Foydalanuvchilarga ular uchun mavjud bo'lgan maxfiy axborotni avtomatlashtirilgan qayta ishlash nuqtai nazaridan o'zlarining rasmiy vazifalarini muvaffaqiyatli bajarishi uchun etarli darajada aniq belgilangan vakolat berilgan.

3. Tekshiruvning to'liqligi va ruxsat etilmagan kirish urinishlarini ro'yxatdan o'tkazish, ya'ni har bir foydalanuvchining identifikatsiyasini aniq aniqlash va ehtimoliy tekshiruvlarni o'tkazish uchun o'z harakatlarini yozib borish, shuningdek, oldindan ro'yhatdan o'tmasdan, axborotni qayta ishlash bo'yicha operatsiyalarni bajarishning mumkin emasligi.

4. Himoyalash tizimining ishonchliligini ta'minlash, ya'ni tizimning noto'g'ri ishlashi, noto'g'ri ishlash, jinoyatchining qasddan xatti-harakatlari yoki foydalanuvchining va xizmat ko'rsatuvchi xodimlarning noto'g'ri xatosizligi darajasida uning darajasini pasaytirishning mumkin emasligi.

5. Himoyalash tizimining ishlashini nazorat qilishni ta'minlash, ya'ni himoya mexanizmlarining bajarilishini monitoring qilish uchun vositalar va usullarni yaratish.

6. Axborot xavfsizligi tizimining umumiy, dasturiy ta'minot va Iqtisodiy axborot tizimi foydalanuvchilari uchun ochiqligi.

7. Himoyalash tizimidan foydalanishning iqtisodiy jihatdan mumkinligi.

Axborotni himoya qilish tizimini ishlab chiqishda va ishlashda axborotni muhofaza qilish tizimi bo'lmagan holda, IATni ishlab chiqishda va ishlatishdagi ob'ektda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan zararning qiymatidan kam bo'lishi kerak.

Himoya mexanizmini yaratish uchun foydalaniladigan asosiy himoya vositalari quyidagilar hisoblanadi. Dastur, texnik vositalar, elektr, elektromexanik va elektron qurilmalardir.

Dastur axborot xavfsizligi funksiyalarini bajarish uchun maxsus mo'ljallangan bo'ladi.

Qonunchilik vositalaridan foydalanish to'g'risidagi axborotni ishlatish, qayta ishlash va uzatish qoidalarini va ushbu qoidalarni buzganligi uchun

javobgarlik choralari belgilovchi qonun hujjatlari bilan ham belgilanadi. Barcha ko'rib chiqilgan chora-tadbirlar rasmiy ravishda bo'linadi "To'g'ridan-to'g'ri inson ishtirokisiz" oldindan belgilangan tartibda himoya funksiyalarini bajarish va "Norasmiy" maqsadli inson faoliyati bilan belgilanadi yoki ushbu faoliyatni tartibga soladi.

Xavfsizlik choralari qo'llash uchun turli shifrlash mexanizmlari qo'llaniladi. Kriptografiya uzatilgan xabarlarning maxfiyligini yoki haqiqiylikini ta'minlashning ilmidir.

Kriptografik usullarning mohiyati quyidagicha. Xabarga ruxsatsiz kirishni oldini olish uchun shifrlangan yoki yopiq matnga aylantiriladi.

Xabarni olgan vakolatga ega foydalanuvchi kriptografiyaning teskari konvertatsiyasi orqali uni ochib tashlaydi yoki uni ochib beradi, natijada asl matn to'g'ri keladi. Kriptografik tizimda ishlash usuli ishlatiladigan maxsus algoritim bilan belgilanadi, natijasi odatda shifrlash kaliti deb ataladigan yagona son yoki bit qatori bilan belgilanadi.

Kriptografiya nosimmetrik va assimetrik bo'lishi mumkin. Birinchisi, shifrlash va parol hal qilish uchun bir xil maxfiy kalitdan foydalanishga asoslangan. Ikkinchidan, bitta ochiq kaliti shifrlash uchun ishlatilganligi, ikkinchisi esa parolni sir tutish uchun ishlatiladi, va ochiq kalit bilimlari maxfiy kalitni aniqlashga imkon bermaydi.

Shifrlash bilan birga quyidagi xavfsizlik mexanizmlari ham amalga oshirilmoqda:

- raqamli (elektron) imzo;
- foydalanishni boshqarish;
- ma'lumotlar butunligini ta'minlash;
- autentifikatsiyani ta'minlash;
- vaqtni belgilash;
- marshrutlashni boshqarish;
- hakamlilik yoki sertifikatlash.

Elektron raqamli imzo mexanizmlari assimetrik shifrlash algoritmlariga asoslanadi va ikkita protsedurani o'z ichiga oladi: jo'natuvchining imzo ishlab chiqarishi va qabul qiluvchi tomonidan identifikatsiyalash. Birinchi protsess ma'lumotlar bloklarini shifrlaydi yoki uni kriptografik, chexiy summasi bilan to'ldiradi va har ikki holatda ham jo'natuvchining maxfiy kalitidan foydalaniladi. Ikkinchi protsedura, yuboruvchini aniqlash uchun yetarli bilimga ega bo'lgan ochiq kalitdan foydalanishga asoslangan.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Alimov R. X., G'ulomov S.S., Lutfullayev X. S. Axborot tizimlari va texnologiyalari. Toshkent, Sharq, 2000
2. Gulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. Toshkent, Fan, 2010.
3. <http://uz.infocom.uz/>
4. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz) - O'zbekiston Respublikasi axborot-ta'lim portali.

### **САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА АСПИРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЧАНГ ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

*Ахмедова Малика Асатуллаевна – СамДАҚИ (PhD) докторанти*

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тегирмон-ёрма ва омухта ем саноати олдида юқори самарали ускуналарни кўллаш ва илғор технологиядан фойдаланиб, корхоналарнинг техник даражасини оширишдек масулиятли вазифа туради.

Юқори самарали ускуналар билан жиҳозланган янги ун тортиш, ёрма ва омухта ем заводларини замонавий технологик жиҳозлар билан модернизация қилишнинг кенг кўламли дастурини амалга ошириш зарур вазифалардан биридир.

Саноат ишлаб чиқаришининг анча мукаммаллашган шакли узлуксиз оқим асосида ишлаб чиқаришдир. Бундай усул параллел ёки кетма-кет ишлаётган машина ва аппаратлар унумдорлиги ва иш ритми бир-бирига мос келишини талаб қилади.

Ишлаб чиқариш оқими бир йўлли ва кўп йўлли бўлиши мумкин. Бир йўлли оқимлар маълум бир хом ашё туридан бир туркумли маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхоналарда қўлланилади. Бунда маҳсулот кетма-кет ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларидан ўтади. Бундай жараён бир навли ун тортиш заводлари учун характерлидир.

Кўп йўлли оқимлар эса шундай корхоналарда қўлланиладики, бунда тайёр маҳсулот олиш учун мўлжалланган хом ашё (ёки ярим тайёр маҳсулотлар)га ишлов берадиган бир неча оқимларни санаб ўтиш мумкин. Бу оқимлар ёрдамчи оқимлар бўлиб, охирида битта асосий - тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга туташиб кетади. Бундай кўринишдаги кўп йўлли оқимлар омукта ем ишлаб чиқариш заводларида қўлланилиши билан характерлидир. Бундан ташқари кўп йўлли оқимлар нафақат асосий йўлга бориб бирлашувчи, балки асосий йўлдан чиқиб тармоқланиб кетувчи ёрдамчи йўллар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда маълум бир хом ашё туридан бир неча турли охириги маҳсулотлар ҳам олиниши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг шундай ташкил қилиниши кўп навли ун тортиш ёки ёрма ишлаб чиқариш заводлари учун таалуклидир [1].

Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида асосий тур дондан аэродинамик хоссалари билан фарқ қиладиган аралашмалар ҳаволи ажратгичлар ёрдамида ажратилади. Ҳаволи ажратгичлар асосан ун тортиш, ёрма ва омукта ем заводларида донни чанг ва енгил аралашмалардан тозалашда ишлатилса, шу билан бирга улар ёрма заводларида қобиғи сидирилган донлар (шоли, гречка, сули арпа ёрмалари)ни пўстлоғидан тозалашда ҳамда ёрма ва чиқиндини назорат қилишда ҳам ишлатилади.

Дон аралашмасининг ҳаво оқимида гуруҳларга ажралиш жараёни аралашмани ташкил қилган алоҳида зарраларнинг ҳаво оқимига турлича қаршилиқ кўрсатишлари туфайли юзага келади. Бу ҳолат зарраларнинг физик-механикавий хусусиятлари билан тушунтирилиб, айти ҳолда зарраларнинг аэродинамик хоссаларини белгилайди. Ҳаво оқимининг турбулент режимда ҳаракатланишида қаршилиқ кучи асосан оқимнинг заррага кўрсатадиган

динамикавий таъсирга боғлиқ бўлиб, у Ньютон формуласи билан аниқланади:

$$R = \xi F \frac{\rho v^2}{2}$$

Бу ерда:  $\xi$  - аэродинамик қаршилик коэффициентини;

$F$  - зарранинг тезлик векторига нисбатан нормал ҳолатда турган текисликка тушган проекция майдони (Миделево кесими),  $m^2$ ;


$v$  - зарранинг ҳаво оқимидаги нисбий тезлиги,  $m/s$ ;

$\rho$  - ҳавонинг зичлиги,  $kg/m^3$ .

$\xi$  - коэффициентининг катталиги зарранинг шаклидан, унинг юза ҳолатидан ва бу заррани қамраб олган ҳаво оқимининг режимига боғлиқ бўлади.

Вертикал ҳолда юқорига ҳаракатланаётган ҳаво оқимида зарранинг оғирлик кучи ва унга таъсир қиладиган қаршилик кучи ҳар доим ўзаро қарама-қарши томонга йўналган бўлади. Шунинг учун мумкин бўлган учта ҳолат кузатилади:  $R < G$  - зарра пастга қараб ҳаракатланади;

$R > G$  - зарра юқорига ҳаракатланади;  $R = G$  - зарра муаллақ ҳолатда бўлади.



1-расм. Ҳаво оқимининг зарраларга таъсир қилиш схемаси.

$G_1, G_2, G_3$  – алоҳида зарраларнинг оғирлик кучи.  $R_1, R_2, R_3$  – ҳаво оқимининг кўтариш кучи.

Шундай қилиб,  $R/G$  муносабат зарранинг ҳаракат йўналишини аниқласа,  $1 > R/G > 1$  қиймат эса ҳаво оқими ёрдамида зарраларнинг гуруҳларга бўлиниш имкониятини белгилайди. Бироқ  $R/G$  муносабатнинг катталиги бўйича зарраларнинг гуруҳларга бўлиниш имконияти тўғрисида ҳукм чиқариш қийин, чунки қаршилик кучини аниқлаш маълум мураккабликларни туғдиради.

Дон ва аралашмаларнинг аэродинамик хусусийатлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган, чунки улар ўзаро боғлиқлиги аниқ ҳисоб-китобларга бўйсинмайдиган омиллардан иборат. Зарраларнинг шаки турли-туман, шундай экан, уларнинг ҳолатлари ва Миделево кесими узлуксиз равишда оқим ўқиға нисбатан ўзгариб туради. Шу муносабат билан дон аралашмасининг гуруҳларга бўлиниш имкониятини бошқа кўрсаткичлар, жумладан зарраларнинг муаллақ ҳолат тезлиги бўйича аниқлаш мумкин.

Зарранинг пастга ҳаракатланиш вақтида ( $G > R$ ) қаршилик кучи қуйидаги кўринишни олади.

$$R = \xi \frac{\rho}{2} F (c - v_x)^2 ;$$

Бу ерда  $c$  – зарранинг мутлоқ тезлиги, м/с;

$v_x$  – ҳаво оқимининг тезлиги, м/с. У ҳолда зарра пастга қараб  $dc/dt$  тезланиш билан ҳаракатланса, ҳаракатлантирувчи куч эса:

$$G - R = m \frac{dc}{dt} \quad \text{ёки} \quad G = R + m \frac{dc}{dt}$$

бўлади. Бу ерда  $m$  – зарранинг массаси, кг.  $c = 0$  бўлганда, зарра муаллақ ҳолатда туриб, бунда  $R = G$ ,  $v = v_x = v_m$  ҳолат кузатилади.

$$\xi \frac{\rho}{2} \cdot F v_M^2 = G = mg$$

Бу ерда  $v_M$  – муаллақ ҳолат тезлиги, м/с. Юқоридаги формуладан муаллақ ҳолат тезлигини аниқлаш мумкин.

$$v_M = \sqrt{\frac{2G}{\xi \rho F}};$$

Муаллақ ҳолат тезлигининг ҳисоблаб топилиши аниқ натижа бермайди, шу туфайли унинг қиймати экспериментал усулда лаборатория ҳаво классификаторларида аниқланади. Агар дон, масалан, нўхат, шарсимон шаклга эга бўлса,  $G = \rho_d g \pi d^3/6$  ва  $F = \pi d^2/4$  деб қилиниб, муаллақ ҳолат тезлиги эса қуйидагича топилади:

$$v_M = \sqrt{\frac{4\rho_d g d}{3\xi\rho}};$$

Бу ерда  $\rho_d$  – доннинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>,  $d$  – доннинг диаметри, м. Ҳавонинг ҳарорати 20 °С, нисбий намлиги 50 % ва зичлиги  $\rho = 1,2$  кг/м<sup>3</sup> бўлганда формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$v_M \approx 3,3 \sqrt{\frac{\rho_d d}{\xi}};$$

Агар дон шарсимон шаклда бўлмаса, у ҳолда муаллақ ҳолат тезлиги қуйидагича топилади:

$$v_M \approx 3,3 \sqrt{\frac{F_{\text{д}} l}{\xi}};$$

Бу ерда  $l = \sqrt[3]{a}$  в с.  $a$ ,  $b$ ,  $c$  – мос равишда доннинг узунлиги, эни ва йўғонлигидир.

Ҳаволи ажратгичлар ишининг технологик самарадорлиги

$$\eta = \frac{A - aA}{B} \cdot 100;$$



формула орқали топилади. Уларнинг иш самарадорлигига маҳсулотнинг солиштира юкламаси, дон аралашмасининг таркиби, ҳаво оқимининг ўртача тезлиги ва каналнинг кўндаланг кесимида ҳаво оқими тезлигининг тарқалиш текислиги таъсир кўрсатади.

### **Хулоса.**

Саноат корхоналарида юқори самарада чанг аралашмаларини тозаловичи ва ушлаб қолувчи ускуналарнинг ўрнатилиши, биринчидан инсон ва бошқа тирик организмлар саломатлигига салбий таъсирнинг олди олинса, иккинчидан атроф муҳитни чанг аралашмаларининг зарарли таъсиридан сақлаш атмосфера ҳавоси мусаффолигига эришишдир. Ишлаб чиқаришда юқори самарада ишлайдиган аспирация тармоқлари ва гуруҳ циклонли батареяларнинг қўлланилиши атмосфера ҳавоси таркибида зарарли чангларнинг рухсат этилган сиғимидан ошмаслигига, корхонага иқтисодий самарадорлиги ошишига эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Р.А.Хаитов, В.Е.Раджабова, З.З.Шукуров. Донни қайта ишлаш корхоналарининг технологик жиҳозлари. Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси Адабиёт жамғармаси маҳсулоти. Тошкент – 2005. 352 бет.
2. Родионов А.И., Клушин В.Н., Торочешников. Техника защиты окружающей среды. – М.: Химия, 1989. – 512 с.
3. Муравьёва С.И., Казнина Н.И., Прохорова Е.К. Справочник по контролю вредных веществ в воздухе. – М.: Химия, 1988.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисба олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Рахимов А.Н - катта ўқитувчи, Акбаров Х.Ў - катта ўқитувчи,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти*

**Калим сўзлар:** кластер, интеграция, синергетик самара, самарадорлик, агрокластер.

**Аннотация.** Ушбу мақолада қишлоқ ўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш масаласи кўриб чиқилган. Масалани ҳал қилишнинг асосий усулларида бири кластер тизимини ташкил этиш. Кластер тузишда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан кластер тизими ходимларининг ўзаро боғланган фаолиятининг муҳимлига айтиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалик корхонада интеграциялашни ташкиллаштириш корхонанинг кўп йиллар фаолият олиб боришини таъминлайди, шунингдек, молиявий барқарорлик, бир нечта корхоналарни бирлаштириш ва бунинг натижасида кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатиш турлари кўпайтиради ва маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш амалга оширилади. Бунинг натижасида аҳолининг иш билан таъминланишига ҳам жиддий хизмат қилади. Интеграциялашнинг асосий усулларида бири кластер ташкил этишдан иборат.

Кластер аниқ бир мақсадга эришиш учун қишлоқ хўжалигида бир нечта тармоқларнинг ўзаро боғлиқ тўплами ва ягона бирлашмани ташкил этиши лозим. Кластернинг барча тармоқлари бир-бирига боғлиқ равишда фаолиятни амалга оширади ва ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаб чиқишни амалга ошириш учун самарали технологик занжирни шакллантириш бир нечта мустақил субъект хўжаликларнинг стратегик тадбирларни бир вақтда амалга ошириш талаб этилади. Бу пайтда тизимдаги барча тармоқлар ўзаро боғлиқ ва барқарор ҳолатда фаолият юритади.

Янги тизимни ташкил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун инвестициялар ётқизиш натижасида экспорт потенциалининг кўпайтирилиши, аҳолининг бандлиги ва маҳсулотнинг сифатини ошиши, янги технологияларнинг қўлланилиши, кластердаги ходимларнинг рақобатбардошлилиги, янги технологияларнинг жалб этилиши, ишлаб чиқариш ва фаннинг ўзвий боғлиқлиги, инфратузилманинг ривожланиши, ходимларнинг илмий даражасининг ошиши ҳисобига синергитек самара ошади.

Интеграллашган таркиб (кластер)ни ташкил этувчи қисмлари - бу ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ташкилот. Унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш: биринчидан ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишини ўзгариш натижаси, ташкилотнинг илмий-техник ва тажриба-конструкторлик салоҳиятидан фойдаланиш; иккинчидан қўйилган мавжуд инвестициядан оқилона фойдаланиш, натижада кластер типдаги интеграллашган таркибни яратиш кабилар. Интеграцияда ишлаб чиқаришнинг синергитек самараси молиявий ва моддий заҳиралардан фойдаланганда ишлаб чиқаришни қулай усуллар ёрдамида диверсификациялашган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Бундан ташқари иқтисодий самарадорликни баҳолашда маҳсулот таннари ва сотишдан олинган фойдани ҳисобга олинади. Шунингдек, бошқарув амалиётини ўзгартириш ҳам иқтисодий самарадорликни баҳолашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда интеграциялашган жараённи самарадорлигини баҳолаш учта гуруҳга ажратилади. Корхона ривожланишида ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳажмини, миқдорини ва сонини ўрганиш ёрдамида иқтисодий самарадорликни баҳолаш миқдорий иқтисодий самарадорликни баҳолаш усули деб номланади. Маҳсулотнинг кўрсаткичларининг сифати, маҳсулот ассортименти, ходимларнинг квалификациялари, маҳсулотларни диверсификациялаш кабилар билан иқтисодий самарадорликни баҳолаш сифатий иқтисодий самарадорликни баҳолаш усули деб номланади.

Интеграциялашган жараёни самарадорлигини баҳолаш миқдорий жиҳатни эътиборга олмасдан ҳам амалга оширилади. Комплекс интеграциялашган жараёни самарадорлигини баҳолаш миқдорий ва сифатий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

Вилоят корхоналарида саноат корхоналарининг фаолияти бир неча кўрсаткичлар бўйича таққосланилиб интеграциялаш ёрдамида кластер ташкил этилади.

Кластер тизимидаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ташкиллаштириш унинг ҳар бир тармоғининг фаолиятини баҳолаш натижасида иқтисодий самарадорлиги аниқланади ва таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширишлади. Агар тармоқнинг натижавийлиги бирга тенг ёки бирдан кичик бўлса, бу корхона интеграциялаштирилган кластерга киритилмайди.

Интеграциялаш жараёни тўлиғича амалга оширишда қуйидаги хусусиятлар қаралади:

- интеграллашган корxonанинг боғлиқмаслик коэффициенти;  $K_{\text{бк}}$  – корxonанинг хусусий капиталининг корxonанинг сарфланган барча капиталига муносабати ( корxонада кредитга олинган воситалар банкротлик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин ҳамда таннархни камайтиради);

- интеграллашган корxonанинг молиявий кўрсаткичини баҳолаш;  $K_{\text{мк}}$ - интеграллашган корxonанинг асосий ва айланма капиталининг йиғиндиси( асосий фонднинг қийматининг камлиги табиий ва маънавий эскириши ва ...);

- корxonанинг номоддий активлар билан таъминланиш даражаси;  $K_{\text{на}}$ - корxonанинг номоддий активларнинг барча активлар билан муносабати (номоддий активларнинг барча активларнинг қийматидан ортиқ ёки камлигини аниқлаш даражаси);

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кластер тизимини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони асосида ҳолатни

ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Самарқанд вилоятида кластер тизимини ташкил этиш ва яратиш муҳим истиқболли соҳалардан бири бўлиб, инновацион жараёнларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусий сектор ва давлатнинг биргаликда кластерни яратиши муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиқ тармоқлари ва саноат соҳасини ягона кластер тизимини яратиш қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уни қайта излаш натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқаришни жадаллаштиради ва самарадорлигини оширади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Қишлоқ хўжалиғи соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони. 2019 йил. 17 апрель. Тошкент.
2. Дырдинова А.Н. Оценка эффективности кластерных образований в регионе. 2010 г. Москва. Журнал «Экономика и экономические науки».

### **ИННОВАЦИОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ БАЗАЛЪТНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ.**

*Ортиқов Ш.Х., преподаватель, Холмуродов Б.Ш., студент (СамГАСИ).*

Ushbu maqolada hozirgi zamonda innovatsion qurilish materiallari sifatida qo'llanilayotgan bazaltning qo'llanilishi, uning afzalliklari, O'zbekistonda ishlab chiqarish holati hamda xom ashyo imkoniyatlari ko'rib chiqildi.

**Калит сўзлар:** Базальт турлари, хоссалари, қўлланилиши, афзалликлари, Ўзбекистоннинг имкониятлари.

Базальт ердаги энг кўп тарқалган эффектив тоғ жинси ҳисобланиб у натурал тош сифатида қадимда вулқонлар отилиши давридан пайдо бўлганлиги сабабли ундан унча узоқ бўлмаган жойларда жойлашган.

Базальт минерали пластина ёки доирасимон тош кўринишида бўлади. Базальтнинг ранги тўқ кулранг ёки қора рангда шунингдек баъзан яшил

кўринишда бўлиб бу унинг иккиламчи ўзгарганлигини кўрсатади.Базальт кўп афзалликларга эга бўлиб энг муҳимлари қуйидагилар:

— аъло даражадаги шовқин ютувчанлиги, шу сабабли биноларни кўча шовқинидан муҳофазалаш яхшиланади;

— юқори даражадаги буғ ютувчанлигига эга бўлиб, уни турли ишлаб чиқариш технологияларида ишлатиш имкониятини беради;

— юқори ҳароратга чидамлик хоссасига эга бўлиб, иссиқлик таъсиридаги қурилмаларнинг конструкцияларида ишлатиш мумкин;

— экологик жиҳатдан хавфсиз ва шу сабабли одамлар соғлигига таъсири йўқ;

— бошқа қурилиш материалларига,пўлат арматурага нисбатан юқори мустаҳкамликка эга;

— иссиқликни яхши сақлайди шу сабабли биноларни иссиқ сақловчи қурилиш материллари сифатида кенг қўллаш мумкин;

— ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан хоссалари яхши,осон ёнувчи материалларга ишлов бериладиган биноларда қўллаш имконини беради;

— минерал модда бўлганлиги учун электролитланмайди;

— умрбоқий ишга яроқлилик муддати давомли.Бу бинолардан фойдаланиш муддатини кескин ошириш имконини беради,юқоридагиларни назарга олинса;

Охирги йилларда замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистонда бурилиш юз берди 2017 йилда Жиззахдаги корхонада замонавий қурилишда қимматли инновацион материал ҳисобланган арматура ва композит тўр тайёрланадиган базальт тола ишлаб чиқарувчи базальт заводи ишга туширилди.Хом ашё сифатида заводда Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Осмонсой кони қазилмаларидан фойдаланилади.

Ҳурматли президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур ҳудудга ташрифи давомида берган кўрсатмалари корхона фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

2018йил феврал ойидан бошлаб ҳозирга қадар заводда кўп миқдорда базалът арматура ишлаб чиқарилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 3000 тоннадан ортиқ базалът тола ишлаб чиқариш имконини беради .

Базалът арматура жаҳонда инновацион материал сифатида кўплаб мамлакатлардаги қурилишларда фаол қўлланилаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу маҳсулот ўзининг ноёб хусусиятлари туфайли тез орада Ўзбекистонда қурилиш соҳасида ўзининг доимий ўрнини топиши шубҳасиз. Базалът толадан ясалган арматуралар пўлат арматурадан фарқ қилмайди-узлуксиз спирал қиррадорликка эга. Базалътдан ясалган арматура ноёб техник кўрсаткичлари билан фарқ қилади.

У пўлат арматурага қараганда 4 барабар енгил ва шу билан бирга 3 барабар мустаҳкамдир. Нам тортмайди, коррозияга учрамайди, электр токини ўтказмайди ва иссиқлик ўтказиш даражаси ҳам паст. Пайвандлаш ишлари талаб қилинмайди, Оддий боғланадиган сим, пластик хомутлар ёрдамида ҳам боғлаш мумкин, натижада зилзилага чидамлиликини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Пўлат арматура қўллашни кўзда тутувчи лойиҳалар базалът арматурани лойиҳага қайта ҳисобланганда, сифат бўйича технологик кўрсаткичлар сезирарли даражада ошишидан ташқари , маблағларнинг 30%дан 50%гача миқдори тежалишига эришилади.

Базалът арматурадан фойдаланиш транспорт ташувлари, юклаш – тушириш, таъмирлаш ишларига кетадиган сарф-харажатларни камайтиришга ёрдам беради ва гидроизоляция учун қўшимча ҳимоя бетон қатламини талаб қилмайди, чунки базалът арматура коррозияга учрамайди.

Дунёнинг етакчи халқаро қурилиш компаниялари базалът арматурани фуқаролик ва саноат қурилишларида зарарли муҳитда ишлайдиган махсус конструкцияларда архитектуравий цемент-бетон буюмларида, йўл, метро, тўқимачилик фабрикалари, заводлар, аэропортлар ва темир йўл вокзаллари қурилишида қўлланилади. Базалът арматурани Ўзбекистон шароитларида кенг тарқалган, сув тарновлар лотоклар ва бетондан тайёрланадиган бошқа

маҳсулотларни ишлаб чиқаришда металлга қараганда яхшироқ материал ҳисобланади. Бутун дунёда сув тайёрлайдиган ва тозалайдиган объектларни маиший қаттиқ ва суюқ чиқиндилар сақланадиган қайта ишланадиган ва утилизация қилинадиган объектларни барпо этиш ва таъмирлашда юқори кучланишли электромагнит майдон ва потенциаллар фарқи юқори вольтли ва кичик станцияларнинг ишлатиладиган бетон иншоотларни арматуралашда ушбу инновацион материалга бўлган талаб катта.

Кўрсаткичларнинг номланиши	«Rockbar» базальт пластик арматураси	«Shöck» ишлаб чиқариш компаниясининг «Shöck comba» шиша пластик арматураси	<b>A500 синфидаги оддий углерод пўлатдан тайёрланган арматура</b>	«Ancon» ишлаб чиқариш компаниясининг емирилмайдиган пўлатдан тайёрланган арматураси	Аналоглар билан фарқи, маҳсулотнинг даражаси
Чўзилишдаги мустаҳкамлик, МПа	<b>1000</b>	1000	<b>500</b>	500	Мос келади
Эгилишдаги мустаҳкамлик, МПа	<b>1000 (1140)*</b>	1000	<b>500</b>	500	Мос келади
Зичлик, г/см <sup>3</sup>	<b>2,1</b>	2,1	<b>7,87</b>	8,4-8,7	4 баробар енгил
Иссиқлик ўтказувчанлик, Вт/м·К	<b>0,5 гача</b>	0,5гача	<b>56</b>	17	в 50 раз
♦ Термик чидамлилиқ, °С	<b>300 гача (нисбатан юқори)*</b>	150гача	<b>600гача</b>	600гача	Нисбатан паст
♦ Оловбардошлиқ, °С	<b>Қисқа муддатли 400 гача(нисбатан юқори)*</b>	Қисқа муддатли 400 гача	<b>600гача</b>	600 гача	Нисбатан паст
Агрессив муҳитга чидамлилиқ	<b>Юқори</b>	Яхши	<b>Паст</b>	Юқори	Нисбатан юқори
Эластиклик модули	<b>51 (60)*</b>	60	<b>200</b>	200	Нисбатан паст

Базальт арматура доимий равишда сув ёки бошқа зарарли омиллар таъсири остида бўладиган кўприклар гидротехник иншоотлар қурилишида



қирғоқ чизикларини мустаҳкамлашда Ўзбекистонда сув иншоатлари кенг тарқалганлиги сабабли иншоотларни реконструкция қилиш дунёда тобора кўпроқ қўлланилаётганлигини этиборга олиш керак.

СамДАҚИ қурилиш материаллари лабораториясида базальт арматураларни, йўлларни таъмирлаш ишларида қўлланиши имкониятлари синаб кўрилмоқда. Чунки базальт арматура билан йўллар таъмирланганда ишларнинг сифатлигини оширади.

### **Хулоса**

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олсак ҳозирги вақтда базальтдан ясалган қурилиш материалларини Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари ва иқтисодий самарадорлиги катта эканлигини кўришимиз мумкин.


### **Адабиётлар**

1. Синяков.В.Л, Никольский.А.Ю, Фролов.Н.Н “Строительные материалы и работы” Москва. 1986
2. Э.Қосимов “Қурилиш материаллари” Тошкент. Ўқитувчи 1982
3. Интернет маълумотлари: [www.basaltech.org](http://www.basaltech.org)

## **ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ТРАНСПОРТ ТУРЛАРИНИ ТАНЛАШ**

### ***Хайдаров Ш - СамДАҚИ магистранти***

Тарихдан маълумки, тахминан эра миздан 1000 йил олдин қуруқликдаги сунъий йўллар шакллана бошлаган. Қадимги Хитой билан Европани боғлаган «Буюк ипак йўли» бунга мисол бўла олади.



Жамиятни ривожланиши, халқаро алоқаларни мужжасамланиши тарихий шарт шароитларнинг хусусиятларига қараб йўллар шаклланиб уларнинг худудий мутаносиблиги табиий шароитларга мосланиб шаклланиб бориш ҳозирги вақтда ҳам ривожланиш билан бир қаторда давом этмоқда.

Бугунги кунда замонавий шаҳарларда кўча-йўл тармоғи шаҳар транспорт тизимининг асосини ташкил қилиб, йилдан-йилга уларга қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда.

Шаҳарсозликда транспорт тизими алоҳида ўрин тутди. Транспорт тизими шаҳар аҳолисининг актив ҳаётини таъминлайди ва унинг самардорлигин оширади. Акс ҳолда транспорт тизимисиз айниқса бугунги шаҳар ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди.

Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини лойиҳалаш ва уни ташкил этиш-шаҳарнинг меъморий-лойиҳавий ечимиди асосий муаммоларидан биридир.



Шаҳарнинг лойиҳавий таркибида кўча-йўл тармоғини оқилона ечимини топиш бирламчи масаладир.

Кўча тармоғининг эски шакллари замонавий шаҳарсозликка мос келмайди: кичик кварталларни чегаралаган кўчаларда чорраҳаларнинг кўплиги, транспорт оқимини ўтказишни камайтиради, қийинлаштиради.

Марказий туманларда маъмурий-жамоат ва савдо биноларининг ҳаддан ташқари кўплиги катта миқдордаги аҳоли ва транспортни у ерга келиши сабаб бўлиб, уларнинг ҳаракатини ташкил этишни қийинлаштиради.

Ташқи транспорт маҳаллий шаҳар олди ва узоқ масофага йўловчи ва юк ташиш учун хизмат қилади. Шаҳар транспорт алоқаси бошқа тураржой пунктлари билан автомобил, темирйўл, сув ва ҳаво транспортлари орқали амалга оширилади. Шаҳар ташқи транспортнинг иншоотлари ва уларни эксплуатация қилиш-шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш ва шаҳар ички транспорти билан ҳам функционал, ҳам лойиҳавий боғлиқ бўлиши лозим.

Қўлланилиши ва транспорт ҳаракатининг истиқболдаги жадаллигидан келиб чиққан ҳолда автомобил йўллари 5 та тоифага бўлинади.

### 1-жадвал

Йўлларнинг категориялари	Йўлларнинг аҳамияти	Қарама-қарши йўналишда ҳаракатининг истиқболдаги кунлик ўртача қиймати
I-II	Умумдавлат аҳамиятидаги автомобил йўллари, муҳим иқтисодий туманларни боғловчи республика аҳамиятидаги магистрал йўллар.	I-7000 дан ортиқ II-3000-7000
III	Иқтисодий, маъмурий, саноат ва маданий марказларни боғловчи республика ёки вилоят миқёсидаги магистрал йўллар.	III-1000-3000
IV-V	Маҳаллий хўжалик ва маъмурий аҳамиятга эга бўлган магистрал йўллар	IV-200-1000 V-200 гача

Шаҳар аҳамиятидаги магистраллар ва тезюрар йўллар, шаҳарга кириш ва чиқиш қулай ҳолатда ташқи йўллар билан боғланиши керак.

Ташқи йўлларнинг қатнов қисми икки томондан обочина билан чегараланади. Обочина йўлнинг қатнов қисми учун тиргак вазифасини ўтаб, автомобилларни вақтинчалик тўхташи учун хизмат қилади. Йўлнинг қатнов қисми ва обочина ернинг полотно деб аталувчи кўтарилган қисмида қурилади.


Ташқи йўллар ҚМҚ бўйича қурилиб (СНиП П-Д.5-72), қуйидаги параметрларга эга.

Кўрсаткичлар	Автомобил йўллари категорияси				
	I	II	III	IV	V
Ҳаракатнинг ҳисобий тезлиги, км/с	150	120	100	80	60
Қатнов қисмининг кенглиги, м	Камида 15	7,5	7	6	4,5
Обочина кенглиги, м	3,75	3,75	2,5	2	1,75
Ер полотноси кенглиги	Камида 27,5	15	12	10	8
Максимал бўйлама қиялик, ‰	30	40	50	60	70
Минимал эгрилик радиуси, м	1000	600	400	250	125

I категорияли йўлларнинг қарама-қарши йўналишлари камида 5м кенгликдаги ажратувчи полоса қўйилади (улкан шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида йўлни истиқболда кенгайтиришни кўзда тутган ҳолда, иккала йўналишда 3,75 м қатнов қисми қўшиш учун ажратувчи полосалар 12,5 м кенгликда қурилади).

Автомобил йўлларида турли сатҳли кесишмалар қуйидаги ҳолларда бажарилади: I категорияли йўлларнинг барча турдаги йўллар билан кесишмаси; II категорияли йўлларнинг II ва III категорияли йўллар билан кесишмаси; III категорияли йўлнинг ўзаро кесишмаси (қачонки, қарама-қарши йўналишдаги ўртача кунлик ҳаракатнинг истиқболдаги жадаллиги 4000 автомобилдан ошганда).

Ташқи йўлларда турли сатҳли кесишмаларнинг энг кўп тарқалган тури бу «клевер» схемасидир (тўлиқ ва тўлиқсиз).



**1-расм. Клевер кўринишидаги кесишмалар.**

Ажралиш йўлаклари имкони борича камайтирилади: I ва II категорияли йўлларда ажралувчи йўлаklar камида бир-биридан 5 км, III категорияли йўлларда эса-ҳар 2 км да мўлжалланади.



Шахар ички йўлларида тирбандликни олдини олишда транспорт воситаларидан кўра кўпроқ, велоспидлардан фойдаланиш инсон соғлиғи учун фойдаси жуда катта, ҳамда атмосферага зарар келтирувчи элементлардан холи.

#### **Адабиётлар:**

1. И.Клинковштейн, М.Б.Афанасев. Организация дорожного движения. Москва, Транспорт 2001г.
2. И.Илёсов. Автомобиль йўллари лойихалаш. Тошкент, 2001 йил
3. Руне Элвик и др. Справочник по безопасности дорожного движения: Институт экономики транспорта, Осло, Норвегия, 1996-664с.

## МУНДАРИЖА:

### I – ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.

	<b>КИРИШ СЎЗИ</b>	3
1	<b>ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ.</b> <i>Қулдашев А.Т. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги., Турсунова А.А. Тошкент Молия институти 1-босқич талабаси</i>	5
2	<b>НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЖИЛИЩНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УСЛОВИЯХ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ.</b> <i>Давлетов И.Х.-кандидат экономических наук, доцент, заведующий кафедрой «Менеджмент в строительстве» ТАСИ</i>	9
3	<b>DIFFICULT PATH: PRIVATISATION PROSPECTS OF THE PENITENTIARY SYSTEM IN THE CONTEMPORARY UZBEKISTAN.</b> <i>Toshimov Umidjon Hakimovich., LLM student of Tashkent State University of Law Buriev Hakim Toshimovich Associate Professor, PhD in Economy</i>	13
4	<b>ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ СРЕДЫ НА РЫНКЕ ПОДРЯДНЫХ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.</b> <i>проф., Суюнов А.С., доц.Гиясов Б.Ж., ассис. Гиясов У.Б. СамГАСИ</i>	20
5	<b>РАЗВИТИЯ ОСНОВНЫХ ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ РЫНКА.</b> <i>профессор Суюнов А.С., Самандарова Хусния-101-ИЧТЭва УБ гуруҳи талабас., стар. преподаватели Рахманова Ф.М., Суюнова Я.М.</i>	25
6	<b>QURILISH SOHASIDA INVESTITSİYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH MEKANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH.</b> <i>Ilmiy rahbar: i.f.d., prof. Maxmudov Nosir Maxmudovich TDIU, Talaba: Avazov Nuriddin Rustam o`g`li TDIU</i>	28
7	<b>ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.</b> <i>Абдуллаев Ахрор Жаҳбарович, ТАҚИ</i>	31
8	<b>РЕСПУБЛИКАДА КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ, ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.</b> <i>Давлетов И.Х., ТАҚИ “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент; Холиқов Ж.И., ТАҚИ Қурилишни бошқариш факультети 3-курс талабаси</i>	38
9	<b>РЕСПУБЛИКАДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.</b> <i>Маманазаров Ойбек Шомуродович, ТАҚИ, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти, Иноятова Дурдона Шохайдаровна, ТАҚИ, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти, Ортиқбоева Озода Неъматовна, ТАҚИ талабаси, Бердибаева Гулиза Бердибай қизи, ТАҚИ талабаси</i>	42
10	<b>ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.</b> <i>доцент Буриев Х.Т., катта ўқитувчи Рахманова Ф.М., ўқитувчи Мирзаев З.А (СамДАҚИ)</i>	45

11	<b>МЕТАЛЛ-ЁҒОЧ ФЕРМАЛАРНИНГ АСОСИЙ СХЕМАЛАРИ ВА ТУРЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ҲАҚИДА.</b> <i>Махматқулов Т.М - профессор в.б. Шомирзаев Ғ.Ш. – Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-ҳунар коллежи директори, т.ф.н., доцент, Ҳасанова Н- ўқитувчи</i>	49
12	<b>ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ.</b> <i>Доцент Усманов И.А., студент группы 302-Мен Меликов А. (СамГАСИ)</i>	52
13	<b>САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚИСМИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.</b> <i>доц. Усманов И.А., мустақил изланувчи Жуманов Ш.Н. СамДАҚИ</i>	55
14	<b>ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ЎРНИ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ.</b> <i>Бобоқулов Б.М - СамДУ доценти., Исламов З.Ч - СамДУ Магистри., Икромов А.Ч - СамДУ Магистри</i>	59
15	<b>НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В РЫНОЧНЫХ УСЛОВИЯХ.</b> <i>к.э.н., доцент, Буранов О. Б., к.э.н., доцент, Каржавов З. К., к.э.н.,ст.преп., Мусурманов Р. М.</i>	63
16	<b>РОЛЬ ИННОВАЦИОННОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ПЕРСПЕКТИВЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ОБНОВЛЕНИЯ БАЗОВЫХ ОТРАСЛЕЙ ЭКОНОМИКИ.</b> <i>к.э.н., доцент, Буранов О. Б., к.э.н., доцент, Каржавов З. К., к.э.н.,ст.преп., Мусурманов Р. М.</i>	66
17	<b>О'ZBEKISTONNI INNOVATSION RIVOJLANTIRISHNI TA'MINLASH MUAMMOLARI VA USTUVOR YO'NALISHLARI.</b> <i>Aliqulov Samar Abdurashidovich Iqtisod fanlar nomzodi, dotsent. SamDAQI.</i>	72
18	<b>О'ZBEKISTONDA TA'LIM, ILM-FAN VA ISHLAB CHIQRISHNING O'ZARO INTEGRATSIYALASHUVI-KORPORATIV HAMKORLIKNI YANADA RIVOJLANTIRISH OMILI SIFATIDA.</b> <i>Aliqulov Samar Abdurashidovich dotsent, iqtisod fanlari nomzodi, SamDAQI Boymanov S. A., Adiqunduzov N. A SamDAQI I-bosqich talabalari.</i>	76
19	<b>ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ.</b> <i>Собиров Илхом Хусанович. СамГАСИ,</i>	80
20	<b>ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СТРОЙИНДУСТРИИ УЗБЕКИСТАНА.</b> <i>Хамракулова О.Д.- канд.экон.наук, доцент каф. “Социальные дисциплины” СамГАСИ.</i>	84
21	<b>МАЛАКАВИЙ АМАЛИЙОТЛАРНИНГ СIFATLI О'ТКАЗИШГА KASB HUNAR KOLLEJLARNING TA'SIRI.</b> <i>SamDAQI dosent Raximov A.Q., SamDAQI katta o'qituvchisi Egamov I.Yu., SamDAQI o'qituvchisi To'rayeva N.N., SamDAQI 201-KT(BIK) Almasova G.I.</i>	87
22	<b>ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИДЕИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ АРХИТЕКТУРЫ В МОЛОДЫХ И РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАНАХ МИРА.</b> <i>Ражабов Н.А. к.ф.м.н., доц., СамГАСИ Садиева М.М. студентка гр.103-КХАЛТЕ, СамГАСИ</i>	91
23	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ.</b> <i>Суюнова Я.М.-катта ўқитувчи, Насимова Мафтуна -201 Мен гуруҳи талабаси, Хамроева Барно-101-ИЧТЭваУБ гуруҳи талабаси, СамДАҚИ</i>	96

24	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ.</b> <i>Рахмонова Ф.М.- “Қурилишда менежмент” катта ўқитувчи, Абдуқобилов Хусниддин 201-Мен, Самандарова Хусния-101-ИЧТЭва УБ гуруҳи талабалари</i>	100
25	<b>СЭЗ «УРГУТ» ИНВЕСТИЦИОННЫЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕГИОНА, КАК КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ СВОБОДНО- ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.</b> <i>Ганиева Фируза Каримовна, Ст. преподаватель кафедры «Менеджмент в строительстве», СамГАСИ</i>	105
26	<b>ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.</b> <i>кат. ўқит Пулатов З.М., ўқит. Жуманов Ш.Н., ўқит. Эгамов Р.М. (СамДАҚИ)</i>	107
27	<b>“СТРАТЕГИЯ ДЕЙСТВИЙ” КАК ОСНОВНОЙ ПЛАН ГЛАВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА НА 2017-2021 ГОДЫ.</b> <i>Хасанова Л.Т. ст. преподаватель Сам ГАСИ Рахимова Н.А. преподаватель Сам ГАСИ</i>	111
28	<b>БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ НАЪМУНАЛАРИНИ ЯРАТИШ ДАВР ТАЛАБИДИР.</b> <i>Тошиматова Хосият Сидиковна, стажёр - ўқитувчи (СамДАҚИ)</i>	114
29	<b>ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.</b> <i>Суюнов Б.А – ассистент каф. “Экспертиза и управления недвижимостью”, Назаров Б.М.-преп., Бахриддинов Фарход-студент 205-КМЭваУБ, СамГАСИ</i>	118
30	<b>ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ.</b> <i>Назаров Мустафо – “Қурилишда менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси Гиясов У.Б КМЭваУБ” кафедраси ўқитувчиси Бахриддинов Фарход - 205-КМЭваУБ гуруҳи талабаси</i>	122
31	<b>ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МИНИСТЕРСТВА СТРОИТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН – КАК ФАКТОР РЕФОРМИРОВАНИЯ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ СТРАНЫ.</b> <i>Мукумова Н.Н., преп. кафедры «Менеджмент в строительстве», СамГАСИ</i>	126
32	<b>ПРОБЛЕМЫ ЖИЛИЩНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНАНЕ.</b> <i>Степанова Анастасия - студентка группы 307- строительство зданий и сооружений СамГАСИ.. Научный руководитель: Хамрокулова О.Д. - доцент СамГАСИ</i>	129
33	<b>ПРОБЛЕМЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.</b> <i>Джаббаров Ф. – студентка группы 202-Менеджмент СамГАСИ., научный руководитель Хамракулова О.Д., доцент СамГАСИ</i>	134
34	<b>ПРОБЛЕМЫ ИНФРАСТРУКТУРЫ КАПИТАЛЬНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНАНЕ.</b> <i>Толибов Жасур - студент группы 202-Менеджмент СамГАСИ Научный руководитель: Хамракулова О.Д.- доцент СамГАСИ</i>	139
35	<b>QISHLOQ XO’JALIGINI MODERNIZATSIYALASH.</b> <i>Sarimsoqov M. Qurilishda menejment kafedrasi o’qituvchisi. Boymanov S.A., SamDAQI 101- IChTE va B talabasi</i>	143



**II – ШЎЪБА. ҚУРИЛИШДА ЛОЙИҲАЛАШ, ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

- 36 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.**  
*Қулдашев А.Т., Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги* 147
- 37 **ҚУРИЛИШ САНОАТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРИГА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР.** *проф. Сатторов З.М., талаба Муродов Б.З. Тошкент архитектура-қурилиш институти* 150
- 38 **УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ, РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.** *Профессор Убайдуллоев М.Н. катта илм. Изланувчи Убайдуллоева Н. талабалар Убайдуллоева Н., Насруллаев. СамДАҚИ,* 155
- 39 **ҚУРИЛИШ ИНШОТЛАРИНИНГ ШЎР ВА НАМГА ЧИДАМЛИЛИГИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**  
*Рахимов Р.А. т.ф.д., профессор, УрДУ Марупова Г.Р. докторант СамДАҚИ Атажсанов М.Х., Бабажанова Н.Б. талаба УрДУ* 162
- 40 **ҚУЙИ АМУДАРЁ ДЕЛТАСИ СУВ ОҚИМИНИНГ ТАХЛИЛИ.**  
*Бобоев.С.М т.ф.д.,профессор. Жубатканова Г.Д. магистрант СамДАҚИ* 165
- 41 **СТИЛЬ В АРХИТЕКТУРЕ.** *Кариева Н.Ж. УрГУ, Аминбаева М., студентка, Тангрибергана К., студентка УрГУ* 170
- 42 **ОСОБЕННОСТИ ЗАЩИТНЫХ ПОКРЫТИЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ КОНСТРУКЦИЙ.** *к.т.н.,доцент Касимова С.Т., маг. Салохиддинова Д.К., маг.Тўраев А.Т. (ТАСИ)* 172
- 43 **БИНОЛАР ТАДҚИҚОТИДА МАҚБУЛ АСЛИЙ УСЛУБЛАРНИ ТАНЛАШ МУАММОЛАРИ** *Саттаров Т.И. (СамДАҚИ магистри), Матъязов С., Саттаров И.С. (СамДАҚИ доценлари)* 178
- 44 **ЦЕМЕНТ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ОТХОДОВ УГЛЯ.** *Абдурахимов А.А. Мавланова М.Э. ТАСИ* 181
- 45 **СТРУЖЕЧНЫЕ ПЛИТЫ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МОДИФИЦИРОВАННОЙ СМОЛЫ.** *Абдурахимов А.А., Мавланова М.Э. ТАСИ* 184
- 46 **ПРИМЕНЕНИЕ ВЕРМИКУЛИТА В НИЖНЕАМУДАРИНСКОМ РЕГИОНЕ УЗБЕКИСТАНА.**  
*Ахмедов К. К. к.т.н., УрГУ, Ахмедова Д.К. студентка УрГУ* 187
- 47 **ИССИҚ ПОЛЛАРНИ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ.** *Т.ф.н., доцент Исроилов С.И.* 190
- 48 **ЗЕМЛЕБИТНЫЕ СТЕНЫ И ТЕХНОЛОГИИ ИХ ВОЗВЕДЕНИЯ.**  
*Исроилов С.И. к.т.н., доцент. СамГАСИ* 193
- 49 **МАҲАЛЛИЙ МАРМАР ЧИҚИНДИ КУКУНИ АСОСИДА ҚУРУҚ ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛИ ШПАКЛЁВКА ВА ҚОПЛАМА ЕЛИМИ ТАРКИБЛАРНИ ОЛИШ.** *т.ф.н. Саидмуратов Б.И. СамДАҚИ магистрант Қурбонов З. СамДАҚИ* 197

50	<b>МЕТАЛЛУРГИЯ ШЛАКЛАРИ АСОСИДАГИ БЕТОНЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ.</b> <i>т.ф.н.,доцент, Кулдашев Х., Тўхташов Қ-магистр. СамДАҚИ</i>	200
51	<b>ЎРАМА МАТОЛИ ҚУРУҚ ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛИ ҚОПЛАМА МАТЕРИАЛ.</b> <i>Саидмуратов Б.И., Саидмуратов Б.Б. СамДАҚИ</i>	205
52	<b>КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ.</b> <i>Зохидова Д. Б.Магистр, ТАҚИ Арх.фан.ном Зохидов М.</i>	210
53	<b>ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.</b> <i>Ҳикматов Ҳ. Ҳ. и.ф.н. – СамДАҚИ, Абилов А. Н. – ГулДУ</i>	214
54	<b>QURILISH UCHUN GRUNTLARNING FIZIK-MEXANIK XOSSALARINI VANOLASH.</b> <i>Savutov Ravshan Erkinovich - UrDU "Qurilish va arxitektura" kafedrasi o`qituvchisi</i>	217
55	<b>ГАЗ, СУВ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ</b> <i>Нишанов Ю. (СамДАҚИ), ЮСУПОВА М. (СамДУ, 2-курс матфак талабаси, МУРОДОВ Р. СамДАҚИ, 201-мен. талабаси.</i>	221
56	<b>FOSFOGIPS SHIQINDILARINI QAYTA ISHLASH JARAYONI.</b> <i>SamDAQI QMB va KICH kafedrasi dotsenti, t.f.n.:Bo`riboev SH.A. QMB va KICH kafedrasi dotsenti v.b. t.f.n.: Baxriyev H.F., 201- QMB va KICH magistranti Zoirov Z.O.</i>	225
57	<b>СУВ МУЛОЖАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИМОРАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ТУРЛАРИ.</b> <i>Уралов Акбарали., катта ўқитувчи ( СамДАҚИ), Уралов Акмал Акбаралиевич II-босқич магистранти , СамДАҚИ</i>	231
58	<b>ЗАМОНАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИ ИНДУСТРИЯСИ ВА АРХИТЕКТУРАСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР.</b> <i>Уралов Акмал Акбаралиевич , II-босқич магистранти , Уралов Акбарали, катта ўқитувчи( СамДАҚИ)</i>	235
59	<b>SHANAR KO`CHALARINI OBODONLASHTIRISH ISHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USULLARI.</b> <i>Axmedov N.T.-201 ShTX va AY guruhi magistri, ilmiy rahbar t.f.n., dosent Raximov A.</i>	241
60	<b>БОҒ-ПАРКЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР.</b> <i>Мустаев Баҳром,эркин тадқиқотчи(СамДАҚИ) Шамсиева Рафоат, II босқич магистранти (СамДАҚИ)</i>	244
61	<b>САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ КЎЧАЛАРИ ТИРБАНДЛИГИНИ ХАЛ ЭТИШДАГИ МУОММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ.</b> <i>Бердиқулов А., Мадиев Ф., ўқитувчилар Шабоева Р. магистрант, СамДАҚИ</i>	249
62	<b>ШАҲАРНИНГ РЕЖАЛАШДА ҚУРИЛИШ ҲУДУДИНИ ТАНЛАШ.</b> <i>Мадиев Ф., Саидова Н., ўқитувчилар Хайдаволов М. магистрант, Давронов К., талаба СамДАҚИ</i>	252
63	<b>ТАБИЙ ТОШ МАТЕРИАЛЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР.</b> <i>Бўриева С.З. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси., Маннатов Б. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси</i>	255
64	<b>ДЕВОРЛАРНИ ИССИҚЛИКДАН ҲИМОЯЛАШДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ЎРНИ.</b> <i>Бўриева С.З. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси</i>	260

65	<b>ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.</b> <i>Бўриева С.З. кат.ўқ. СамДАҚИ ҚМБваКИЧ кафедраси ўқитувчиси</i>	264
66	<b>ОЦЕНКА ЛЕТНОГО ТЕМПЕРАТУРНО-ВЛАЖНОСТНОГО РЕЖИМА ТЕРРИТОРИИ.</b> <i>Бекназаров М.Б. ст. пр., Хаитметова Ф.И. стажер. пр. СамГАСИ</i>	268
67	<b>IQTISODIY AXBOROT TIZIMLARIDA AXBOROTLARNI NIHOYA QILISH USULLARI VA VOSITALARI.</b> <i>Islamov K.S., Shaimov K.M.</i>	271
68	<b>САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА АСПИРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЧАНГ ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b> <i>Ахмедова М.А. – СамДАҚИ (PhD) докторанти</i>	275
69	<b>САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.</b> <i>Рахимов А.Н. - катта ўқитувчи, Акбаров Ҳ.Ў. - катта ўқитувчи (Самарқанд ветеринария медицинаси институту)</i>	281
70	<b>ИННОВАЦИОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ БАЗАЛЪТНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ.</b> <i>Ортиков.Ш.Х., преподаватель, Холмуродов.Б.Ш., студент (СамГАСИ).</i>	284
71	<b>ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ТРАНСПОРТ ТУРЛАРИНИ ТАНЛАШ.</b> <i>Хайдаров Ш. - СамДАҚИ магистранти</i>	288

**“Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида  
инвестицион-қурилиш ва инновацион жараёнларни  
ташқил қилиш ва бошқаришнинг долзарб муаммолари”  
мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий  
анжумани**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**  
**2019 йил 17-18 май**

**I-қисм**

*Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Мақолалардаги грамматик ва стилистик хатоларга шахсан муаллифлар жавобгардир*

**14.05.2019 йил босишга тавсия этилган.  
Бичими 60x84. Офсет босма. Шартли босма табоғи 18,75.  
Нашр табоғи 17,5 Адади 50 нусха  
Буюртма № 08/19**

---

“НАВРЎЗ ПОЛИГРАФ” МЧЖ кичик босмахонасида чоп этилди.  
Лицензия №\* 18-3327 02.09.2014 йил.  
Манзил: Самарқанд шаҳар, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.